

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ
МАНЗИЛЛИЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ – 2020

УДК:334.2:314.15(575.1)

Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш. Тошкент. 2020. 136 бет.

Илмий монографияда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисидаги назарий қарашларнинг моҳияти, таркиби ва тамойиллари таҳлил қилинган, жаҳонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя моделларининг хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари қиёсий таққосланган, жаҳонда “Covid-19” пандемиясининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига таъсири баҳоланган. Жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган инқирозга қарши ижтимоий дастурларнинг самарадорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ этилган. Мамлакатимиздаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳукуқий-институционал асосларининг ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари, муаммолари аниқланган, гурухланган ва уларни ҳал этишга қаратилган давлатнинг тизимли фаол ижтимоий дастурлари қиёсий тадқиқ этилган, уларни манзиллилигини кучайтириш, самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, 2030 йилгача бўлган даврда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш асосида ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли, камбағаллар улушини камайтириш, аҳолининг ўрта қатламини ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайтириш стратегиясининг муқобил сценариялари асосланган.

Илмий монография ижтимоий сиёsat, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва амалиётчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Ушбу монография ПЗ-20170930109 “Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техник кенгаши томоиндан нашрга тавсия этилган.

Проф. А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

Алимов Р.А. – ЎзМУ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
Рустамов Д.Р. – ТМИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	7
§1.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми тўғрисидаги назарий қаравалар эволюцияси.....	7
§1.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш тамойиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
§1.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг хориж тажрибалари ва уларнинг қиёсий таҳлили..... Биринчи боб бўйича хулоса.....	25 37
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	40
§2.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг институционал жиҳатлари ва унинг ўзига хослиги.....	40
§2.2. Ўзбекистонда аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиши ва унинг ўзгариш тенденциялари.....	55
§2.3. Республикада аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг қамров даражаси ва унинг ҳозирги ҳолатини таҳлили..... Иккинчи боб бўйича хулоса.....	69 78
III БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	82
§3.1. Ўзбекистонда ижтимоий сиёsatни амалга ошириш дастурларини такомиллаштириш.....	82
§3.2. Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда камбағалликни камайтиришнинг устувор йўналишлари.....	85
§3.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қамров даражасини оптималлаштириш йўллари..... Учинчи боб бўйича хулоса.....	92 97
ХУЛОСА.....	100
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	104
ИЛОВАЛАР.....	112

КИРИШ

Жаҳонда давом этаётган коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари, камбағаллик даражасига таъсирини тадқиқ этиш долзарб, иқтисодий адабиётда кам ўрганилган илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, 2017-2019 йилларда жаҳон аҳолисининг 29 фоизи ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, 41,1 фоиз фарзандли аёллар оналик, меҳнатга лаёқатли ёшда ишсиз бўлиб қолганларнинг 21,8 фоизи ишсизлик, меҳнатга лаёқатли ногирон шахсларнинг 27,8 фоизи ногиронлик нафақаларини олиш имкониятига эга бўлдилар¹. Коронавирус пандемияси жаҳонда жами 2 млрд. норасмий секторда банд бўлган (жаҳондаги жами бандларнинг 62 фоизи, жумладан, кам даромадли мамлакатларда 90 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 67 фоиз ва ривожланган мамлакатларда 18 фоиз) аҳолининг ишсиз бўлиб қолишига олиб келди².

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда бошланган «Covid-19» пандемия инқирози оқибатида жаҳон иқтисодиёти 5,2 фоизга, жумладан, ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш даражаси 7 фоизга, бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда 2,5 фоизга, аҳоли жон бошига даромадлар 3,6 фоизга камайиши натижасида, дунёда 60 млн. одам ўта қашшоқлик ҳолатига ва миллионлаб инсонларнинг камбағаллик чегарасига тушиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда³.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти талаблари асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилди ва мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Пандемия шароитида ижтимоий жиҳатдан муҳтож уй хўжаликларининг жами уй хўжаликлидаги улуши 8,0 фоиздан 21,0 фоизгacha ортди⁴. Ушбу ҳолат республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва камбағаллик даражасини камайтириш дастурларининг самарадорлигини ошириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Мамлакатимизда кам таъминланган аҳоли қатламлари таҳминан 12-15 фоизни ташкил этади.... Бу борада ҳалқаро мезонлар асосида камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуllibарини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим»⁵. Мамлакатимизда

¹ Доклад о социальной защите в мире в 2017–2019 годах. Обеспечение всеобщей социальной защиты для достижения Целей в области устойчивого развития / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2018. 7-с.

² Кризис Covid-19 и неформальная экономика: Срочные меры реагирования и политические вызовы. – Отраслевая справка МОТ. Май 2020 г.

³ Жаҳон банки маълумотлари асосида <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii>

⁴ Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 йил 23 июль. https://cbu.uz/upload/iblock/3cd/Markaziy-bank-asosiy-stavkasini-korib-chiqish-boyicha-Pul_kredit-siyesati-tahlili.pdf

⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

пандемиядан олдинги даврда ишсизлар сони 1 млн. 350 мингга яқин бўлган бўлса, пандемия шароитида ушбу кўрсаткич қарийб 2 млн. кишига етди⁶. Шунингдек, «...пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадининг пасайишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин»⁷. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллиигини оширишда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, камбағалликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларни тизимлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қамрови даражасини ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга ижтимоий-иктисодий муаммо ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади иктиносидиётни модернизациялаш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иктиносидий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларининг назарий асосларини таҳлил қилиш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг моҳиятини ёритиш, тамойиллари, амал қилиш механизми ва дастакларини тадқиқ этиш;

жаҳонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини қиёсий таққослаш ва улардан мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллиигини оширишда ижодий фойдаланиш имкониятларини асослаш;

мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳолатини баҳолаш, ривожланиш тенденциялари ва муаммоларини аниқлаш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иктиносидий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

«Covid-19» пандемиясининг жаҳон мамлакатларидағи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға таъсирини баҳолаш, жумладан, пандемия шароитида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналишларини таҳлил қилиш;

узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда камбағаллик даражасини қисқартиришга қаратилган илмий таклифлар ва муқобил сценария прогнозларини ишлаб чиқиши.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурӯхлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/jobless/>

⁷ 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан.
<https://president.uz/uz/lists/view/3624>

Илмий монография ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқкан ҳолда таркибий жиҳатдан кириш, мантиқан ўзаро боғланган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Тадқиқот ишининг «**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини шаклланиши ва ривожланишининг концептуал асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисидаги назарий қарашлар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таркиби ва тамойилларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, жаҳонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларининг хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари қиёсий таққосланган, жаҳонда «Covid-19» пандемиясининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига таъсири баҳоланган ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги илмий асосланган.

Илмий монографиянинг «**Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш тенденциялари**» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-институционал асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари аниқланган, аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиши ва уларнинг ривожланиш тенденциялари баҳоланган, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти ва унинг сифатини ошириш масалалари ёритилган. Жумладан, «Covid-19» пандемияси шароитида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган ижтимоий дастурларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби «**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш йўллари**» деб номланиб, унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат дастурларини такомиллаштириш, узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли, камбағаллар улушини камайтириш, узоқ муддатли даврда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда аҳолини ўрта қатламини ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни манзиллилигини кучайтириш стратегиясининг муқобил сценариялари батафсил ёритиб берилган.

Илмий монографиянинг хулоса қисмida амалга оширилган монографик, статистик ва аниалитик, эконометрик таҳлиллар натижасида илмий хулосалар олинган, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

I БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1-§. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси

Иқтисодиётни модернизациялаш ва унда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётига назар соладиган бўлсак, ушбу чора-тадбирлар тизими ижтимоий сиёсатнинг таркибий элементи ҳисобланади. Мамлакатимизда амал қилаётган кучли ижтимоий ҳимоя тизими бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни юмшатиши билан бирга, ижтимоий мақсадга мўлжалланган ресурсларнинг ортиши кам таъминланган аҳоли учун турли хил нафақалар жорий этилишини таъминлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими узоқ йиллардан бери давлат сиёсатининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида вужудга келаётган ижтимоий муаммоларни олдини олиш, уларни ҳал этиш ва таъсир доирасини камайтириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш эвазига самарали ижтимоий-иктисодий ривожланишга эришиш учун замин яратиб келмоқда.

Иқтисодий адабиётда мавжуд манбалардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, Қадимги Хитой давлатининг Доасс мактаби ёрқин намоёндаларидан бири ҳисобланган Мо-цзи қўлёзмаларида давлатнинг аҳоли бандлигини таъминлаши, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлиги борасидаги фикрларни учратиш мумкин. Шу билан бир қаторда, Қадимги давлатларга тегишли бўлган, жаҳонда хинд қўлёзмаси сифатида эътироф этиладиган “Махабхорат” асарида ҳам давлатчиликнинг ташкил этилиши ва уни бошқариш бевосита буюк хукмдор томонидан амалга оширилиши мумкинлиги ва унинг қудрати ўз ҳалқининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаши билан бир қаторда, жамиятнинг барча аъзолари учун муносиб бўлган турмуш фаровонлигини таъминлаши, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаши билан ижтимоий-иктисодий тенгликни таъминлашида намоён бўлиши борасида қатор фикрлар келтириб ўтилган.⁸

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, Қадимги давлатлар амалиётида ҳам у ёки бу даражада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими амал қилган. Антик давр вакиллари ҳисобланган Платон ва Аристотельнинг қўлёзмаларида ижтимоий сиёсат, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурияти борасида қатор фикрлар билдириб ўтилган. Платон

⁸ Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. с.5-6

асарларида давлат бошқарувини осонликча амалга ошириш мумкин эмаслиги, бунда тегишли билимга эга бўлиш зарурлиги, давлатни ривожлантириш учун эса фаннинг ривожини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилган. Шу билан бир қаторда давлат хукмдори ўзи учун фойдали ҳисобланган қарорларни эмас, балки умумхалқ учун фойдали бўлган қарорларни қабул қилиши лозимлиги борасида ўз фикрларини билдириб ўтади.⁹ Бунда асосий эътибор халқ саводхонлигини ошириш эвазига уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматлар қадимги давлатлар амалиётида муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Аристотель фикрига кўра, “Давлат фақатгина яшаш учун эмас, балки баҳтли яшаш учун ташкил этилади”¹⁰. Жамиятнинг барқарорлиги ва ривожининг асоси сифатида ўрта даражадаги турмуш фаровонлигига эга бўлган аҳолининг ижтимоий гуруҳларини эътироф этади. Аристотель қўлёзмаларида жамиятнинг ўрта қатлами, ўрта даражадаги таъминланганлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ўрта даражадан паст бўлган турмуш фаровонлигига эга бўлган аҳолининг ижтимоий гуруҳларини қўллаб-қуватлаш зарурлиги айтиб ўтилади.

Янги давр намоёндаларидан бўлмиш В. Фонд Гумболт ва И. Фихтелар ўз илмий тадқиқотларида давлатнинг ижтимоий сиёсати ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амал қилиш механизми борасидаги изланишларни амалга оширидилар. Жумладан, В. Фонд Гумболт ўз асарларида жамиятда ижтимоий-иқтисодий тенгликни, ижтимоий адолатни таъминлаш давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбурияти сифатида қараган. Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотларида аҳоли хавфсизлигини, жамиятнинг тинч ҳаётини таъминлаш ва бунда фуқаролик жамиятининг ижтимоий ҳуқуқларини таъминланишига катта эътибор қаратилганлиги илмий изланишларнинг ўзига хос хусусияти сифатида эътироф этилади. В. Фонд Гумболт аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий-институционал асосларини концептуал жиҳатдан тадқиқ этишга харакат қилган.

И.Фихте концепциясига кўра, мамлакатда протекционизмни амалиётга тадбиқ этиш эвазига давлат томонидан қайта тақсимот механизмини амалга оширилиши орқали жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳларини бирдек истеъмол товарлари ва хизматлари билан таъминлаш мумкинлиги ва бунда давлатнинг аралашуви юқори даражада бўлиши талаб этилади.¹¹

Антик ва янги давр вакиллари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширилиши жараёнида давлатнинг ижтимоий вазифаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг концептуал асосларини ишлаб чиқишга замин яратишга хизмат қилган деб айтиш мақсадга мувофиқ.

⁹ Платон. Собр. соч. в 4 т. Т. 3 с. 104-105

¹⁰ Аристотель. Соч. в 4 т. Т. 4 с. 460, 462.

¹¹ Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПБ.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. с. 6-7

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизмини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Ўша даврда ушбу мамлакатлар гуруҳида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳукуқий-институционал асослари яратилди, ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг минтақавий ва умумдавлат (микро ва макро) даражасидаги механизмлари, ижтимоий хизматлар, жумладан, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш хизматларини молиялаштириш амалиёти бўйича аниқ кўрсатма ва дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу давр учун хос бўлган муҳим аҳамият касб этувчи ўзгаришлардан яна бири илк капитализмнинг жамият ижтимоий ҳаётига бўлган салбий таъсирини юмшатиш, уни бартараф этишда черков ва ҳайрия ташкилотларининг молиявий жиҳатдан кучи етмаганлиги оқибатида давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятларини бажариш масъулиятини ўз зиммасига олиши билан ҳарактерланади¹².

XIX асрнинг биринчи ярмида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркибий жиҳатдан янада такомиллаштирилиб, унинг амал қилишида ижтимоий суғурта хизматларидан фойдаланишга устуворлик қаратилди. Бунда бирдамлик тамойилига асосланган молиялаштириш механизми амалиётга кенг жорий этилди. Ижтимоий суғурта хизматлари жамият аъзолари ҳаётида ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида ҳарактерланади¹³.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий адабиётда кўпсонли иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари мамлакатларда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат, унинг таркибий элементлари, амал қилиш механизмини тушунтириш ва уни такомиллаштиришга қаратилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг назарий асосларини таҳлил қилиш жараённида Л. Фон Штейннинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Олим ўз назарияларида давлатнинг жамият олдидаги ижтимоий вазифалари сифатида ижтимоий адолатлиликни таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан табақаланиш ва тенгсизликни олдини олиш, инсонларнинг ўзларини мустақил бўлишлари учун замин яратувчи ижтимоий ҳукуқ ва эркинликлар тизимини яратиш каби масалаларни тадқиқ этган. Унинг фикрига кўра, “давлат ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаши зарур бўлади. Чунки бир инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўз навбатида бошқа бир инсон учун ривожланиш йўлини очади¹⁴”. Л.Фон Штейн назариясида давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига, жумладан, ижтимоий адолатлиликни таъминланиши, унинг фуқаролар олдидаги мажбуриятлари, ижтимоий вазифалари ва уларнинг бажарилишида ҳокимиятдан тўғри фойдаланилишига катта эътибор қаратилган. Бу орқали мамлакатда фуқароларнинг эркин фаолият юритиши ва ривожланиши, ижтимоий адолатлиликни таъминлашга эришилиши учун шарт-шароитлар яратилади.

XX асрнинг бошларида немис иқтисодчи олимларидан Ф.Науманн томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг бозор иқтисодиёти

¹² Скворцов И. П. Социальная политика: Теория и практика. М.: Кнорус, 2012. с. 8-10

¹³ Смирнов С. Н., Сидорина Т. Ю. Социальная политика. М., 2011. с. 15-16

¹⁴ Калашников С.В. Очерки теории социального государства / С.В. Калашников. – М.: Экономика, 2012. с. 19

механизмига мослашувини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Унинг фикрича, “Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар фуқароларнинг ижтимоий хавфсизлиги ва уларнинг мулкий дахлсизлигини таъминлаши керак бўлади. Давлат ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига уларнинг ривожланишлари учун кўмак бериши ва уларни ҳимоялаши лозим”¹⁵. Немис олимни томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиши борасида билдирилган фикрларида давлатнинг аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган харажатларининг манзиллигини кучайтириш ва бунда бозор иқтисодиёти механизмини инобатта олиш зарурияти эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий категориясининг туб маъносига янада аниқлик киритилишига сабаб бўлган Э.Бернштейн ва К.Каутскийларнинг илмий тадқиқотларида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу олимлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида социал-демократик ислоҳот йўналиши тарафдорлари сифатида намоён бўлиб, улар ўз илмий изланишларида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан синфий табақаланган ижтимоий гуруҳлари имкониятларини рад этган ҳолда, иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар ўртасида икки ёқлама ўзаро келишувларни амалга ошириш эвазига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорликни вужудга келиши мумкинлигини айтиб ўтганлар. Уларнинг тадқиқотларида ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш орқали капитализм ва социализмнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш имкониятлари ўрганилган бўлиб, ушбу илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар “Учинчи йўл” назариясида мужассамлашган бўлиб, XXI аср бўсағасида шаклланган “Замонавий ижтимоий давлат” концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади.¹⁶

Э.Бернштейн ва К.Каутскийлар томонидан ишлаб чиқилган “Учинчи йўл” назарияси СССР амалиётида тўлиқ қўлланилиб, 1920-1940 йиллардаги либерал бозор иқтисодиёти ва режали ривожланиш моделларини ўзаро аралаш ҳолда давлат бошқарувида қўллашнинг турли усусларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш жараёнида асос сифатида хизмат қилганлиги билан характерланади.

XX асрнинг охирларида келиб италян олими К. Росселли томонидан: “Алоҳида ишлаб чиқаришдан умумий ишлаб чиқариш шароитига ўтилганлиги сабабли жамоавий ғояларда турли ўзгаришлар бўлмоқда. Масалан, ишлаб чиқариш ва бойликнинг ҳажми ортади, иш ҳажми камаяди, меҳнат қилиш янада осонлашади, инсонлар эркин бўлади ва ниҳоят моддий жиҳатдан барча тенглашиб, турли урушлар ва қонунбузарликлар камайиб, жамиятдаги ижтимоий табақаланиш даражаси кескин пасаяди. Натижада мамлакатларда тинчлик ва ижтимоий адолат ҳукм суради...”¹⁷ деган ғоя илгари сурилади. Бу эса ўз навбатида

¹⁵ Кочеткова Л. Социальное государство: европейская теория и российская практика. // Власть. 2008 . № 4. С. 40

¹⁶ Олейникова Е.Г., Родин А.В. Проблемы гармонизации общественных интересов в условиях социально ориентированной экономики: теория и практика // Вестник евразийской академии административных наук. 2012. № 4/21. С. 101-108.

¹⁷ Росселли К. Либеральный социализм. – Рим: Мондо Операно, 1989. С. 129.

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тўғрисидаги иқтисодий қарашларда кескин бурилишнинг содир бўлишига олиб келди.

К. Росселли ўз тадқиқотларида Э.Бернштейн ва К.Каутскийлар томонидан ишлаб чиқилган “Учинчи йўл” назариясини такомиллаштирган ҳолда, унга кўшимча ўзгартиришлар киритишга харакат қилди. Унинг фикрича, социал-демократлар фуқароларнинг индивидуал тарздаги ва сиёсий эркинликлари учун доимо курашадилар. Бу эса ўз навбатида “Либерал социализм”га хос бўлган хусусият эканлигини эътироф этиб, ушбу атама вақти келиб жаҳон амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқилиши ва уларни амалга оширилишида илмий ва амалий аҳамият касб этишига ишонган эди.

К. Росселли томонидан ишлаб чиқилган “Либерал социализм” концепциясининг туб моҳияти қўйидагиларда ўз аксини топади: “Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали шахс ва унинг иродавий эркинлигини таъминлаш, инсон ҳақ-хукуqlари тўлиқ кафолатланган ва ҳимояланган жамиятда вужудга келади. Бу эса ўз навбатида жамият ва унинг аъзоларини эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беради. Либерализм эса айнан шу эркинликлар асосида ташкил топади. Ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламларининг ижтимоий-иқтисодий имконияти жамиятнинг бошқа ижтимоий гурӯҳларига нисбатан бироз чекланганлигини инобатга олган ҳолда давлат томонидан уларнинг танлов имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ижтимоий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим бўлади”¹⁸.

Немис иқтисодчи олими X. Ламперт ўз илмий тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига қўйидагича таъриф беради: “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бу давлат томонидан аҳолининг барча қатламларини ижтимоий хизматлар орқали қўллаб-қувватланишидир. Бунда давлат ижтимоий суғурта (пенсия суғуртаси, ишсизлик суғуртаси, тиббий суғурта, жумладан, ишлаб чиқариш жараёнида шикастланиш ҳолатларидан суғурталаниш ва бошқалар), ижтимоий таъминот (моддий ёки номоддий шаклда ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли талабини рағбатлантириш), бандлик (мехнат)ни ҳимоялаш тизими (касаба уюшмалари), таълим ва тиббий хизмат, корхоналар миқёсида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари орқали мамлакатда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий сиёsat чора-тадбирларини амалга ошириб боради”¹⁹.

Х. Ламперт томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига нисбатан берилган илмий таърифда асосий эътибор ижтимоий хизматлар соҳасига қаратилган бўлиб, бунда хукумат томонидан бу турдаги хизматларни аҳолининг барча ижтимоий қатламларига нисбатан кўрсатилиши таъкидлаб ўтилган. Бу эса ўз навбатида давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига ажратилаётган харажатларини кескин ошириб юбориши эҳтимолини юзага келтиради. Натижада

¹⁸ Сергачев А.В. Основные этапы развития научной мысли о государстве всеобщего благосостояния (вторая половина XX века). Научно-технические ведомости СПБГПУ. Гуманитарные и общественные науки. № 3. 2013. С. 41-45

¹⁹ Ламперт Х. Социальная рыночная экономика. Германский путь, - М., 1994 г., с. 150-152.

давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашда қатор муаммолар вужудга келиши мумкин бўлади.

Америкалик иқтисодчи олимлар С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини қўйидагича ифодалайдилар: “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими – бу вэлфер дастурлари тизими бўлиб, муҳтож аҳолининг камбағаллик даражасига кўра таъминланадиган нафақалардан иборат”²⁰. АҚШдаги ижтимоий ҳимоя тизимига – муҳтож аҳоли гурухларига давлат томонидан уй-жой берилиши, озиқ-овқат маҳсулотларига талонлар, ижтимоий нафақалар, Медикейд ва бошқа дастурлар киради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ташкилий-институционал жиҳатларини тадқиқ этган Е.А. Морозова²¹ тадқиқотларида ижтимоий ҳимоя атамасининг тор ва кенг маънодаги таърифи ўртасидаги кескин фарқланиш оқибатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға нисбатан ягона ёндашувнинг ҳозирга қадар шаклланмаганлиги илмий асослаб берилган. Чунки тор ва кенг маънода аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға берилган таърифлар унинг қамров даражасини кескин ошириб ёки тушириб юбориши мумкинлиги эътироф этилган. Бу эса ўз навбатида фуқаролик хукуклари ўртасида айrim қарама-қаршиликларни келтириб чиқариши ва ижтимоий адолатнинг хукуқий жиҳатдан таъминлашнинг мураккаб масала эканлигидан далолат беради.

Жаҳонда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тадқиқ этиш иқтисодий адабиётда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш каби йўналишларда жадаллашди. Жумладан, К.К.Доев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг қамров даражасини ошириш зарурлиги инобатга олган ҳолда у ёки бу турдаги ижтимоий гурух вакилига нисбатан ижтимоий ҳимоя тизими хизматларини қўрсатиш услубиётини асослашга харакат қилинган. Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотда асосий эътибор ишсизлар, ногиронлар ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган²².

В.Н.Бобков, Ф.С.Джандосова, Я.Ю.Бучковалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амал қилишида бозор иқтисодиёти муносабатлари таркибий компонентлари улушкини кўпайтириш зарурлиги таъкидланган. Бунинг сабаби, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатларда вужудга келган ишсизлик, ижтимоий-иқтисодий танглик ҳолати бевосита давлатнинг ижтимоий таъминот харажатларини ортиб кетишига олиб келганлиги билан характерланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

²⁰ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика -М.: Дело ЛТД, 1995.-829 с.

²¹ Морозова Е.А. Социальная защита – анализ современных трактовок / Социальная политика и социология. № 1, 2014. – 23 с.

²² Доев К.К. Система социальной защиты населения и методы ее совершенствования // автореферат дис., Владикавказ – 2011. 27 с.

тизимининг манзиллилигини оширишда иш берувчи, ёлланиб ишловчи ва давлат ўртасидаги ижтимоий шартнома асосида бозор иқтисодиёти механизми таркибий компонентларини жорий этилиши лозимлиги ғояси илгари сурилди.

Шу билан бир қаторда ижтимоий шартнома тузиш асосида меҳнат лаёқатига эга бўлган фуқаро ўзи ва оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик ҳолатидан суғурталаган ҳолда, шартномада кўрсатилган суғурта бадалларини тўлаб бориши назарда тутилади. Солик шаклида олинадиган суғурта бадаллари махаллий ҳокимият бюджетида жамланади, ҳамда вилоят миқёсида ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини ўрнатиш талаб этилади.²³ Бу эса ўз навбатида давлатнинг ижтимоий кафолатини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади.

О. Козлова ва бошқалар ўз тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизмини комплекс тадқиқ этиш жараёнида 14 та таркибий компонентдан фойдаланадилар:

- фуқаролик жамиятининг ривожланиши;
- мамлакатнинг демографик салоҳияти;
- аҳоли саломатлиги;
- таълим сифати ва қамрови;
- жамиятдаги ижтимоий муҳит ва унинг қулайлик даражаси;
- аҳолининг маданий хизматлардан фойдаланиш даражаси;
- аҳоли турмуш фаровонлиги;
- аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва уй-жой, коммунал хизматларнинг кўрсатилиш даражаси;
- аҳолига кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифати ва йўл харакати хавфсизлиги;
- товар ва хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси;
- қулай экологик шароитнинг мавжудлиги;
- аҳолининг ҳаётий хавфсизлиги даражаси;
- мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти.²⁴

Юқоридаги компонентларни инобатга олган ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини таҳлил қилиш натижасида амалга оширилаётган ижтимоий дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш ва манзиллилигини ошириш имконияти вужудга келади.

В. Холов ўз изланишларида “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда асосий омил бўлган аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш ва аҳолининг нисбатан кам таъминланган қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни назарда тутади”²⁵ деган фикрни илгари суради. Олим аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётини тадқиқ этиш жараёнида фақатгина пенсия таъминоти тизимига эътиборни

²³ Бобков В.Н., Джандосова Ф.С., Бучкова Я.Ю. Эффективность государственной социальной помощи на основании социального контракта. // Уровень жизни населения регионов России. 2015. № 3 (197), с. 75-108

²⁴ Козлова О., Гладкова Т., Макарова М., Тухтарова Е. Социальная политика и качество жизни населения: вопросы оценки // Экономист № 8, 2015 г. с. 80-87

²⁵ Холов В. Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий муҳофазасини самарали ташкил этиши масалалари // Бозор, пул ва кредит. 2014. № 12 – б. 48

қаратганлиги унинг тадқиқотлари натижаларидаги биртномонламалик, ноаниқлик ҳолатини юзага келтирган.

А.В. Вахабов фикрича, бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлашиб бориши натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлат тузилмаларининг роли камайиб, ушбу вазифалар босқичмабосқич нодавлат, жамоат ташкилотлари, ҳайрия жамғармалари, бюджетдан ташқари мақсадли ижтимоий фондлар зиммасига ўтказиб борилади.²⁶ Ушбу ҳолат бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг манзиллилиги даражаси ортиб боришидан далолат беради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини оширища мамлакатдаги камбағаллик даражаси ва уни аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиши зарурияти туғилади. Ўзбекистонлик иқтисодчи Р.Ф. Джуманова ўз илмий изланишларида мамлакатда камбағаллик даражасини аниқлаш бўйича қуидаги фикрларни билдириб ўтади: “камбағаллик даражасини белгилашда ҳар бир мамлакат ўзига хос мақсадларни кўзда тутади, миллий иқтисодиётнинг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, яшаш минимумини аниқлади, очор қатламларни ҳимоялаш, камбағаллик меъёрлари белгиланиши асосида ҳисобга олинади. Камбағаллик даражасига иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожланиши ҳам кучли таъсир этиши, камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар эканлиги аниқланди. Жаҳон амалиёти қўрсатишича, иқтисодий ривожланган мамлакатлар ижтимоий кескинликни бартараф этиш учун аҳолининг ўрта ва камбағал қатламлари ўртасидаги чукур табақаланишига йўл қўймасликка интилсалар, ривожланаётган мамлакатларда эса камбағалликни аниқланиши аҳолининг минимал турмуш даражасини таъминлаб туриш сиёсати билан боғланган”²⁷.


Амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили қўрсатишича, аксарият иқтисодчи олимлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ўрганиш жараёнида субъектив ёки объектив жиҳатдан ёндашувларни амалга оширганлиги сабабли, ушбу иқтисодий категорияга нисбатан унинг туб моҳиятини очиб бера оладиган ягона таъриф ҳали ҳануз шаклланмаганлигини кузатишимиш мумкин. Ушбу масалани ҳал этиш учун комплекс ёндашувга асолангандар тадқиқотлар сонини қўпайтириш мақсадга мувоғиқ бўлади. Чунки субъектив ёндашув асосида амалга оширилган илмий тадқиқотларда олимлар аҳолининг бирламчи истеъмолини қондирилиши даражасини баҳолашга катта эътибор қаратганлар. Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта хизматларидан фойдаланиши ҳолати, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг аҳоли истеъмолини қондириш даражаси билан боғлиқ масалаларга устуворликни қаратилишига туртки бўлади. Бинобарин бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли бандлигини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, таълим ва соглиқни сақлаш хизматларининг қўрсатилиши ҳам ижтимоий ҳимоя тизимининг таркибий компонентларидан ҳисобланади.

²⁶ Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимида ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003 – 6-7 б.

²⁷ Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: қўрсатичлари ва уни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008, 27 бет.

Объектив ёндашувга асосланган тадқиқотлар эса жамият аъзоларининг моддий турмуш фаровонлиги, ижтимоий хизматларнинг қамров даражаси, ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражасини жамият аъзолари томонидан эмас, балки бошқа инсонлар томонидан берилган баҳоларга таянган ҳолда амалга оширилади. Бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға реал баҳо бериш имконияти йўқотилиб, тадқиқот натижасида олинган илмий хулоса ва амалий таклифларнинг аҳамияти пасаяди.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, субъектив ёндашувга асоланган тадқиқотларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизмини ички омиллар ҳисобидан баҳолаш имконияти мавжуд бўлса, объектив ёндашув ташқи омиллар таъсирини тўлиқ баҳолаш имконини беради. Комплекс тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға ягона иқтисодий қарашни шакллантириш имконияти яратилади. Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий адабиётда ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға таъсир қўрсатувчи ички ёки ташки омилларни тўлиқ баҳолашга харакат қилинган бўлсада, амалда улардан комбинациялашган ҳолда ўйланилмаган.



1.1-расм. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амал қилиш механизмини комплекс тадқиқ этиш усули²⁸

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини комплекс баҳолаш ва ушбу иқтисодий категорияга нисбатан ягона таърифни ишлаб чиқиши мақсадида 1.1-расмда келтирилган йўналишда тадқиқотларимизни давом эттириш мақсадга мувофиқ. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда унинг самарадорлигини баҳолаш билан бир қаторда объектив ва субъектив

²⁸ Муаллиф томонидан тузилган

омиллар таъсирини комбинациялашган ҳолда тахлил этиб, унга ягона илмий асосланган таърифни шакллантириш имконияти вужудга келади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиёти қўрсатишича, бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат дастурлари фаол ва нофаол шаклда амалга оширилади. Фаол шаклдаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат дастурлари бевосита ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини бандлигини рағбатлантириш эвазига уларнинг даромадларини шакллантиришга шарт-шароитлар яратиб беришга йўналтирилган ҳисобланади. Нофаол аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари эса ижтимоий таъминот хизматлари эвазига ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига моддий ёрдам беришни назарда тутади. Бунинг оқибатида жамиятдаги ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари ўртасида боқимандалик руҳияти шаклланади.


Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг айрим ижтимоий гурухлари ўртасида шаклланган боқимандалик кайфиятини чеклаш, жумладан, давлат маблағларидан манзилли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳимдир. Давлат бюджетининг молиявий ресурслари чекланганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, аҳолига ижтимоий ёрдам қўрсатишининг фаол дастурлари самарадорлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни узлуксиз тарзда ишлаб чиқиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Амалга ошираётган тадқиқотларимиз самарадорлигини ошириш учун ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари иқтисодий категориясига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари ҳаёт кечириши даромад нуқтаи назаридан кундалик ҳаёт кечиришининг энг кам бюджетидан ортиқ моддий ресурсларга эга бўлишади, бироқ уларнинг даромадлари энг кам истемол бюджетига етмаслиги ҳолатини ифодалайди. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолатда, давлатнинг фаол ва нофаол ижтимоий ҳимоя дастурлари ўртасидаги нисбатда маълум мутаносибликни қўллаган ҳолатда амалга ошириб боради.

Назарий жиҳатдан баҳолангандা, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол давлат дастурларининг мунтазам равишда амалга оширилиши мамлакатда аҳоли бандлигини ортиши ва пул айланмаси тезлигининг ошиши эвазига пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини қўрсаткичининг мунтазам ортиб боришига замин яратиб беради. Амалиётда эса айрим тоифадаги ёлланиб ишловчиларнинг, бошқа ишчилар гуруҳига нисбатан кам иш ҳақи олиши, оила қарамоғида кам даромадли ёки умуман даромад олмайдиган аъзоларнинг мавжудлиги кам таъминланганликни келтириб чиқаради. Ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари барча мамлакатларда мавжуд бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммо ҳисобланади.

Шундай қилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқкан ҳолда хукumat томонидан давлатнинг ижтимоий кафолати остида фаол ёки нофаол шаклдаги ижтимоий ҳимоя дастурларининг давлат ва хусусий сектор ўртасида ижтимоий ҳамкорлик асосида тузилган уч ёқлама (давлат, иш берувчи ва ёлланиб ишловчи ҳодим) ижтимоий шартномаларга таянган, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларининг

истеъмол талабини рағбатлантирувчи ва жамият ҳаётида ижтимоий адолатни таъминловчи тузилма ҳисобланади (1.2-расмга қаранг).²⁹



1.2-расм. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизми³⁰

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг ижтимоий йўналишга эгалиги иқтисодий рағбатлантириш дастаклари ҳисобланган субсидия, солиқ имтиёzlари берилиши, кредитлаш амалиётини енгиллаштириш, ижтимоий таъминотдаги имтиёzlарни жорий этиш, давлат инвестициялари ва ижтимоий шартнома усуллари орқали намоён бўлади³¹.

Амалиётда давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнида ижтимоий инфратузилма обьектлари хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда жамият таркибида ижтимоий жихатдан муҳтож аҳоли қатламлари улушкини қисқартириш ва ўрта қатламни ёки бойликни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар солиқ сиёсати орқали амалга оширилган ҳолда, ҳукумат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш жараёнида қайта тақсимот, консолидациялашган бюджет тамойилларига таянади. Жаҳон амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтиришга устуворлик беришдан мақсад аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва фаол давлат дастурларини амалга ошириш асосида аҳолининг ижтимоий жихатдан муҳтожлик даражасини камайтириш ҳисобланади.

²⁹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан берилган таъриф

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган

³¹ Бобков В.Н., Джандосова Ф.С., Бучкова Я.Ю. Эффективность государственной социальной помощи на основании социального контракта. // Уровень жизни населения регионов России. 2015. № 3 (197), с. 75-108

1.2-§. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш тамойиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таркибини таҳлил қилишдан аввал унинг таърифларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимиға қўйидагича таъриф берилади: “Ижтимоий ҳимоя тизими – бу, аҳолининг ҳаётий мухим манфаатлари соҳаси бўлиб, унинг сифат ва микдор кўрсаткичлари давлат ва жамиятнинг иқтисодий, хуқуқий ва маданий ривожланиш даражасидан дарак беради”³².

Иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тушунчаси моҳиятини очиб беришда икки томонлама маънони ифодаловчи фикрларни учратишимиз мумкин. Ушбу фикрларни кенгроқ талқин қиласидан бўлсак, ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаро ўз ҳаёти ҳақида ўзи қайғуриши, муносиб яшashi учун мустақил меҳнат қилиши керак. Ҳар бир фуқаро, аввало даромад келтирадиган ижтимоий фаолият билан шуғулланишга интилиши, тирикчилик қилиши учун зарур бўлган мутахассисликларни эгаллаши, ўз устида тинмай ишлаши ҳамда унга берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориши зарур.

“Ижтимоий ҳимоя” тушунчасини тор маънода талқин этиладиган бўлса, асосан объектив ва субъектив шароитлари туфайли моддий жиҳатдан қийин ахволда қолган, ўз кучи билан ушбу қийинчиликлардан ўзини ва оиласини ҳимоя қила олмайдиган аҳолининг ижтимоий қатламларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тушунилади. Агар бошқача қилиб айтганда, “Ижтимоий ҳимоялаш” муайян (мураккаб, хавфли) вазиятларда аҳоли даромадлари даражаси кескин пасайишини олдини олиш, айрим ижтимоий гуруҳларга ёрдам кўрсатиши бўйича давлат ва ижтимоий гуруҳларнинг сайи–ҳаракатлари йиғиндисини ифодалаб, давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш ҳолатини баҳолаш учун аввало унинг таркиби, тузилиши ва тамойилларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Юқорида кўриб ўтганимиздек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими қадимги давлатчилик давридан бошлаб амал қилиб келмокда ва ҳозирда унинг таркиби бир мунча такомиллашган ҳисобланади. К.К. Доев ўз тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг обьекти қўйидаги аҳоли ижтимоий гуруҳларини ўз ичига олади деб таъкидлайди:³³

- иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари;
- меҳнат фахрийлари;
- пенсионерлар;
- қўп болали ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилалар;
- ишсизлар;
- ногиронлар;
- ёлланма ишчилар ва бошқалар

³² Иқтисодиётга оид атама тушунчаларнинг изоҳли луғати. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2017. б. 186

³³ Доев К.К. Система социальной защиты населения и методы ее совершенствования. // автореферат дис., Владикавказ – 2011. с. 11-12

Олим давлат, касаба уюшмалари, тадбиркорлик субъектлари, “Кўрлар” ва “Карлар” жамиятларининг аъзолари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, бюджетдан ташқари мақсадли ижтимоий фондлар, ижтимоий суғурта ташкилотлари ва хайрия жамғармаларига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг субъекти сифатида қарайди.³⁴

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида фаолият олиб бораётган ҳар қандай ташкилот ёки муассаса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг субъекти бўлса, аҳолининг айрим ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ гурухлари унинг обьекти хисобланади.

Иқтисодий адабиётда ижтимоий соҳа обьектлари сифатида эътироф этиладиган тармоқлар мажмуини К. Доев аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг субъектлари сифатида қараган. Чунки, Ижтимоий соҳа обьектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи бўлиб, улар таркибига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият, санъат муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин³⁵.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таркиби ва тамойилларини тадқиқ этишга қаратилган илмий қарашларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хulosалар олинди. Биринчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими давлат ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади. Давлат ижтимоий сиёсати бозор иқтисодиётининг салбий оқибатлари натижасида жамият ҳаётида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва уларни олдини олишга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш талаб этилади.

Иккинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими амал қилиш механизмига кўра, меҳнат лаёқатига эга бўлган ёлланиб ишловчилар ижтимоий гурухининг турмуш шароитларини яхшилаш, самарали бандликни таъминлаш, ижтимоий қонунчилик асосида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида ижтимоий суғурта хизматларидан кенг фойдаланишни назарда тутади.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ, меҳнат лаёқатига эга бўлмаган (ёки қисман меҳнат лаёқатини йўқотган) аҳоли қатламларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб кувватлаш орқали уларни жамият томонидан эътироф этилган ўрта даражадаги турмуш фаровонлиги шароитида яшашлари учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ушбу шакли иқтисодий адабиётда мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя ёки манзилли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни англатади.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромаларининг шаклланиши жараёнида жамият аъзолари ўртасида “ютганлар” ва “ютказганлар” мавжуд бўлиши табиий. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали ресурслар тақсимотида ана шу ютказганларга ютганлар томонидан даромадлар тақсимланади. Бу эса ўз навбатида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам

³⁴ Ўша манба. с. 12

³⁵ Иқтисодиётга оид атама тушунчаларнинг изоҳли лугати. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. – Т.: «АВУ МАТВУОТ-KONSALT», 2017. б. 189

ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламларининг турмуш шароитларини юқори даражада яхшилай олмаслигини кўрсатади.

Бешинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали давлат жамият турмуш фаровонлиги даражаси, ижтимоий табақаланиш жараёнлари ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлади.

Олтинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркиби мураккаб тузилишдаги алоқадорликни мужассамлаштирган ҳолда, давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя дастурлари аҳолининг ҳатти-харакатида ўз аксини топади.

Еттинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш шароитида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ, кам таъминланган ижтимоий гуруҳларига ижтимоий нафақаларнинг тайинланиши ва тўланиши натижасида уларнинг даромадларини сақлаб қолишга эришилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг нофаол шаклини намоён қилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги мураккаб макроиктисодий ҳолат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ролининг ўзгаришини тақозо этади. Бунинг учун биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини иқтисодий механизмини такомиллаштириш, уни ялпи ички маҳсулотни пасайтирадиган омилдан мувозанатлаштирувчи, барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омилга айлантириши лозим.

Иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш шароитида давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг қўйидаги вазифаларини бажарилиши талаб этилади:³⁶

- гуманизм ва ижтимоий адолат;
- тизимлилик;
- комплекслилик;
- мослашувчанлик;
- қўпсубъектлилик;
- манзиллилик;
- ишончлилик;
- табақалашганлик.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар экспертлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш борасидага изланишлари натижалари кўрсатишича, жаҳон молиявий-иктисодий инқизозидан кейинги даврда ва коронавирус пандемияси шароитида аксарият мамлакатлар инновацион аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга харакат қилмоқдалар. Бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг юқорида келтирилган функциялари инновацион аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-реабилитацион ва сиёсий функцияларининг таркибий компоненти сифатида эътироф этилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини таркибий жиҳатдан тадқиқ этишдан аввал, уни ташкил этилиши хусусиятларини аниqlаш мақсадга мувофиқ

³⁶ Beattie, R.; McGillivray, W. 1995. “A risky strategy: reflections on the World Bank report Averting the old age crisis”, in International Social Security Review, Vol. 48, No. 3–4, pp. 5–23.

(1-илова). Бунда мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш жараёнини моделлаштириб ўтамиз. Биринчи галда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш лозим бўлади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг мақсади ва вазифалари мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Ҳар бир мамлакат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш эвазига жамиятда ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик даражасини камайтиришга харакат қиласи. Бу эса ўз навбатида бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар учун хос хусусият ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар амалиётини таҳлил қиласиган бўлсак, уларда кенгқамровли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими амал қиласи. Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларида ўзаро фарқли жиҳатлар бўлса, улар биринчи навбатда ижтимоий жиҳатдан муҳтожликни қисқартиришга катта эътибор қаратишлари лозим.


Таҳлиллар кўрсатишича, ушбу тизим жамиятнинг ижтимоий ривожланишини бошқариш, ижтимоий соҳани такомиллаштириш, мамлакат фуқаролари ва жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳларининг, жумладан, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари эҳтиёжларини қондириш, уларни қўллаб-куватлашни ўзида мужассамлаштирган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Юқорида келтирилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг вазифалари қўйидагиларда ўз ифодасини топади:³⁷

- ижтимоий жиҳатдан муҳтожликни қисқартириш;
- демографик жараёнларни бошқариш (туғилиш, ўлиш, миграция, умр давомийлиги, аҳолининг табиий ўсиши ва бошқалар);
- мамлакатда аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси стандартларини таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятда ижтимоий жиҳатдан табақаланишни қисқартириш, ўрта қатламни рағбатлантириш, аҳолини қашшоқланишига йўл қўймаслик ва аҳолига муносиб турмуш даражасини таъминлаш;
- ишсизлик даражасини қисқартириш ва бандликни рағбатлантириш;
- таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- муниципиал аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш ва бошқалар.

Фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими вазифаларини қўйидагича гуруҳлаш мумкин (1.3-расмга қаранг).

³⁷ Abu Alghaib, O. Forthcoming. Building social protection floors for persons with disabilities: Lessons learned from non-contributory programmes in Argentina, Ethiopia, Ghana, Indonesia, the Kyrgyz Republic and South Africa, ILO discussion paper (Geneva, ILO). 2016. pp. 12-13 Available at: www.ilo.org



1.3-расм. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг вазифалари ва функцияларининг гурухланиши³⁸

Биринчи йўналишдаги вазифаларни бажарилишида давлатнинг ўрни катта бўлиб, бунда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган аҳоли қатламлари, жумладан, камбағаллар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, бокувчисини йўқотганлар, ногиронлар, оғир ва инсон ҳаёти учун хавфли бўлган касалликка чалинган bemорлар, кўп болали оиласлар каби аҳолининг ижтимоий гурухларини муносиб турмуш шароитларини яратилишининг давлат томонидан кафолатланиши назарда тутилади. Ушбу йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш жараёнида давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-реабилитацион, сиёсий ва демографик функцияларини ўзида мужассамлаштиради ва давлат томонидан кафолатланади.

Иккинчи йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш жараёнида давлат ва хусусий сектор ўргасидаги ижтимоий шерикликка эътибор қаратилади ва аҳоли бандлигини рағбатлантириш, уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, аҳоли даромадларини шакллантиришга устуворлик берилади ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий ва ишлаб чиқарувчи функциялари намоён бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мамлакат аҳолисини турли йўналиш ва даражадаги ижтимоий рисклардан ҳимоя қилиши ва уларни муносиб турмуш фаровонлигини таъминлаши лозим (2-илова). Ушбу мақсадга эришища аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг субстанцияси сифатида ижтимоий соҳа намоён бўлади. Россиялик олим В.Н. Ковалев фикрича, “Ижтимоий соҳа жамиятнинг ижтимоий таркибидан келиб чиқсан ҳолда аҳолини такрор ишлаб чиқариш ва мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини барқарор ўсиб боришини таъминлаш учун хизмат қилувчи соҳа хисобланади. Жамиятнинг турли ижтимоий гурухлари эса ўз навбатида ижтимоий соҳа хизматларидан фойдаланган ҳолда ўзларининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш ва муносиб ҳаёт кечириш учун курашадилар”³⁹.

³⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

³⁹ Ковалев В.Н. Социология управления социальной сферой: учеб. пособие. М.: Академический Проект. 2013. с. 14

В.Р. Полозов “Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида жамият аъзолари, жумладан, меҳнатда банд бўлган аҳоли гуруҳларининг меҳнат қилиш ва уларнинг турмуш кечириш шарт-шароитларида кескин ўзгаришларнинг юзага келиши айрим ижтимоий муаммоларни вужудга келтиради. Ушбу муаммоларни ҳал этиш ва бозор иқтисодиётининг салбий оқибатлари таъсирини юмшатиш ижтимоий соҳа хизматлари орқали амалга оширилиши лозим”⁴⁰ деган фикрни илгари суради.



1.4-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тамойиллари⁴¹

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий соҳа хизматларидан кенг фойдаланиш қуйидаги муносабатлар тизимини такомиллашувига бевосита таъсир қиласди:⁴²

- мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, жамият таркибининг, жумладан, турли ижтимоий гуруҳлардан тортиб то индивидуал даражадаги инсоннинг ривожланиши ва камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- жамият аъзоларининг, жумладан, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий мавқеи, қизиқишлиари, ижтимоий нормалар ва уларни ташкил этувчи элементларни такомиллаштириш;
- мамлакат аҳолисининг муносаб турмуш кечириши учун хизмат қиласиган кенг қамровли ижтимоий инфратузилмани шакллантириш;
- ижтимоий институтлар бошқаруви амалиётини ривожлантириш;

⁴⁰ Полозов В.Р. Социальное развитие: тенденции современного российского общества. СПБ., 2014. с. 143-144

⁴¹ Муаллиф томонидан тузилган

⁴² Mearkle, R.; Mactaggart, I.; Walsham, M.; Kuper, H.; Blanchet, K. 2017. “Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review”, in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, pp. 223–239. DOI: <http://dx.doi.org/10.1080/13600818.2016.1142960>.

– мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлиги даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш.

Тадқиқотлар жараёнида бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муносабатларини ижтимоий хизматлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ижтимоий сұғурта, ижтимоий кафолатлар (яшаш минимуми, минимал иш ҳақи, минимал пенсия ва ижтимоий нафақалар), ижтимоий индексация (ижтимоий таъминот (даврий аҳамият касб этади)) ва ижтимоий ёрдам тамойиллариға асосланади деган холосага келинди. Бозор муносабатлари ривожлана борган сари фуқаролар ўзларини турли ижтимоий рисклардан ижтимоий сұғурта хизматларидан фойдаланган ҳолда суғурталайдилар. Давлат аҳолининг барча қатламлари учун минимал ижтимоий кафолатларни белгилайди ва ижтимоий индексациялашни амалга ошириш орқали аҳоли даромадлари даражасидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий хизматлар (таълим, тиббий, ҳукуқий ва х.к.) кўрсатиш тартибини ўрнатади. Ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлариға имтиёзли ижтимоий хизматлар кўрсатиш асосида уларни ижтимоий қўллаб-қувватлади ва ўз турмуш фаровонликларини оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб беради (1.4-расмга қаранг).

1.1-жадвал. Ижтимоий ҳимоя тизимининг элементлари⁴³

Элемент	Вазифа	Дастурлар
Ижтимоий сұғурта	Сұғурта холати юзага келган вактда даромадларнинг истеъмол даражасидан пасайиб кетишидан ҳимоялаш мақсадида даромадларни қайта тақсимлаш	Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ходисалар, касалликлар, иш жойини йўқотишдан сұғурталаш
Мехнатга лаёқатсиз аҳолини ижтимоий таъминлаш	Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг минимал фаровонлик даражасини қўллаб-қувватлаш – болалар, кариялар ва бошқалар	Ёшга доир пенсия, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа, болалар нафақаси ва х.к.
Аҳолининг ижтимоий ҳукуқларини ҳимоялаш ва минимал кафолатлар	Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларини даромад олишлари билан боғлиқ соҳаларида уларнинг ҳукуқларини ҳимоялаш	Имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳукуки, минимал иш ҳақи
Ижтимоий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш	Ўз истеъмоли ва фаровонлигини минимал кафолатланган даражада таъминлаш имкониятига эга бўлмаган оиласарга моддий ёрдам ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Кам таъминланганлик нафақаси

Бозор муносабатлари ривожланиб боргани сари мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий манзиллилик деганда, аҳолини ёши ёки бошқа белгиси бўйича гурухлашга асосланган категория сифатида эмас, балки ижтимоий ҳимояга

⁴³ Вахабов А.В. Хажибакиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг таркиби ва манзиллигини кучайтириш муаммолари: ҳалқаро тажриба ва миллый ҳусусиятлар / “Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент. 2018 й. б. 14-24

муҳтож аҳоли гурухларининг реал эҳтиёжларини эътиборга олиш маъносида тушунилиши зарур. Манзилли дастурларнинг ижтимоий ҳимоя тизимидағи ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ ўрганишда уларнинг қамров даражаси ва мақсадлилигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Умумий маънода ижтимоий ҳимоя камбағаллик рискига дуч келишдан ҳимоялаши зарур. Ижтимоий ҳимоя тизими элементларининг самарадорлиги камбағалликка ва ижтимоий ҳимояланганликка қарши курашга нисбатан комплекс ёндашув ва ҳар бир элементнинг бошқалари билан боғлиқликда амалга оширилиши билан боғлиқдир (1.1-жадвалга қаранг).

Таҳлиллар кўрсатишича, ижтимоий соҳа аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида интеграл характерга эга бўлиб, жамиятнинг турли ижтимоий гурухларининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёнларини (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва шу каби турли ижтимоий хизмат кўрсатиш эвазига) сифат жиҳатдан такомилаштириб боради. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мамлакат ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланиб боргани сари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркиби кенгайиб, функциялари такомиллашиб боради ва жамиятда аҳолини ижтимоий табақаланиш даражасидаги тафовутлар камайиб аҳоли муносиб турмуш кечириш учун шарт-шароитга эга бўлишини кўрсатмоқда.


1.3-§. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг хориж тажрибалари ва уларнинг қиёсий таҳлили

Юқорида кўриб ўтганимиздек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими узоқ йиллар мобайнида шаклланиб, тобора такомиллашиб келаётган тизим ҳисобланиб, жаҳон хўжалигининг турли ривожланиш босқичларидаги шарт-шароитлар, мамлакатлардаги ижтимоий-иктисодий вазиятлар, миллий хусусиятлар ўзига хос аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Иктисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделлари ва уларни амал қилиш механизмини тадқиқ этишга қаратилган кўпсонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, халқаро эксперталар томонидан берилган хулосаларга кўра, моделларнинг бир биридан фарқли жиҳатлари куйидаги компонетларнинг ўзаро алоқадорлиги даражасида ўз аксини топади:⁴⁴

- ижтимоий соҳа тармоклари (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, туризм, уй-жой, коммунал соҳа ва бошқалар);
- меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик даражаси;
- ижтимоий ҳамкорлик даражаси;
- ижтимоий ҳимоя;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат муҳофазаси;
- ижтимоий суғурта;
- пенсия тизими ва бошқалар

⁴⁴ Beattie, R.; McGillivray, W. 1995. “A risky strategy: reflections on the World Bank report Averting the old age crisis”, in International Social Security Review, Vol. 48, No. 3–4, pp. 25-30.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари ва моделларининг амал қилиш шарт-шароитларини ўрганишга оид тадқиқотлар натижаларига кўра, ижтимоий дастурлар 1.5-расмда келтирилган йўналишларни ўз ичига олади.



1.5-расм. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари ва моделларининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган йўналишлари⁴⁵

Биринчи йўналиш жамиятнинг ижтимоий таркибини такомиллаштириш ҳисобланиб, барқарор иқтисодий ривожланиш шароитида мамлакатда жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлашга қаратилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари учун қуидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:⁴⁶

- жамиятнинг барча ижтимоий групкалари учун эркин ривожланиш шарт-шароитлари ва уларнинг ўзаро муносабатларининг барқарорлиги;
- таълим хизматлари кўрсатиш орқали фуқароларнинг саводхонлик даражасини ошириш (аксарият ҳолатларда, жумладан ривожланган мамлакатлар амалиётида ўрта даромадли қатламни олий маълумотли қилиш ва уларнинг инклузив бандлигини таъминлашга эътибор қаратилади);
- жамиятнинг барча ижтимоий групкалари қизиқишлиари ўртасидаги тафовутларни қисқартириш ва уларни тенглаштириш;
- жамият аъзоларида ижтимоий адолат тамойилига риоя этишни таъминлаш ва уларга муносаб турмуш шароитларини яратиш.

Тизимли инқирозлар шароитида мамлакатлар иқтисодиётида иқтисодий ислоҳотлар жараёни чуқурлашиб боради. Бундай вазиятда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари ёки мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш модели жамиятнинг ижтимоий-психологик фикрларини тўғри йўлга солишга қаратилиб, турли ижтимоий групкаларнинг иқтисодий жиҳатдан

⁴⁵ Mearkle, R.; Mactaggart, I.; Walsham, M.; Kuper, H.; Blanchet, K. 2017. “Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review”, in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, pp. 202–222. DOI: <http://dx.doi.org/10.1080/13600818.2016.1142960>.

⁴⁶ Mearkle, R.; Mactaggart, I.; Walsham, M.; Kuper, H.; Blanchet, K. 2017. “Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review”, in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, pp. 202–222. DOI: <http://dx.doi.org/10.1080/13600818.2016.1142960>.

фаоллаштиришга йўналтирилари ва бундай ижтимоий ҳимоя дастурлари учун қуидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:⁴⁷

– мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазиятнинг кескинлашуви туфайли вужудга келадиган қарама-қаршиликлар, норозиликларни хал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш;

– жамиятнинг турли ижтимоий гурухларининг ижтимоий-иктисодий қизикишларини тизимлаштириш ва уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондира оладиган, манбаатларини ҳимоя қиласиган ижтимоий ташкилотлар, жумладан, партиялар, хайрия жамғармалари, ижтимоий харакат гурухлари, коалициялар, ижтимоий уюшмалар фаолиятини ташкил этиш;

– мамлакатда вужудга келган ижтимоий-иктисодий танглик ҳолатидан чиқишида давлат томонидан ижтимоий адолатлилик тамойилига устуворлик қаратилиши ва ўз фуқаролари манбаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш;

– жамиятнинг барча аъзолари ва турли ижтимоий гурухларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган давлатнинг ижтимоий сиёсат дастурларини аниқ, мақсадли тарзда ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этиш.

Бозор муносабатлари шакланаётган шароитда туб таркибий иктисодий ўзгаришларнинг амалга оширилишида мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш билан биргаликда, жамиятнинг ижтимоий қиёфасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазиятда амалга ошириладиган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари қуидаги белгилар билан характерланади:⁴⁸

– мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда ижтимоий меъёрларни қайта кўриб чиқиш ва ўрнатиш;

– аҳоли даромадларини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бандликни таъминлаш;

– аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишида имтиёзларни жорий этиш ва давлатнинг ижтимоий кафолатларини белгилаш;

– аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўрта қатламнинг шаклланишини рағбатлантириш ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида инқироздан чиқиш ва иктисодий жонланиш шароитида амалга ошириладиган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари қуидагилар билан характерланади:⁴⁹

– инқироз туфайли ишсиз қолган аҳоли қатламлари бандлигини таъминлаш;

– жамиятнинг турли ижтимоий гурухлари ўртасида вужудга келган кескинликларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш;

– давлатнинг минимал ижтимоий кафолатларини бажарилишига устуворлик қаратиш;

– ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим хизматини кўрсатиш орқали меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳоли қатламларини бепул касбга қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

⁴⁷ Ўша манба. pp. 202–222.

⁴⁸ Ўша манба. pp. 202–222.

⁴⁹ Ўша манба. pp. 202–222.

– инқиroz жараёнида кўпроқ азият чеккан аҳолининг ижтимоий гурухларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватланиши ва ҳ.к.

Юқорида билдирилган фикрлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилиши ва уни амалга оширилиши лозим эканлигини исботлайди. Жаҳон ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тизимида ҳар қандай мамлакат ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий, сиёсий, демографик хусусиятларини инобатга олиб, ўз тараққиёт йўлини танлайди. Мамлакат томонидан танлаб олинган ушбу тараққиёт йўли бевосита давлат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари даражасини янги босқичга ошириши зарур. Ушбу давлат дастурлари, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг бошқа мамлакатлар томонидан тан олиниши ва ушбу дастурлардан ўз амалиётларида ижодий фойдаланишлари бу турдаги дастурларнинг модел деб эътироф этилиши учун замин яратади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари уларнинг ташкилий-хуқуқий асослари, ижтимоий имтиёзларнинг жорий этилганлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ижтимоий ҳимоя дастурларининг молиялаштириш механизмида ўз аксини топади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделлари мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, назарий-методологик жиҳатдан ҳам ўзаро фарқланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, жаҳонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделлари тўғрисидаги илмий ёндашувлар таҳлилини амалга оширидик:

Биринчи, Г. Виленский ва Ч. Лебо томонидан бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг иқтисодиётга аралашуви орқали амалга оширилиши лозимлигини илмий асослашган ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига давлатнинг аралашуви даражасидан келиб чиқсан ҳолда “институционал” ва “қолдиқли” аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини ажратиб ўтадилар.⁵⁰ Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг “институционал” моделида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори даражада бўлиб, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари нисбатан кўп бўлади. “Қолдиқли” аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделида эса аксинча бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин чекланган ҳолда, уч даражали ижтимоий суғурта дастурлари амал қиласди. Бунда давлат фақатгина минимал ижтимоий кафолатларни ўз зиммасига олади. Мехнат қобилиятига эга бўлган аҳоли турмуш фаровонлиги учун ўзи жавоб беради. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан начор қатламлари, ногиронлар ва етим болалар (мехнат лаёқатига эга бўлгунга қадар бўлган ёшида) бундан мустасно.

Иккинчи, Т. Тилтон ва Н. Фернислар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделлари қуйидаги гурухларга ажратилади:⁵¹

⁵⁰ Гриценко Н.Н., Волгин Н.А., Попов Ю.Н., Шарков Ф.И., Шулус А.А. Основы социального государства: учебник для вузов / под. общ. ред. д.э.н., проф. Н.Н. Гриценко, д.э.н., проф. А.А. Шулуса. – М.: Издательский дом “АТИСО”, 2009. с. 25-37;

⁵¹ Хома Н.М. Подходы к типологии моделей социального государства [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.rtsu.tj/nm-homapoghodu-k-tipologii-modeley-socialnogo-gosudarstva>

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “позитив” модели – бунда ҳукумат томонидан эркин ижтимоий-иктисодий бозор муносабатлари тизимидан ижтимоий ёрдамни алоҳида ажратилади ва манзилли ижтимоий ҳимоя дастурларига устуворлик қаратилади. Ушбу модел Беверидж модели асосида ташкил этилган бўлиб, иктиносий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “англо-американ” ёки “англо-саксон” модели деб ҳам номланади;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “ижтимоий хавфсизлик” модели – бунда жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари учун ягона универсал ижтимоий ҳимоя дастурлари амал қиласи ва ҳар бир фуқаро универсал ижтимоий нафақалар билан таъминланади;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “фаровонлик” модели – бунда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда ижтимоий хизматлар кўрсатишга устуворлик қаратилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурлари муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи, швед олим К. Эспинг-Андерсон томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар ривожланган сари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тизимли стратификациялашувнинг вужудга келишини инобатта олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларининг кенгайиб бориши зарурлигини асослайди.⁵² Олим аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг куйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

– “либерал” ижтимоий ҳимоя модели – ушбу модел мамлакатда ижтимоий муҳтожлик даражасини камайтиришга қаратилиб, ижтимоий ҳимоя дастурлари ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига йўналтирилган бўлади;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “консерватив-корпоратив” модели – аҳолининг меҳнат лаёқатига эга бўлган давридаги турмуш фаровонлигини сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, ижтимоий суғурта дастурларига устуворлик қаратилади ва ижтимоий таъминот дастурлари компенсацисон аҳамият касб этади. Ушбу модел аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Бисмарк модели деб номланади;

– ижтимоий ҳимоянинг “ижтимоий-демократик” моделида стандарт кўринишдаги натурал ва пул шаклидаги ижтимоий нафақаларнинг тенглаштирилган ижтимоий ёрдам йўналишини тавсифлайди. Ушбу дастурнинг мақсади даромадларни қайта тақсимлашдан иборат бўлиб, Скандинавия мамлакатларида кенг қўлланилади.

Даниялик иктиносидчи Эспинг-Андерсен давлатнинг фаровонлигини куйидаги бир-бирига боғлиқ уч даражада кўриб чиқишини таклиф этди (З-илова):⁵³

– декоммодификация даражаси, бунда давлат меҳнат бозорига боғлиқ бўлмаган ҳолда инсонларнинг ижтимоий таъминланган хаёт кечиришларини таъминлайди;

– тақсимланган даража, ижтимоий давлат ижтимоий синфларга ажратилади ва ижтимоий интеграция ҳамда тенгликка интилади;

⁵² Социальная политика: Учебник / Под общ. ред. Н.А. Волгина. — М.: Издательство Экзамен», 2003. С. 349-367

⁵³ “Ijtimoiy siyosat”. O’quv qo’llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiyy tahriri ostida – Toshkent.: “Universitet”, 2019. 242 bet.

– хусусий-давлат кўринишида, бунда давлат бозор ва оиланинг фаровонликни таъминлашдаги нисбий ўрнини белгилайди.

Ушбу йўналишда Эспинг-Андерсен учта муҳим нафақа (пенсия, касаллик нафақаси, ишсизлик нафақаси) кўрсаткичларидан фойдаланди. Унинг таҳлиллари “фаровонлик режими” нинг уч идеал турларини кашф этди:⁵⁴

– ижтимоий-демократик режими, (Скандинавия мамлакатларига хос) бунда меҳнат ташкилотлари ва кичик фермерлар турли ассоциацияларга, уюшмаларга бирлашадилар, давлат тўла бандликни таъминлайди, универсал нафакаларни қайта тақсимлайди ва ўрта синф вакилларининг талаблари қондирилади;

– консерватив-корпоратив режим, устун даражада континентал Европа мамлакатларига хос бўлиб, давлат ўрта синф вакилларига таянган ҳолда ижтимоий сиёsatни юритади;

– либерал ижтимоий таъминот режими, инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларга хос бўлиб, давлат умумфаровонлиги камбағал қатламни ўз химоясига олади.

Эспинг-Андерсенning таҳлиллари кўрсатишича, ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий таъминот тизимини қуидаги уч даражада бўлиши мумкин:⁵⁵

- умумфаровонлик давлат режими;
- норасмий хавфсизлик режими;
- таъминланмаганлик режими.

Тўртинчи, Н. Гинсбург томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделлари “социалистик” ва “либерал” моделларга ажратилади.⁵⁶ “Социалистик” ижтимоий ҳимоя модели давлатнинг ижтимоий кафолатлари юқори даражада бўлиб, давлат ёпиқ иқтисодий сиёsatни амалга ошириш шароитида нархни индексациялаш дастурларини мунтазам амалга ошириш орқали аҳоли даромадлари харид қобилияти паритетини юқори даражада ушлаб туриши билан характерланади. “Либерал” ижтимоий ҳимоя модели эса очиқ иқтисодий сиёsat шароитида эркин бозор муносабатларининг ташкил этилиши ва ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламлари турмуш фаровонлигини оширишда фаол ижтимоий дастурларнинг мунтазам амалга ошириб борилиши билан тавсифланади.

Бешинчи, айrim иқтисодчи олимлар томонидан лотин американиси мамлакатларида амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу мамлакатлар гуруҳида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “католик” ёки “лотинча усули” модели шаклланган деб ҳисоблайдилар.⁵⁷ Ушбу модельда давлат томонидан ижтимоий ҳимоя дастурларини молиялаштиришга нисбатан кам харажат ажратилади ва ижтимоий жиҳатдан

⁵⁴ “Ijtimoiy siyosat”. O’quv qo’llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida – Toshkent.: “Universitet”, 2019. 242 bet.

⁵⁵ “Ijtimoiy siyosat”. O’quv qo’llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida – Toshkent.: “Universitet”, 2019. 242 bet.

⁵⁶ Полевая Н.М., Селькова Е.П. Основы социального государства: учебное пособие / сост. Н.М. Полевая, Е.П. Селькова. – Благовещенск: Амурский гос. Ун-т, 2014. с. 19-26

⁵⁷ Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. 236 с.

муҳтож аҳолини ҳимоя қилиш христиан динининг мафкурасига таянган ҳолда оила аъзолари, қариндош-уруғлар, ҳайрия жамғармалари, ҳомийлар, диний муассаса, яъни черковлар томонидан амалга оширилади.

Олтинчи, А. Готье ўз илмий изланишларида швед олими К. Эспинг-Андерсон томонидан амалга оширилган тадқиқотларни давом эттиради ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини қўйидаги гурухларга ажратади:⁵⁸

- ижтимоий-демократик модел;
- консерватив модел;
- либерал модел.

Еттинчи, Европа комиссияси эксперталари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўйидаги моделлари фарқланади: континентал (Бисмарк модели), Англо-саксон (Беверидж модели), скандинавия (Шимолий Европа модели) ва Жанубий Европа (ўрта ер денгизи ёки рудиментар).⁵⁹

Бисмарк модели ЕИ мамлакатларида кенг тарқалган моделлардан бири бўлиб, уни континентал модел деб ҳам аташади. Ушбу моделда ижтимоий ҳимоя даражаси аҳолининг касбий фаолияти даври давомийлиги, стажи билан узвий алоқадорликда бўлиб, унинг асосида ижтимоий суғурта ётади. Унга кўра ижтимоий суғурта харажатларини молиялаштириш ишлари ўрнатилган суғурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу моделнинг тамойиллари XIX асрнинг охирида Германия императори Отто фон Бисмарк томонидан прогрессив ижтимоий қонунчиликнинг асосида яратилиб, у келгусида кўпгина мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилди. Шу вактнинг ўзидаёқ ҳозирги кунда Германия ижтимоий ҳимоя тизимида амал қилаётган ижтимоий суғуртанинг уч шакли: қарилик ва ногиронлик суғуртаси, касаллик суғуртаси ва ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалардан суғуртада ўз ифодасини топган. Ушбу модел Германия, Австрия, Франция, Белгия, Нидерландия, Люксембургда амал қиласи.

Бисмарк модели асосида коммутатив ҳаққонийлик ётади ва ижтимоий ажратмалар ижтимоий бадаллар ҳажми орқали аниқланади. Германияда XIX асрнинг охирида немис ижтимоий ҳимоя тизими ушбу модел асосида таркиб топган бўлиб, ҳозирда мазкур ижтимоий ҳимоя модели такомиллашиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштиришда фискал сиёсатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу модел 2020 йилда бошланган коронавирус “Covid-19” пандемияси шароитида аҳоли ўртасида инфекцион касалликни тарқалишини олдини олишда муҳим рол ўйнади. Германия бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, аҳолининг 90 фоиздан ортиғи тиббий суғурта полисига эга бўлгани учун, стресс-тест ўтказилиб, касалликни олдини олиш, дастлабки фазаларида аниқлаш, профилактив даволаш ишларини амалга ошириш имконини берди. Натижада Германия дунё мамлакатлари ичida ушбу инфекцион касалликдан кам зарар кўрди ва пандемия муддати қисқа бўлди.

Беверидж модели Буюк Британия ва Ирландия мамлакатларида амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя дастурларида ўз аксини топган ва ижтимоий ҳимоянинг англосаксон модели деб номланади. Ушбу модел ўз йўналиши,

⁵⁸ Калашников С.В. Очерки теории социального государства / С.В. Калашников. – М.: Экономика, 2012. с. 12-19

⁵⁹ Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. 236 с.

ташкилий шаклига кўра олдинги моделдан тубдан фарқ қиласи. Унинг асосида инглиз иқтисодчиси лорд У. Бевериджнинг Буюк Британия ҳукуматига 1946 йилда топширган доклади ётади. Беверидж томонидан олиб борилган тадқиқотларда Кейнснинг йўналишларининг таъсири сезиларли бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва бандлик динамикаси асосан тўлов билан таъминланган талаб орқали ифодаланган ҳолда, қайта тақсимотни кам таъминланган аҳоли ижтимоий гуруҳларига тақсимланиши оммавий ҳаридорларнинг пул талабини оширади. Беверидж томонидан ижтимоий ҳимоя тизимининг универсаллик, бир хиллилик ва ижтимоий хизматларнинг унификациялашганлилиги тамойиллари ишлаб чиқилиган.

Универсаллик тамойили барча аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя хизматлари билан бирдек қамраб олишни назарда тутса, бир хиллилик ва ижтимоий хизматлар унификацияси тамойиллари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, бир хил хажмдаги пенсия ва нафақаларни, уларни тўлаш шартларини ўз ичига олади. Беверидж бир хилдаги ижтимоий ажратма ва суғурта бадалларидан бир хилдаги пенсиялар тўланишини тўғри баҳолаган. Ушбу модельнинг хусусияти шундан иборатки, ижтимоий нафақаларни олишидан аввал шу нафақани олмоқчи бўлган оила даромадлари текширувдан ўтказилади. Ушбу модельнинг асоси бир хил бўлгани билан ҳар бир мамлакатда айrim фарқлар мавжуд. Жумладан, Буюк Британия миллий соғлиқни сақлаш тизими аҳолини даромад даражасини ҳисобга олмаган ҳолда барчага текин медицина хизматини кўрсатади. Ирландияда эса медицина хизматлари фақат кам таъминланган аҳолигагини бепул амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоянинг “Скандинавия” модели ЕИнинг Дания, Норвегия, Швеция ва Финландия мамлакатларида кенг қўлланилди. Моделда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш фуқаролик ҳукуқи сифатида намоён бўлиб, ҳар бир фуқаро ижтимоий таъминот тизимига солиқ шаклидаги суғурта бадаллари ва ижтимоий тўловларни тўлаб бориши талаб этилади. Ишсизларни суғурталаш бундан ҳоли ҳисобланади ва у давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизими орқали молиялаштирилиб, ихтиёрийлик тамойилига эга бўлади. “Скандинавия” модельнинг хусусияти шундаки, у орқали турли ижтимоий рисклар ва ҳаётий ҳолатлардан жамият ижтимоий ҳимояга эга бўлади. Бу модельдан барча аҳоли қатламлари фойдаланиши мумкин бўлиб, улар ижтимоий суғурта тўлаш мажбуриятини олмайдилар. Ушбу модельда аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлик даражаси юқори ҳисобланади.

Сўнгти йилларда Жанубий Европа (ПИГС⁶⁰) мамлакатларида “католик” ижтимоий ҳимоя моделига асосланган “Рудиментар” ижтимоий ҳимоя модели шаклланиб келмоқда. Европа комиссияси томонидан ушбу модель аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Жанубий Европа” модели деб тан олинган бўлиб, куйидаги хусусиятлар билан характерланади:⁶¹

– оила ва черковларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги устуворлиги;

⁶⁰ ПИГС мамлакатлари гурухи таркиби Жанубий Европадаги Португалия, Италия, Греция ва Испания давлатларидан ташкил топади.

⁶¹ Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПБ.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. 236 с.

- аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги даражасининг пастилиги;
- ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига йўналтирилганлиги;
- ўз-ўзини бошқарувчи мустақил сугурта ташкилотлари фаолиятини мавжудлиги;
- ижтимоий ҳимоя харажатлари турли ижтимоий бадаллар ва бошқа манбалар (жумладан, ҳомийлар) ҳисобидан қопланиши.

Саккизинчи, А. Сапир илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Европа Иттифоқи мамлакатларида амал қилаётган моделлари кенгроқ таҳлил қилинади ва қуидаги гурухларга ажратилади: Шимолий Европа, англосаксон, континентла ва ўртаер денгизи мамлакатлари модели.⁶²

Тўққизинчи, иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини ўрганишга қаратилган илмий изланишларида Е. Букоди ва Р. Робертлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини ижтимоий-демократик, либерал, Жанубий Европа, корпоратив ва аралаш ижтимоий ҳимоя моделларига гурухлайдилар.⁶³

Фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларининг ўзаро фарқли жиҳатлари уларни молиялаштириш харажатларининг ҳажми ва самарадорлиги кўрсаткичи билан тавсифланади. Ушбу моделлар ташкилий тузилиши ва конфигурацияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институтларининг, жумладан, ижтимоий сугурта, ижтимоий ёрдам (ҳайрия ташкилотлари, қариялар уйлари, етимхоналар ва бошқалар), ижтимоий таъминот, тиббий ва тальим хизматларини кўрсатувчи ташкилот ва муассасаларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёsat чора-тадбирларидаги тутган ўринлари билан ҳам фарқланади.

Иқтисодий адабиётда XX асрнинг охирларига қадар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг классик моделлари сифатида қуидагилар эътироф этилган ва амал қилмоқда: либерал (АҚШ, Англия, Австралия, Ирландия, Канада, Янги зенландия), корпоратив (Япония, Корея Республикаси) ва ижтимоий демократик (Скандинавия мамлакатлари). Ушбу моделларнинг трансформациялашуви натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа турдаги моделлари вужудга келган деб ҳисобланади.

XXI асрнинг бошларига келиб, жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг чукурлашуви оқибатида юқоридаги уч модел аста-секинлик билан бозор иқтисодиётига талабларига мослаштирилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти эксперлари хозирги замон учун хос бўлган қуидаги уч моделни ажратиб ўтадилар:⁶⁴

- неолиберал (либерал моделга асосланган, меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳоли қатламлари турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган);

⁶² Шарков Ф.И. Основы социального государства: учебник/ Ф.И. Шарков. – М.: Дашков и Ко, 2012. – 314 с

⁶³ Сергачев А.В. Основные этапы развития научной мысли о государстве всеобщего благосостояния (вторая половина XX века). Научно-технические ведомости СПБГПУ. Гуманитарные и общественные науки. № 3. 2013. с. 41-45.

⁶⁴ Behrendt, C. 2013. “Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors”, in D. Kucera and I. Islam (eds): Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development(Geneva, ILO; Basingstoke, Palgrave), pp. 228–261.

– корпоратив-либерал (корпоратив моделга асосланган, оила турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган);

– социал-либерал (скандинавия моделига асосланган, универсал ижтимоий нафақаларни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини ошириш, яъни ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган).

Таҳлиллар кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мунтазам амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки ижтимоий дастурларнинг самарадорлиги кўрсаткичи иқтисодий муносабатлар тизимида ўз аксини топади деб айтиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб боргани сари мамлакатимизда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркибий компонентларини босқичма-босқич либерал (ёки неолиберал) модел хусусиятлари билан тўлдириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат фуқароларни фақатгина минимал ижтимоий кафолатлар билан таъминлайди ва фаол ижтимоий ҳимоя дастурларига устуворлик қаратади.

Жаҳон амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини молиялаштиришнинг қуидаги турлари шаклланган:⁶⁵

- давлат томонидан молиялаштириш;
- хусусий сектор томонидан молиялаштириш;
- аралаш ҳолда молиялаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш ва эркин ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимини йўлга қўйиши мақсадида аксарият ривожланган мамлакатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг молиялаштиришда хусусий сектор манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратмоқдалар. Бу турдаги молиялаштириш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади.

Жаҳон амалиётида аҳоли турмуш даражасининг қуидаги турлари фарқланади:⁶⁶

фаровонлик – инсоннинг ҳар тарафлама ривожланишини таъминлаб берувчи неъматлардан фойдаланишни англатади;

таъминланганлик – инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи илмий асосланган меъёрлар доирасидаги рационал истеъмолни билдиради;

камбағаллик – моддий неъматлардан ишчи қучини такрор ишлаб чиқаришнинг қуий чегараси доирасида фойдаланишни ифодалайди;

қашшоқлик – бу ҳаётий зарурий моддий неъматлардан биологик мезонлар бўйича минимал даражада фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ижтимоий сиёsatни манзиллигини кучайтиришда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан начор аҳоли қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-

⁶⁵ “Ijtimoiy siyosat”. O’quv qo’llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida – Toshkent.: “Universitet”, 2019. 242 bet.

⁶⁶ Vaxabov A.V., Zahidova Sh.Sh., B.B. Baxtiyorov, Odinayev D.Sh., Fayzullayev J.N. Ijtimoiy ish va ijtimoiy ta’milotga kirish: Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. 168 b.

тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда ижтимоий жиҳатдан ноҷор аҳоли абсолют ва нисбий камбағал аҳоли гуруҳларига ажратилади. Абсолют камбағаллик (қашшоқ аҳоли) – мамлакат аҳолиси таркибидағи аҳолининг белгиланган минимал турмуш даражасидан паст даражада истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминланган аҳоли гуруҳи ҳисобланади. Нисбий кабағаллик (кам таъминланган аҳоли) – мамлакатдаги ўртача турмуш даражаси кўрсаткичидан паст даражада истеъмол товарлари ва хизматлари билан таъминланган аҳоли гуруҳи ҳисобланади.

Аҳолини турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ва истеъмол бюджетининг энг кам миқдори асосида даромадлари даражаси бўйича табақаланиш моддий таъминланиш даражаси турлича бўлган куйидаги аҳоли гуруҳларини ажратиб кўрсатиш имконини беради: “камбағал” оилалар – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад турмуш кечиришнинг минимал миқдоридан паст даражада ёки унга teng; “кам таъминланган” оилалар – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад турмуш кечириш учун минимал миқдор билан минимал истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган; “таъминланган” оилалар – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад минимал истеъмол бюджети миқдори ва оқилона истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган; “бой” оилалар – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад оқилона истеъмол бюджети даражасидан юқоридир.⁶⁷

XXI аср бошларида жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари манзиллилигини кучайтириш, аҳолини турмуш фаровонлиги тўғрисида ўзи қайғуриши ва бунда ижтимоий сугурта хизматларидан фойдаланиши, давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилаётган харажатларидан самарали фойдаланиш ва унинг ҳажмини қисқартиришга эътибор қаратилмоқда.

2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемияси жаҳон иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. ХМТ маълумотларига кўра, коронавирус пандемиясининг хизмат кўрсатиш, савдо, меҳмонхона хўжалиги, умумий овқатланиш, кичик ва ўрта бизнес, майший хизмат кўрсатиш, транспорт, туризм, ташқи савдо каби соҳаларга салбий таъсир кўрсатиши оқибатида дунё бўйича жами бандларнинг 62 фоизини, жумладан, кам даромадли мамлакатларда 90 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 67 фоиз ва ривожланган мамлакатларда 18 фоиз аҳолининг ишсиз бўлиб қолишига олиб келди.⁶⁸

Умумжаҳон Банки гуруҳининг 2020 йил май ойидаги ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемия инқирози оқибатида жаҳон иқтисодиёти 5,2 фоизга, жумладан, ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш даражаси 7 фоизга, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 2,5 фоизга, аҳоли жон бошига даромадлар 3,6 фоизга камайиши натижасида, дунёда 60 млн. одам ўта қашшоқ аҳволга ва миллионлаб инсонларнинг камбағаллик

⁶⁷ Vaxabov A.V., Zahidova Sh.Sh., B.B. Baxtiyorov, Odinayev D.Sh., Fayzullayev J.N. Ijtimoiy ish va ijtimoiy ta'minotga kirish: Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. 168 b.

⁶⁸ Кризис Covid-19 и неформальная экономика: Срочные меры реагирования и политические вызовы. – Отраслевая справка МОТ. Май 2020 г. с. 11

чегарасига тушиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда.⁶⁹ 2020 йилнинг 1 февралидан 17 апрелига қадар жаҳоннинг 108 мамлакатида “Короновирус” инқирози шароитда аҳолининг турли ижтимоий гурухларини, жумладан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 550 га яқин инқирозга қарши мақсадли ижтимоий-иктисодий дастурлар қабул қилинди. Ушбу дастурларнинг 52,6 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларидан ташкил топган. Шундан 19,3 фоизи камбағалларни ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтириш, 14,7 фоизи коронавирус сабабли ишсиз бўлиб қолганларни ижтимоий ҳимоя қилишга, 9,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатишга, 9,1 фоизи эса истеъмол маҳсулотларини етказиб беришга йўналтирилди⁷⁰ (1.6-расмга қаранг).



1.6-расм. “Covid-19” пандемияси шароитида дунё мамлакатларида қабул қилинган инқирозга қарши мақсадли ижтимоий-иктисодий дастурлар таркиби (17.04.2020 й. ҳолатига, фоизда)⁷¹

Жумладан, АҚШ ҳукумати “Covid-19” пандемияси шароитида “CARES Act”⁷² дастури доирасида ҳар бир фуқаро учун 1 200 долл. (йиллик даромади 99 минг АҚШ долл.дан кам бўлган аҳоли учун, ундан юқори даромадга эга бўлган фуқароларга моддий ёрдам миқдори унинг даромадидан келиб чиқсан ҳолда қисартирилди), ҳар бир фарзанд учун – 500 долл.дан моддий ёрдам тўланди. Инқироз шароитида бюджет маблағлари ҳисобидан ишсиз қолган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида – 300 млрд. долл., ишсизларга ишсизлик нафақасига кўшимча 600 долл.дан устамаларни тўлашни молиялаштириш учун – 250 млрд. долл. ҳажмдаги молиявий ресурслар ажратилди. Германия ҳукумати томонидан пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, фаолияти вақтинчалик тўхтатилган корхона ва ташкилотларнинг ёлланма ишчиларига иш ҳақининг 60 фоизи (битта ёки ундан кўп фарзанди бўлган оиласалар учун 67 фоиз) миқдорида моддий ёрдам, кам даромадли оиласаларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида, ҳар бир фарзанд учун 300 евродан тўланди. Япония ҳукумати коронавирусга қарши курашиш мақсадида 994 млрд. долл.

⁶⁹ Жаҳон банки маълумотлари асосида <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/06/08/covid-19-to-plunge-global-economy-into-worst-recession-since-world-war-ii>

⁷⁰ <https://fss.ru/ru/news/455863/486693.shtml>

⁷¹ <https://fss.ru/ru/news/455863/486693.shtml> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁷² “Coronavirus Aid, Relief, and Economic Security Act” 27.03.2020

ҳажмдаги дастурни қабул қилди. Дастанда мувофиқ “Covid-19” инқирози сабабли ўз даромадини йўқотган фуқароларга 2750 долл.дан моддий ёрдам кўрсатиш учун бюджет ҳисобидан 36,8 млрд. долл. маблағ ажратилди.⁷³

Биринчи боб бўйича хulosса

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг назарий асосларини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги хulosалар олинди:

Биринчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – бу ҳар бир мамлакатнинг ўз фуқаролари олдидағи масъулияти, ижтимоий мажбурияти ҳисобланади.

Иккинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланишининг ilk босқичларида ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига ижтимоий нафақалар бериш орқали уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга эришилган. Ушбу ҳолат ўз навбатида давлатнинг нофаол ижтимоий дастурларининг узок йиллар мобайнида амал қилиб келаётганлигидан далолат беради.

Учинчидан, жаҳон амалиётида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимининг тобора ривожланиши, рақобат муҳитининг кучайиши, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини кенгайиб бориши оқибатида жамият ижтимоий таркибида аҳолининг даромад жиҳатдан табақаланишни юзага келтиради. Натижада давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги нофаол дастурлари самарасиз бўлиб қолди. Ушбу ҳолат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматлар, жумладан, тиббий, таълим ва ижтимоий суғурта хизматлари кўшилиб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётида фаол дастурларнинг ишлаб чиқилишига олиб келади. Таҳлиллар кўрсатишича, аксарият ривожланган мамлакатлар амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурлари уступор аҳамият касб этади ва ушбу дастурлар бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ мос келади.

Тўртинчидан, “аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими – иқтисодий категория сифатида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламини объектив ва субъектив жиҳатдан бозор иқтисодиётининг салбий оқибатлари таъсиридан ҳимоялашни англатади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида давлат ижтимоий соҳа инфратузилмасининг тиббий, таълим, ижтимоий суғурта хизматларидан кенг фойдаланади.

Бешинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркибий жиҳатдан мураккаб инфратузилма ҳисбланиб, унга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи турли хўжалик субъектлари ва ижтимоий ташкилотлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

⁷³ <https://www.eg-online.ru/print/news/419750/>

жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланадилар.

Олтинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларининг бош ғояси мамлакат аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламларини ҳимоя қилиш жараёнида давлатнинг тутган ўрни билан баҳоланади. Жумладан, либерал (ёки неолиберал) моделда давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнидаги аралашуви бошқа моделларга нисбатан камроқ бўлиб, бунда давлат ўз фуқароларига факатгина минимал ижтимоий кафолатлар беради. Аҳоли эса ўз турмуш фаровонлиги тўғрисида ўзи қайғуриши талаб этилиб, ижтимоий суғурта хизматларидан кенг фойдаланилади. Корпоратив моделда эса давлат ва хусусий сектор, яъни иш берувчидлар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик асосида жамият аъзолари ижтимоий жиҳатдан ҳимояланса, ижтимоий-демократик моделда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мажбурияти бошқа моделларга нисбатан қўпроқ ҳисобланади.

Еттинчидан, ижтимоий муаммоларни глобаллашуви шароитида жаҳон мамлакатлари амалиётида давлат харажатларини қисқартириш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг манзиллилигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурларига устуворлик қаратилмоқда.

Саккизинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини мунтазам амалга оширилиши орқали жамиятнинг ижтимоий таркибидаги табақаланиш даражаси пасайган ҳолда, ўрта даромадли аҳолининг жами аҳоли сонидаги улуши ортиб боришига эришилади.

Тўққизинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги кўрсаткичи пировард натижада мамлакатдаги аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичидан ўз аксини топади.

XXI аср бошларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими фаолиятининг манзиллилигини кучайтириш, меҳнатга лаёқатли бўлган ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламларини таълим хизматлари билан қамраб олиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан бир қаторда, жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан ажralmas бўлаги ҳисобланган, оиласаларнинг турмуш фаровонлиги даражасини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўнинчидан, “Covid-19” инқирози дунё бўйича жами 2 млрд. норасмий секторда банд бўлган аҳолининг ишсиз қолишига олиб келди. Ушбу кўрсаткич жаҳондаги жами бандларнинг 62 фоизини, жумладан, кам даромадли мамлакатларда 90 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 67 фоиз ва ривожланган мамлакатларда 18 фоиз аҳолининг ишсиз бўлиб қолишига олиб келди. Бунинг оқибатида аҳоли жон бошига даромадлар 3,6 фоизга камайиши натижасида, дунёда 60 млн. одам ўта қашшоқ ҳолатга ва миллионлаб инсонларнинг камбагаллик чегарасига тушиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда. Коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини олдини олиш учун 2020 йилнинг 1 февралидан 17 апрелига қадар жаҳоннинг 108 мамлакатида 550 га яқин инқирозга карши мақсадли ижтимоий-иктисодий дастурлар қабул қилинди: жумладан, ушбу дастурларнинг 52,6 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларидан ташкил топган.

Ижтимоий сиёсат таркиби қуйидаги элементлардан ташкил топган:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими (мәннат қобилиятини йўқотиб ўзи ишлаб топа олмайдиган ёки қарамогида болалари, боқимандаларга эга бўлган шахсларга нафака бериш, уларга турмуш кечиришлари учун муносиб шартшароитларни яратиш ва бошқалар);
- ижтимоий сугурта (пенсияга чиқиш ва ишсизлик билан боғлиқ иш ҳақини йўқотишлиарни вақтинчалик қоплаш ва х.к.);
- ижтимоий хизматлар (инсон капиталини инвестициялаш, яъни шахснинг такрор ишлаб чиқариш, маънавий салоҳиятини тиклаш ва кенгайтиришга қаратилган инвестицияларни амалга ошириш);
- мәннат бозори ва бандликни таъминлаш (мәннат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш, янги иш ўринларини жорий этиш, ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш кабилар).

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1-§. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимишининг институционал жиҳатлари ва унинг ўзига ҳослиги

XX асрнинг 90 йилларида сабиқ иттифоқнинг парчаланиши, Ўзбекистонни маъмурӣ бошқарув тизимидан бозор иқтисодиётiga ўтиш йўлига кириши, мамлакатдаги макроиқтисодий вазиятни ёмонлаштириди. Ушбу ҳолат мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни ва ижтимоий-иктисодий тафовутларнинг кескинлашиб кетишига олиб келди. Ушбу ҳолат ҳукуматимиз олдига бозор иқтисодиётiga ўтишга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож бўлган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби ижтимоий-иктисодий вазифаларни кўйилишига сабаб бўлди.

Бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтишга қаратилган туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу вазифани амалга оширилишида бош қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тамал тоши вазифасини бажармоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Биринчи бўлим, II боб, 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”⁷⁴ деб айтиб ўтилганлиги ва қомусимизнинг Иккинчи бўлим, V боб, 18-моддасида “б” бандида “Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”⁷⁵ деган фикрлар ўз навбатида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг амалга оширилишида ижтимоий адолат принципининг устуворлигининг яққол исботидир. Бош қомуснинг Иккинчи бўлими, IX боби “Иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлар” деб номланиб, ушбу бобда фуқароларнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эгалиги⁷⁶, барча аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш⁷⁷ ва билим олиш хуқуқларига эгалиги, бепул умумий таълимнинг давлат томонидан кафолатланганлиги⁷⁸ белгилаб қўйилган. Конституциянинг Иккинчи бўлими, X боб, 45-моддасида Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз қексаларнинг хуқуқлари давлат томонидан ҳимояланиши кафолатланган.⁷⁹

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Биринчи бўлим, II боб, 14-модда.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Иккинчи бўлим, V боб, 18-модда

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Иккинчи бўлим, IX боб, 39- модда

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Иккинчи бўлим, IX боб, 40- модда

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Иккинчи бўлим, IX боб, 41- модда

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Иккинчи бўлим, X боб, 45- модда

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вужудга келиши мумкин бўлган турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида ташкил этиладиган жамоат бирлашмалари, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, хайрия жамғармалари, турли йўналишдаги ижтимоий ҳаракатлар фаолиятининг⁸⁰ ҳуқуқий асослари, меҳнат муносабатларини ташкил этиш жараёнида меҳнатга лаёқатли аҳоли гурухларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари тўғрисидаги меъёрий қўрсатмалар⁸¹ Конституциямизда белгилаб берилган. Ушбу меъёрий хужжатнинг XX боб 98-модданинг биринчи бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатдаги самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни, иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлиши таъкидланган⁸². Қомуснинг XXI боб 100 моддасида эса маҳаллий ҳокимият органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширилиши жараёнида бевосита иштирок этиши ва жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасидаги мажбуриятлари белгилаб берилган⁸³.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий беқарорликнинг авж олиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳолининг ногирон гурухларини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конун қабул қилинди. Ушбу қонунни қабул қилишдан мақсад, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароитларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳукукларини кенгайтириш ва иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш билан бир каторда, Конун нормаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳалқаро шартномалринг талабларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлди⁸⁴.

Бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида эркин нарх белгилаш амалиётининг жорий этилганлиги мамлакатимиз истеъмол товар ва хизматлари бозорида нарх-навонинг кескин ошиб бориши учун замин яратди. Бу эса ўз навбатида аҳоли даромадларининг тақчиллиги ҳолатини вужудга келтириши ва натижада аҳоли турмуш даражаси қўрсаткичига салбий таъсир қўрсатишини инобатга олган ҳолда, 1992 йил 21 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин нархлар жорий этилиши муносабати билан талабалар, ўқувчи ёшлар, ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Учинчи бўлим, XIII боб, 58- модда

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Учинчи бўлим, XIII боб, 59- модда

⁸² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бешинчи бўлим, XX боб, 98- модда

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бешинчи бўлим, XXI боб, 100- модда

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 1991 йил 18 ноябр.

https://nrm.uz/products?folder=229028_pensiyalar_nafaqa_ijtimoiy_himoya&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

ҳақида”ги №-22-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор доирасида қуидаги ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари амалга оширилди:⁸⁵

– талабалар, мактаб ва ўрта маҳсус ўкув юртлари ва давлат таъминотида бўлмаган ҳунар-техника ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари овқатланишлари учун компенсацион тўловлар ва 50 фоизлик чегирмалар жорий этилди;

– ўзгаларнинг қарамоғига муҳтоҷ бўлган ёлғиз пенсионерларга амалдаги имтиёзлар саклаб қолиниб, улар уй-жой ва коммунал хизматлар, жамоат транспортида фойдаланишга (таксидан ташқари) тўланадиган йўл ҳақидан озод қилиниши;

– ўзгаларнинг қарамоғига муҳтоҷ бўлган ёлғиз пенсионерларга нормаланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва врач рецептлари бўйича дори-дармонлар билан бепул таъминланиши;

– ёлғиз ва кам таъминланган пенсионерлар, ногиронлар учун арzon нархларда ёки бепул овқатланишни ташкил этиши.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу меъёрий хужжатга мувофиқ мамлакатимиз ахолиси қариганда давлат пенсия тўловлари ва меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотган фуқароларни, бокувчисини йўқотган оила аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлаб туриш учун давлат томонидан бериладиган моддий таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.⁸⁶

1994 йил 23 август куни мамлакатимиз Президенти томонидан “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Фармон ва Қарорларни ижросини таъминланиши натижасида 1994 йил 1 октябрдан бошлаб мамлакатимизда ахолини ёппасига ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан аниқ мақсадли ва ахолининг муайян ижтимоий қатламларини қамраб оладиган тизимга ўтилди.⁸⁷

1996 йил 10 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармонига асосан 1997 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ижтимоий нафақалар маҳалла фуқаролар йигини, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йигинлари қарори билан тайинланадиган бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори қабул қилиниб, 1996 йил 10 декабр куни “Вояга

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин нархлар жорий этилиши муносабати билан талабалар, ўкувчи ўшлар, ўзгаларнинг қарамоғига муҳтоҷ бўлган ёлғиз пенсионерлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 21.01.1992 й.даги №-22-сонли Қарори.

https://nrm.uz/products?folder=450739_aholini_ijtimoiy_himoya_qilish_haytiya_faoliyati&products=1_vse_zakonodatelev_o_uzbekistana

⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-XII-сонли Қонуни. 03.09.1993 й. <https://lex.uz/docs/112314>

⁸⁷ Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи (миллий истиқлол даври). 3-китоб. Т.: “Sharq”. 2011 й. 272-273 б.

етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида” Низом тасдиқланди. Ушбу Низомга мувофиқ, маҳалла (ёки шаҳарча, қишлоқ, овул) фуқаролар йигини томонидан кўп болали оилаларга ижтимоий нафақаларни тайинланиши тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида ижтимоий адолат, ошкоралик ва ажратилган нафақаларнинг манзиллилигини таъминлаш тамойилларига устуворлик қаратилди.⁸⁸

1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги №-760-I сонли Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 12-1 модда билан ва 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 116 моддаси иккинчи қисмига тўлдиришлар киритилиб, унга кўра, уч ёшга тўлмаган болалари бор бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақти хафтасига 35 соатдан ошмаслиги, иш вақти қисқартирилган муддат жараёнида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш муддати учун белгиланган миқдорда тўланиши ва 20 йиллик меҳнат стажи бўлган аёллар учун пенсия ёши 54 ёш этиб белгиланди.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, 1991-1999 йиллар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бозор иқтисодиёти муносабатларига мослаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг хуқуқий-институционал асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Фикримизча ушбу даврни мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг хуқуқий асосларини яратишнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг хуқуқий-институционал асосларининг ривожланишининг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 январда қабул қилинган “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000-2005 йилларда ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1999 йил 7 декабрда қабул қилинган Қарори билан бошланди. Ушбу қонуний хужжатлар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини оширишда маҳалла (шаҳарча, қишлоқ, овул) фуқаролар йиғинининг ролини янада ортишига хизмат қилди⁸⁹.

2007 йил хукуматимиз томонидан “Ижтимоий ҳимоя йили” деб номланиб, ушбу йилда амалга ошириладиган давлат дастури аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларга зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-куватлашни таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш

⁸⁸ Ўша манба. 273 б.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.01.2007й. ПК-573-сон ““Ижтимоий ҳимоя йили”” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори; “Маҳалла” / газета. 2007 йил 21 феврал. № 8 (558). 2 б.

механизмини такомиллаштириш, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун хизмат қилди.⁹⁰ 2007 йил 3 марта ушбу давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-3864 сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу меъёрий хужжат асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига қуйидаги ўзгаришлар киритилди:

- ижтимоий жиҳатдан муҳтож, кўп болали оиласарга, туғруқдан кейинги декрет таътилида бўлган оналарга ижтимоий нафақа, кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижтимоий адолат, ҳолислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши белгиланди;
- ижтимоий ҳимоя дастурларининг манзиллилигини таъминлаш, камбагал оиласарда бокимандаликка йўл қўймаслик, оиласар даромади ва мол-мулкини ҳар томонлама инобатга олиш ўзини маҳалла органи зиммасига юклатилди;
- 2007 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш муддати 6 ойгача узайтирилди;
- “Мурувват” болалар интернат-уйларида бир тарбиячи учун иш меъёри 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирилди ва иш ҳақи ставкалари тариф сеткаси бўйича 1 разрядга кўтарилиди;
- жисмонан имконияти чекланган ва жисмоний нуксонларга эга шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши йўлга қўйилди;
- уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, жумладан, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун ойлик йўл ҳақи компенсацияси (жамоат транспортлари учун, таксидан ташқари) жорий этилди;
- вазирликлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, идоралар, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тадбиркорлик тузилмаларининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож бўлган, эҳтиёжманд оиласарга ҳар тарафлама қўшимча моддий ёрдам беришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти ташкил этилди;
- хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда сарфлаган харажатлари даромад солиғидан озод этилди.⁹¹

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 105 модда. https://nrm.uz/products?folder=450739_aholini_ijtimoiy_himoya_qilish_haytiya_faoliyati&products=1_vse_zakonodatelev_o_uzbekistana

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-3864 сонли Фармони. 19.03.2007 й.

Юқорида амалга оширилган таҳлилларга таянган ҳолда, 2000-2009 йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини ошириш ва ушбу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш билан бир қаторда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишининг ўзига хос механизми яратилганлигини кузатиш мумкин. Ушбу даврни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳукуқий-институционал асосларини ривожланишининг иккинчи босқичи деб аташ мумкин.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг ҳукуқий асосларини ривожланишининг учинчи босқичи 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб номланиши билан бошланди ва давлат дастурини амалга оширилиши болалар ва ёшларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожланишининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳукуқий базани янада такомиллашишига олиб келди. Натижада, ёш оиласарга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳукуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.⁹²

2011 йил 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-1542 сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳукуқий базасини такомиллаштириши билан бир қаторда, уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг сони, сифати ва қамрови даражасини оширди. Жумладан, аҳолининг ушбу ижтимоий гурӯхига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларнинг кўлами ортиб, бу турдаги хизмат кўрсатувчи ташкилот-муассасаларнинг моддий-техник базаси ривожлантирилди.

2012 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий нафакаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 350-сонли Қарори қабул қилинди ваунда қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:⁹³

– 2013 йил 1 январдан бошлаб нафакалар ва моддий ёрдамнинг барча турлари учун оила муҳтоҷлигини аниқлашнинг ягона мезонини жорий этиш, ижтимоий нафакалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдамни тайинлашда жами даромадни ҳисоблаб чиқиши тартибини соддалаштириш;

– ижтимоий нафакалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам тайинлаш тартибини соддалаштириш;

– ижтимоий нафакалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғинлари

⁹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисида”ги 27.01.2010 й. ПҚ-1271-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 йил, 5-сон, 37-модда http://nrm.uz/content?doc=457763_o'zbekiston_respublikasi_presidentining_27_01_2010_y_pq-1271-son_barkamol_avlod_yili_davlat_dasturi_to'g'risidagi_qarori&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий нафакаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 350-сонли Қарори, 2012 йил 12 декабр

томонидан ваколат берилган комиссияларнинг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ҳамда ажратиладиган бюджет маблағларидан аниқ тарзда ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига биркитилган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг туман (шаҳар) органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг хуқукий-институционал асосларини ривожланишидаги муҳим ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Обод турмуш йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2013 йилнинг 14 февралидаги № ПҚ-1920 сонли Қарорида ўз аксини топди. Ушбу Қарор асосида ёш ва эҳтиёжманд оиласаларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва уларга ижтимоий-иктисодий ёрдам кўрсатиш механизмини такомилаштириш мақсадида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди, ижтимоий жиҳатдан ночор ва кам таъминланган оиласаларни давлат томонидан аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизми такомилаштирилди.

2013 йилнинг 15 февраляда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оиласаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарорида болали оиласаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа – 12 ойга тайинланиши билан бир қаторда, нафақаларни тўланиши бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги, агарда туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ваундан ортиқ болалар парвариши қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир баравар микдорда тўланиши белгилаб берилди. Қарорга мувофиқ кам таъминланган оиласаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича қўйидаги вазифалар белгилаб берилди:⁹⁴

- ижтимоий адолатга риоя қилиш;
- кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;
- давлат томонидан даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган ҳақиқатда эҳтиёжманд оиласаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш;
- нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан уларни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оиласалар ва фуқаролар томонидан боқимандалик муносабатида бўлиш, ўзининг иктисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик;
- оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оиласаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарори, 15.02.2013 й.

шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг масъулиятини кучайтириш.

Ушбу қарорга мувофиқ ““Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом”⁹⁵ қабул қилинди. Низомга қўра, кам таъминланган, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртacha ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади. Оила аъзосига тўғри келадиган ўртacha ойлик жами даромад, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охирги уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртacha ойлик даромади суммасини оила аъзолари сонига бўлган ҳолда аниқланади. Ўртacha ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига қўйидагилар киритилади:⁹⁶

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;
- мулкий даромадлар;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади;
- чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси;
- пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар
- шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олинган даромад;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

“Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 24-бандинга қўра, оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртacha ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам сумма кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг ўртacha ойлик жами даромадини ҳисоблаш учун даромадни нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган оила аъзоларининг ҳар бирига нафақа ёки моддий ёрдамга мурожаат қилинган ойда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 бараварига teng бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади. Ушбу қоида қўйидаги фуқароларга тадбиқ этилмайди:⁹⁷

- бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);
- таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно);

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарорига 1- илова, 15.02.2013 й.

⁹⁶ “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 22-банди

⁹⁷ “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 24-банди

- ишламайдиган пенсионерларга;
- амалда шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;
- оиланинг «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида оилавий тадбиркорлиқда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзолари;
- туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларида ишсиз сифатида рўйхатта олинган фуқароларга.

2.1-жадвал.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари рўйхати⁹⁸

№	Товарларнинг номи (маҳаллий ёки импорт қилинган)	Ўлчов бирлиги	Бир ойда 1 кишига бериладиган норма
1	Ун (олий навли)	кг	3
2	Гуруч	кг	1
3	Гречка ёрмаси	кг	0,5
4	Макарон маҳсулотлари	кг	0,5
5	Мол гўшти (суюксиз)	кг	1
6	Хонаки парранда гўшти	кг	1
7	Сариёф	кг	0,2
8	Тухум (дона)	дона	15
9	Қанд-шакар	кг	1
10	Кунгабоқар ёғи	л	1
11	Кўк ёки қора чой	кг	0,2
12	Атиросувун	кг	0,1
13	Кирсовун (65%)	кг	0,2
14	Кир ювиш порошоги	кг	0,15
15	Катта ёшдагилар учун таглик газмол	дона	8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастури тўғрисида⁹⁸ги № ПҚ-2302-сонли 2015 йил 18 феврал куни қабул қилинган Қарори асосида мамлакатимизда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кексалар, пенсионерлар, меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож бўлган оилаларга пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг моддий-техник базаси ривожлантирилди. Натижада кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг кўлами ва сифати ортиб, уларнинг устидан давлатнинг мутасадди ташкилотларининг қатъий назорати ўрнатилди. Ушбу Қарор ижросини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августда “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида⁹⁸ги № 237-сонли Қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида⁹⁸ги №237-сонли Қарорига 1-илова. 2015 йил 10 август

товарлари билан (2.1-жадвалга қаранг) таъминлаш, уларга нисбатан якка тартибдаги ижтимоий хизматлар дастурини шакллантириш ва уларнинг турмуш тарзини баҳолаш мезонлари тасдиқланди. Қарорнинг З-иловаси сифатида “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низом доирасида ёлғиз кексалар ва ногиронларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш схемаси (4-илова) ишлаб чиқилди. “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ёлғиз кексалар ва ногиронларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминлаш устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар) лар ҳокимликлари, зарурият бўлганда, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари жалб этилган ҳолда фуқаролар йиғинларининг ижтимоий қўллаб-куватлаш комиссиялари томонидан амалга оширилади. Ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига юклатилган.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кекса киши ва ногиронлар учун ижтимоий хизматларнинг якка тартибдаги дастури таркиби куйидагилардан иборат бўлади:⁹⁹

- соғломлаштириш тадбирлари;
- уйда парвариш қилиш тадбирлари;
- уй-жой-маиший шарт-шароитларни яхшилаш тадбирлари;
- ижтимоий ҳимоя чоралари билан таъминлаш тадбирлари;
- мулоқот ва дам олиш доирасини кенгайтириш тадбирлари.

Юқоридаги амалга оширилган Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг ҳуқуқий-институционал асосларининг таҳлилига таянган ҳолда 2010-2015 йиллар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг манзиллигини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишининг меъёрий асосларини такомиллаштириш босқичи бўлганligини кузатиш мумкин.

2016 йилдан ҳозирга қадар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳада амалга оширилаётган ҳуқуқий-институционал ислоҳотлар аҳолига муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини барқарор ошириб бориш ва жамиятнинг ижтимоий таркибини такомиллаштириш босқичи сифатида ижтимоий хизматларнинг сифати ва қўламини кенгайтиришга қаратилмоқда. Бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг фаол дастурларига устуворлик қаратилиб келинмоқда.

Жумладан, 2016 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-415-сонли Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-куватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №237-сонли Қарорига 4а-илова. 2015 йил 10 август

эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат ҳисобланади. Конун доирасида мамлакатимизда кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий хизматлар қўрсатишнинг қуидаги тамойиллари белгилаб берилди:¹⁰⁰

- қонунийлик;
- инсон ҳуқуқларига риоя этиш;
- инсонпарварлик;
- эркин фойдаланиш;
- профилактик йўналтирилганлик;
- аниқ йўналтирилганлик ва индивидуал ёндашув;
- ихтиёрийлик.

Шу билан биргаликда ижтимоий хизматлар соҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишлари аниқлаб берилди:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ижтимоий хизматларга муҳтоҷ шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларга ушбу хизматлар қўрсатилишини ташкил этиш;
- ижтимоий хизматлар олувчиларнинг оила ва жамият билан алоқаларини сақлаш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- давлат органлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматлар стандартларига риоя этилишини таъминлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш.

Қонуннинг мазмунидан келиб чиқкан ҳолда ижтимоий хизматларга қуидаги таърифни бериш мумкин бўлади: “Ижтимоий хизматлар – бу шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишининг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва ўзининг бирламчи (асосий) ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтоҷ шахсга ёрдам қўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа ижтимоий ҳимоя дастурлари мажмуудир”¹⁰¹.

Қонунга кўра, қуидагилар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари ҳисобланади:¹⁰²

- ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-415-сонли Қонуни, 26.12.2016 й. 1-боб, 3-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 йил 31 декабрь, 52-сон, 596 модда.

¹⁰¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰² Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-415-сонли Қонуни, 26.12.2016 й. 1-боб, 6-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 йил 31 декабрь, 52-сон, 596 модда.

– етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидир.

Шу билан бир қаторда, Қонунда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этадиган ташкилотлар қаторига давлат бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлат муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари киритилиб, уларнинг ваколатлари белгилаб берилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг молиялаштириш манбалари кўйидагилар ҳисобланади.¹⁰³

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;
- қонун хужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари;
- қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

2017 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-2368-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор доирасида муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган кам таъминланган оиласаларга уларнинг оиласаларини етарли даражада моддий таъминлаш имконини берадиган, тижорат банкларининг имтиёзли фоиз ставкалари бўйича хунармандчилик ва шахсий томорқа хўжалигини ташкил этишлари учун микрокредитлар тақдим этиш; оғир уй-жой майший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оиласаларга арzon уй-жойлар ажратиш; оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва уларнинг ҳақини тўлаш имкони бўлмаган ҳолатларда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оиласаларга беғараз ёрдам кўрсатиш каби вазифалар ҳал этилди. Ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, жумладан, маҳаллий бюджетлар, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб берилди.

2018 йилнинг 20 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2030 йилгача бўлган муддатда Ўзбекистонда кам таъминланганликнинг барча қўринишларини икки баробар қисқартириш мақсади белгиланди.¹⁰⁴

¹⁰³ Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-415-сонли Қонуни, 26.12.2016 й. 6-боб, 26-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 йил 31 декабрь, 52-сон, 596 модда.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон Қарори, 2018 йил 20 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20 февралида қабул қилинган ““Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-4201 сонли Қарорига мувофиқ жами 1466 та ижтимоий соҳа обьектларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, 280 та мактабгача таълим, 510 та мактаб, 237 та соғлиқни сақлаш обьектлари фойдаланишга топширилди.¹⁰⁵

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4423-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан кўллаб-кувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар:¹⁰⁶

– юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинади;

– солиқقا тортиладиган ерлар бўйича юридик шахслардан олинадиган, ер участкасининг жойлашган ўрнига қараб белгиланган ер солиғи ставкасига нисбатан 0,1 пасайтирувчи коэффициенти кўлланган ҳолда тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябридаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сон Қарори асосида мамлакатимизда ахолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-кувватлаш”, “Хунармандчиликни ривожлантириш”, “Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-кувватлаш”, “Yoshlar – kelajagimiz” каби давлатнинг фаол дастурларини амалга оширишда мамлакатимизда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар бериш белгилаб берилди. Бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади.¹⁰⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 марта “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-5975-сон

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-4201 сонли Қарори, 20.02.2019 й.

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан кўллаб-кувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4423-сон Қарори, 23.08.2019 й.

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сон Қарори, 24.10.2019 й.

Фармонида камбағалликни қисқартириш борасида қуидаги ишларни амалга ошириш белгилаб берилди:¹⁰⁸

- иқтисодий ўсишнинг инклузивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлиқда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;
- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргалиқда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргалиқда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мамлакатимизда “Covid-19” пандемияси шароитида аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 апрелдаги № 213-Ф-сонли Фармойиши асосида “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ҳузурида “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ташкил этилди.¹⁰⁹ Жамғарма маблағлари коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларни, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексаларни, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларни пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 15

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-5975-сон Фармони, 03.05.2020 й.

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 апрелдаги № 213-Ф-сонли Фармойиши https://static.norma.uz/official_texts/2020%20%D0%B3%D0%BE%D0%B4/213-%D1%84.pdf

майдаги 14-20 к/к, 6-мх, 33-к/к, 16, 71, 8-сон қарорига мувофиқ ижтимоий ҳодимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва уларга қўйиладиган малакавий талаблар белгиланди. Қарорга мувофиқ, ижтимоий ҳодим – ижтимоий хизматлар қўрсатишни ташкиллаштирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни қўрсатувчи зарур қасбий малакага эга бўлган шахс ҳисобланади. Ижтимоий хизматлар эса, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахслар, оиласарга юзага келган ижтимоий муаммоларни енгиб ўтишга ва жамиятда бошқа шахслар билан тенг имкониятлардан фойдаланишиги шарт-шароит яратишга қаратилган иш ва хизматлар мажмуидир¹¹⁰.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда ижтимоий хизматлар иқтисодий категориясига муаллиф тарифи ишлаб чиқилди. Ижтимоий хизматлар – бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг ижтимоий гуруҳлари (кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари), шахслар, оиласарга муносиб турмуш кечириш шарт-шароитларини яратишга қаратилган хизматлар мажмуидир.

2.2-жадвал.

“Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар қўриш” лойиҳасининг параметрлари¹¹¹

№	Чора – тадбирлар ва масъул вазирликлар	Лойиҳанинг қиймати, минг.долл.да
1	Лойиҳанинг умумий қиймати <i>Шу жумладан,</i>	106 757,1
2	Коронавирус “Covid-19” инфекциясига қарши чоралар қўриш учун Миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш (Соғлиқни сақлаш вазирлиги)	37 750,0
2.1	<i>Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун тиббий диагностика ва даволаи асбооб ускуналарини ва жиҳозларини шошилинч ҳарид қилиши</i>	37 500,0
2.2	<i>Аҳоли билан ўзаро муносабатлар ва хатар ҳақида ҳабардор қилиши бўйича фаолиятни кучайтириши</i>	250,0
3	Уй хўжаликлари ва жисмоний шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш (Молия вазирлиги)	56 900,0
3.1	<i>Кам таъминланган оиласарга вақтинчалик нафақалар берииши тизимини кенгайтириши</i>	51 900,0
3.2	<i>Иисизлик бўйича нафақалар</i>	5 000,0
4	Лойиҳани бошқариш, мониторинг қилиш ва баҳолаш (Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари)	350,0
5	Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона имтиёzlари шаклидаги улуши ва инвестиция даври мобайнидаги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан амалга ошириладиган тўловлар (Молия вазирлиги)	11 757,1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг “Ижтимоий ҳодимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги ўйрикномани тасдиқлаш ҳақида”ги 15.05.2020 йилдаги 14-20 к/к, 6-мх, 33-к/к, 16, 71, 8-сон қарори

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.07.2020 йилдаги ПҚ-4772-сон Қарорига 1-илова

кувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-5975-сон Фармонида 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилиши белгиланди.

Мамлакатимизда аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан тўлиқ қамраб олиш, карантин тадбирлари амал қилиши даврида кам таъминланган оилалар ва ишсизларга вақтинчалик нафақалар бериш тизимини янада кенгайтириш, соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июлдаги “Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4772-сон Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, умумий қиймати 106,75 млн. АҚШ долл.га тенг бўлган лойиҳанинг 53,3 фоизи мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга вақтинчалик нафақалар бериш тизимини кенгайтириш ва ишсизлик бўйича нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилади (2.2-жадвалга қаранг).¹¹²

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий-институционал асосларини ривожланиш босқичларини таҳлили шуни кўрсатадики, чорак асрдан зиёдроқ муддатда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя дастурлари умумийликдан манзилли ижтимоий ҳимоя томон ривожланиши билан бир қаторда, жамиятнинг ижтимоий таркибини такомиллаштириш имконини берди.

2.2-§. Ўзбекистонда аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиши ва унинг ўзгариш тенденциялари

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ҳар бир мамлакатда жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланиши, унинг турли ижтимоий груп ва синфларга ажратилишини кузатиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий таркиби мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тизимлари ўртасидаги мутаносиблиқдан келиб чиқсан ҳолда давлатларда турли кўринишда бўлади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланиши таҳлил этишдан аввал, жамиятнинг ижтимоий қиёфаси тушунчасига аниқлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жамиятнинг ижтимоий қиёфаси аҳолининг ижтимоий табақаланиши иерархиясининг умумий кўриниши сифатида намоён бўлади. Халқaro эксперталар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ижтимоий умумийлик турлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларида намоён бўлади (2.3-жадвалга қаранг).

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4772-сон Қарори, 02.07.2020 й.

2.3-жадвал.

Жамиятнинг ижтимоий қиёфасини баҳолашда ижтимоий умумийлик шакллари ва белгилари¹¹³

Ижтимоий умумийлик шакллари, хусусиятлари ва белгилари		
Ижтимоий умумийлик турлари	Ижтимоий умумийликнинг ўзига хос хусусиятлари (ёки фарқлаш мумкин бўлган жиҳатлари)	Ижтимоий умумийлик белгилари
Гурухий	Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўрни	Бандлик хусусиятлари (аҳоли даромадларини шакллантириш ҳолатлари)
Соҳавий	Ишчи кучи таклифи соҳаси (ишлаб чиқариш муносабатларида қўшилган қийматнинг яратилиши ва ишчи кучи сифати билан боғлиқ ҳолатлар)	Ишлаб чиқариш фаолияти йўналиши (ишлаб чиқариш муносабатларида фан сифимкорлиги даражаси, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолати)
Миллий	Инсонлардаги миллий менталитет билан боғлиқ хусусиятлар	Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, тили ва минтақавий хусусиятлари (ишлаб чиқариш муносабатлари учун)
Демографик	Аҳолининг ёши ва жинси билан боғлиқ хусусиятлари	Болалар, ёшлар, ўрта ёшдагилар, эркаклар, аёллар ва бошқа гурухлар
Минтақавий	Яшаш жойи билан боғлиқ хусусиятлар	Маъмурий-минтақавий бўлиниш бўйича белгилар
Оиласвий	Қариндошлик муносабатларидағи хусусиятлар	Биргаликда яшаш, умумий рўзгор юритиш, ўзаро муносабатлар

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини вужудга келтирувчи сабабларни икки гурухга ажратиш мумкин:¹¹⁴

– инсонларнинг индивидуал-шахсий хусусиятлари – бу турдаги табақаланиш одатда бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг у ёки бу даражада даромадга эга бўлишлари ўзларининг сайи-харакатларига боғлиқлигини назарда тутади. Яъни, юқори малака ва касбий қўниммага эга бўлиш, инсонларнинг даромадларини ортишига олиб келади;


– миллий бойликни қайта тақсимлаш хусусиятлари – бу одатда ижтимоий таъминот хизматларини кўрсатиш орқали бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган, ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламларида боқимандалик кайфиятини уйғотиши эҳтимоли юқори бўлишига олиб келиши билан боғлиқ бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг нофаол дастурларининг самарасизлигини назарда тутади.

Тахлиллар кўрсатишича, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида инсонларнинг мулкчилик шакллари ва уни жамғариш хусусиятлари, аҳоли даромади ва истеъмоли даражаси, ҳокимият ва ундан фойдалана олиш имконияти, жамият аъзолари ўртасида обрў эътиборли бўлишга интилишлари каби омиллар

¹¹³ Berg J. 2015a. “Labour market institutions: The building blocks of just societies”, in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality: Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward Elgar), pp. 1–38.; Berg J. 2015b. “Income support for the unemployed and the poor”, in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality. Building just societies in the 21st century(Geneva, ILO; Cheltenham, Edward Elgar), pp. 263–286.; Mearkale R., Mactaggart I., Walsham M., Kuper H.; Blanchet K. 2017. “Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review”, in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, pp. 223–239. DOI: <http://dx.doi.org/10.1080/13600818.2016.1142960>. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹¹⁴ Berg J. 2015b. “Income support for the unemployed and the poor”, in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality. Building just societies in the 21st century(Geneva, ILO; Cheltenham, Edward Elgar), pp. 265–266.

жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини вужудга келтиради (2.1-расмга қаранг).



2.1-расм. Жамиятда ижтимоий табақаланишни вужудга келтирувчи омиллар¹¹⁵

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланиши ҳар бир мамлакат учун хос бўлган хусусият ҳисобланиб, унинг ижобий ва салбий оқибатлари мавжуд. Ижтимоий жиҳатдан табақаланишнинг ижобий хусусияти мамлакатда ўрга қатламни рағбатлантиришга қаратилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол устувор дастурларини амалга оширилиши натижасида, жамиятнинг айrim ижтимоий гурухлари ўртасида рақобат кучаяди, мамлакат иқтисодиётида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги кўрсаткичи орта боради. Аҳоли даромадларининг ортиши жамиятнинг ижтимоий қиёфасини табақалаштиради ва такомиллаштиради. Шу билан бир қаторда, ҳукумат томонидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишини олдини олиш ва уни камайтиришга қаратилган ижтимоий дастурларнинг амалга оширилмаслиги қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:¹¹⁶

- ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли сони ва норозиликларнинг ортиши;
- ижтимоий муаммоларнинг кўпайиши ва ижтимоий танглик ҳолатини кучайиши;
- давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан соғлиқни саклаш ва таълим тизимини қўллаб-қувватлашнинг молиялаштириш харажатларини ортиши;
- аҳолининг турли ижтимоий гурухлари, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги ижтимоий қарама-қаршиликнинг кескинлашуви;
- меҳнат бозорида танглик ҳолатини вужудга келиши, ташқи миграцияни кучайиши ва ишсизлик даражасининг ортиши;
- истеъмол бозоридаги мутаносиблик ва ижтимоий инфратузилманинг бузилиши.

¹¹⁵ Berg J. 2015a. “Labour market institutions: The building blocks of just societies”, in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality: Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward, Elgar), pp. 1–38. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹¹⁶ Ўша манба, pp. 270-272

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолатда мамлакатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишини олдини олиш, ўрта қатламни ривожланишини рағбатлантириш ва жамиятнинг ижтимоий қиёфасини такомиллаштириш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизми (солик сиёсати, ижтимоий таъминот ва бошқалар) дастаклари орқали жамиятдаги ижтимоий табақаланиш жараёнлари бошқариб борилади. Ушбу ҳолат мамлакатда аҳолини ижтимоий табақаланиш индикаторлари тизимини ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ижтимоий табақаланишнинг мамлакатдаги ижтимоий барқарорлик даражасига таъсир кўрсатиш доирасидан келиб чиқкан ҳолатда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳолини ижтимоий табақаланиш индикаторлари тизими ишлаб чиқилган (5-илова). Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини комплекс тадқиқ этиш ва аниқ пировард натижага эришиш учун дастлаб мамлакатдаги ижтимоий табақаланиш билан боғлиқ бўлган миллий ва хусусий компонентларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий адабиётда бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий табақаланишини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда даромадлар кўрсаткичи етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткич халқаро ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган илмий изланишларда мунтазам қўлланилиб келади.

Аҳоли даромадларининг табақаланиш ҳолатини қуидаги индикаторлар орқали баҳолаш мумкин (5-илова, 1-пунктга қаранг):

- даромадлар табақаланишининг дециль коэффициенти – 10 фоиз юқори даражада таъминланганларнинг ва 10 фоиз кам таъминланганларнинг максимал даромадлари ўртасидаги нисбат;
- даромадлар табақаланишининг квинтиль коэффициенти – 20 фоиз юқори даражада таъминланганларнинг ва 20 фоиз кам таъминланганларнинг минимал даромадлари ўртасидаги нисбат;
- фондлар коэффициенти – энг юқори даромад олувчи ва энг кам даромадга эга бўлган аҳоли ўртасидаги нисбат;
- джини коэффициенти (даромадлар концентрацияси коэффициенти) – аҳолининг тури ижтимоий гурухлари ўртасида даромадларнинг тақсимланишини тавсифловчи индикатор;
- даромадлар (иш ҳақи) табақаланиши – иқтисодиёт тармоқлари ёки мамлакат ҳудуд ва минтақалари бўйича иш ҳақи (аҳоли даромадлари) тенгсизлигини тавсифловчи индикатор;
- ўртача ва минимал иш ҳақи ўртасидаги нисбат – аҳолининг ижтимоий гурухларининг даромад манбалари тенгсизлигини тавсифловчи индикатор.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий табақаланишини баҳолаш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги “Уй хўжаликларини тадқиқ этиш методологиясининг низоми тўғрисида”ги № 18-сонли Қарори асосида амалга оширилади. Ушбу низомга мувофиқ Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий табақаланишини тавсифлаш учун аҳолининг ўртача жон бошига тўғри келувчи пул даромадлари бўйича гурухланиши, аҳоли жами пул даромадлари ҳажмининг дециль ва квинтиль

коэффициентлари бўйича гурухланиши, джини коэффициенти ва фондлар коэффициенти каби индикаторлар тизимидан фойдаланилади.

Аҳолининг ўртача жон бошига тўғри келувчи пул даромадлари бўйича гурухланиши кўрсаткичи аҳолининг моддий таъминланганлиги даражаси бўйича табақаланишини тавсифлайди ва қуидаги кўрсаткич бўйича ҳисобланади:¹¹⁷

$$(X_{max} - X_{min})/n \quad (2.2.1)$$

Бу ерда:

X_{max} – тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинган аҳоли ўртасида юқори даромадга эга бўлган аҳолининг пул даромадлари.

X_{max} – тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинган аҳоли ўртасида паст даромадга эга бўлган аҳолининг пул даромадлари.

n – тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинган жами аҳоли сони.

Аҳолининг жами пул даромадлари ҳажмининг дециль ва квинтиль коэффициентлари бўйича гурухланиши – аҳолининг умумий пул даромадларининг ҳар бир 10 фоиз (ёки 20 фоиз квинтиль коэффициенти бўйича) юқори даромадга эга бўлган аҳолини мос равишдаги кам даромадга эга бўлган аҳолига нисбатини ифодалайди.

Джини коэффициенти (G) аҳоли даромадлари тақсимотидаги табақаланишни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, қуидаги формула асосида ҳисобланади:¹¹⁸

$$G = 1 - 2 \sum_{i=1}^n x_i \text{cum. } y_y + \sum x_i y_i \quad (2.2.2)$$

$i=1$

Бу ерда:

x_i – i гурухга мансуб аҳоли улуши

y_i – i гурухга мансуб аҳоли даромадлари улуши

$\text{cum. } y_y$ – барча аҳоли гурухларининг умумий даромади улуши

Джини коэффициенти 0 дан 1 гача бўлган оралиқда бўлиб, қанчалик 0 га яқин бўлса тенгликни англатса, коэффициентнинг 1 га яқинлашиши кучли табақаланиш мавжудлигини ифодалайди.

Фонdlар коэффициенти (Kf) 10 (ёки 20) фоиз кам таъминланган аҳоли даромадлари билан худди шу улушдаги юқори таъминланган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқланишни ифодалайди ва қуидаги формула асосида ҳисобланади:¹¹⁹

$$Kf = S_{10(s)} / S_1 \quad (2.2.3)$$

Бу ерда:

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Уй хўжаликларини тадқиқ этиш методологиясининг низоми тўғрисида”ги № 18 сонли Қарори, 24.12.2010 й.

¹¹⁸ Ўша манба.

¹¹⁹ Ўша манба.

$S_{10(s)}$ – энг юқори даромадга эга бўлган 10 (ёки 20) фоиз аҳоли гурухининг жами даромадлари

S_1 – энг кам даромадга эга бўлган 10 (ёки 20) фоиз аҳоли гурухининг жами даромадлари

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини баҳолаш мақсадида ҳар йили давлат статистика органлари томонидан республика миқёсида уй хўжаликларини танлама кузатиш усулида сўровномалар ўтказиб борилади. Бу турдаги кузатувларни амалга ошириш услубиёти жаҳон стандартларига мослаштирилган бўлиб, Жаҳон банки, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва Европа иқтисодий комиссиясининг тавсияларига таянган ҳолда республика ҳудудлари бўйича 10 000 уй хўжаликлири танлаб олиниб ижтимоий сўровномалар ўтказилади. Ушбу тадқиқотлар натижалари мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг самарадорлик даражасини баҳолаш имконини беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини амалга оширишда аҳоли даромадларини шакллантириш устувор вазифа бўлиб хизмат қилди. Собиқ Иттифоқ парчаланишининг салбий оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётiga 1991-1995 йилларда ўз салбий таъсирини кўрсатди. Жумладан, 1992 йил мамлакатимиз иқтисодиёти танг ҳолатга тушиб қолган эди ва ЯИМнинг ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан -11,1 фоизга қисқариб, мамлакат аҳолиси турмуш даражаси кескин пасайиб кетган эди. 1996 йилга келиб амалга оширилган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт таназзулдан чиқди ва миллий иқтисодиётда макроиктисодий барқарорлик таъминланди. 1996-2003 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлашуви ва эркинлашуви миллий иқтисодиётни иқтисодий ривожланиш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш учун замин яратди. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар мамлакат иқтисодиётида бош масалага айланди. 2004 йилдан бошлиб мамлакатимизда кулагӣ инвестиция мухитини яратилиши, иқтисодиётни модернизациялаш, саноат тармоқлари таркибини диверсификациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технologик жиҳатдан янгилашга қаратилган ислоҳотларга устуворлик берилди. Мамлакатда 2004-2019 йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланиши иқтисодиётни ижтимоий йўналтирилганлигини кучайиши ва аҳолини турмуш даражасини изчил суръатларда ошириш имконини берди (6-илова).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурларини амалга ошириш аҳоли бандлигини таъминлаш ва улар даромадларини изчил ошиб бориши учун замин яратди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолиси табиий ўсишини юқори суръатларда бўлишига қарамай, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ва меҳнат бозорида яратилаётган янги иш ўринлари аҳоли бандлиги даражаси барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Жумладан, 2000-2019 йилларда мамлакатимиз меҳнат бозорида бандлик даражаси банд аҳоли сонининг меҳнатга лаёкатли аҳоли сонига нисбатан баҳолангандага ўрта ҳисобда 68,1 фоизни ташкил этган бўлса,

тадқиқ этилаётган даврда ўртача ишсизлик даражаси 4,8 фоизга тенг бўлди¹²⁰ (7-илова).

2019 йилнинг декабрида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан мамлакатимизнинг 485 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжалиги ва 25,8 минг нафар фуқароларни қамраб олган ижтимоий сўровнома ўтказилди. Бунда 108 та шаҳар ва туман аҳолиси иштирок этди. Тадқиқот натижаларига кўра, ишга муҳтоҷ бўлган аҳоли сони 1 335,3 мингни ташкил этди, 16-30 ёшли аҳоли ўртасида ишсизлик 15 фоизни, аёллар ўртасида 12,8 фоизни ташкил этди. 2019 йилда илк бор расмий секторда банд аҳоли сони 2018 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайиб, 5 712,1 минг кишини ташкил қилди. Ишлашни хоҳламаётганлар ёки дарҳол ишга жойлашишга имконияти йўқлар 73,9 мингта ёки 9,6 фоизга камайган, бу эса аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги ортганлигини билдиради. Ўрганишлар натижаси шуни қўрсатдики, мамлакатимиздан ташқарига ишга кетганлар сони 2 460,2 минг кишини ташкил этган, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизга тенг.¹²¹

Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан ишга олинган ишсиз фуқароларнинг касбий малакасини ошираётган иш берувчиларга, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларга, шахсий томорқаларини ривожлантираётган фуқароларга, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга олган корхоналарга 12,2 млрд. сўм микдорда бегараз ёрдам (субсидиялар) ажратилди, натижада 12,9 минг нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди.¹²²

Таҳлиллар қўрсатишича, 2019 йилда 39,1 мингдан ортиқ ўз-ўзини банд қилиб, уй шароитида ишлаётган фуқароларга (беморлар ва кексаларга қараб туриш, уй ишларини бажариш, мебель таъмирлаш, сантехника ва электромонтаж ишлари, автомобилларни таъмирлаш ва ювиш, репетиторлик қилиш ва ҳоказо фаолият турлари бўйича) меҳнат стажини ҳисоблаш ва пенсия олиш ҳукуқини берадиган вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилди.¹²³

Амалга оширилган сўровнома натижалари таҳлилига кўра, мамлакатдаги норасмий бандликнинг юқори даражаси, оиласи тадбиркорликни бошлаш ёки кичик бизнес билан шуғулланиш учун бошланғич капиталнинг етишмаслиги, тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредитларни олишдаги бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, кам даромадли аҳолининг етарли даражада касбий малакага эга эмаслиги, аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг пастлиги мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар ҳисобланади.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>

¹²² Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>

Молия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2019 йилда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этган бўлса¹²⁴, карантин чекловларининг кучайтирилиши натижасида Ўзбекистонда бир қатор корхоналар фаолиятининг тўхтатилганлиги, жумладан, мамлакат чегаралари ёпилгани сабабли 550 мингга яқин меҳнат мигрантлари бошқа давлатларга ишлаш учун кета олмаганлиги ишсизлик даражаси биринчи ярим йилликда 15 фоизга етди ва ишсизлар сони 2,3 млн кишига teng бўлди.¹²⁵

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда меҳнат бозорида норасмий секторда бандлик даражаси нисбатан юқори бўлиб, банд бўлган аҳоли 13,5 млн. кишининг 57,8 фоизи, ёки 7,8 млн. киши норасмий секторда, жумладан, 2,6 млн. киши меҳнат мигрантлари ҳисобланади.¹²⁶ Амалга оширилган таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда коронавирус инқирози норасмий секторда банд бўлган аҳолининг ишсиз қолишига олиб келиб, уларнинг ижтимоий ҳолатига салбий таъсирини кўрсатди.

“Covid-19” пандемияси даврида мамлакатимизда 14.03.2020 йилдан 13.07.2020 йилгача коронавирус оқибатларини аҳоли турмуш тарзи ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатишга қаратилган умумий қиймати 62 593 млрд. сўмга teng бўлган жами 14 та фармон ва қарорлар қабул қилинди.¹²⁷ Қабул қилинган фармон ва қарорлар доирасида Инқирозга қарши жамғарма томонидан пандемия сабабли ишсиз қолган 230 минг аҳоли жамоат ишларига жалб қилинди, 27 минг ишсиз аҳолига жами 10 млрд. сўмлик ишсизлик нафакаси тайинланди. 2020 йилда саноат соҳасида амалга оширилган худудий лойиҳалар ҳисобидан 145 минг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли иш билан таъминланниб, қишлоқ жойларда 20 минг гектар ер майдонлари кам таъминланган оиласаларга ўз даромадларини шакллантиришлари учун фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида ажратиб берилиди. Шу билан бир қаторда, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 583 минг кам таъминланган оиласаларга 307 млрд. сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди.¹²⁸

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурлари самарадорлиги аҳоли даромадларининг ортишида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан 2016 йилда аниқлик киритилган маълумотларга кўра, 2011-2019 йилларда мамлакатимизда аҳолининг реал умумий даромадлари қарийб 4,5 марта, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса қарийб 4,2 марта ортган. Тадқиқ этилаётган даврда аҳоли реал умумий даромадларининг ўртacha йиллик ўсиш кўрсаткичи қарийб 111,3 фоизни ташкил этган бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадларда ўртacha йиллик ўсиш кўрсаткичи 110,1 фоига teng бўлди¹²⁹ (8-илова).

¹²⁴ <https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/02/employment/>

¹²⁵ <https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/02/employment/>

¹²⁶ <https://strategy.uz/index.php?news=1013>

¹²⁷ <https://sputniknews-uz.com/economy/20200713/14525188/Ozbekiston-hukumati-pandemiya-oqibatlarini-yumshatishga-qancha-mablag-sarfladi.html>

¹²⁸ <https://sputniknews-uz.com/economy/20200713/14525188/Ozbekiston-hukumati-pandemiya-oqibatlarini-yumshatishga-qancha-mablag-sarfladi.htm> ва <https://strategy.uz/index.php?news=1013> маълумотлари асосида

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини ошириш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож оиласарга турмуш кечиришлари учун етарли даражада даромад келтирувчи меҳнат фаолияти билан банд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратишга устуворлик қаратиб келинмоқда. 2011-2019 йилларда мамлакатимиз аҳолиси даромадлари таркиби такомиллашиб, ишлаб чиқаришдан олинадиган даромадлари 75,2 фоиздан 74,2 фоизга камайгани ва мол-мулқдан олинадиган даромадлари эса 3,1 фоиздан 3,5 фоизга етганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасининг ортиши ва тадбиркорлик билан боғлиқ фаолиятдан даромад олиш имкониятини устун даражада ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, аҳолининг умумий даромадларида ижтимоий тарнсферлардан олинадиган даромадларнинг улуши эса ҳисобот даврида 24,8 фоиздан 0,5 фоиз пункт бирликда ортган ҳолда 25,3 фоизга teng бўлди. Ушбу ҳолат бозор муносабатларини ривожланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайиб бораётганлигини акс эттиради (2.4-жадвалга қаранг).

2.4-жадвал.


Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадларининг таркиби (фоиз ҳисобида)¹³⁰

№	Кўрсаткичлар номи	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
	Умумий даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	шу жумладан:									
I	Бирламчи даромадлар	75,2	73,2	73,1	75,6	79,7	84,0	79,1	76,1	74,7
	шундан:									
1.1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромад	96,9	96,9	96,2	96,8	96,5	96,3	95,7	96,9	96,5
1.2.	Мол-мулқдан олинган даромад	3,1	3,1	3,8	3,2	3,5	3,7	4,3	3,1	3,5
II	Трансферлардан даромадлар	24,8	26,8	26,9	24,4	20,3	16,0	20,9	23,9	25,3

Изоҳ: жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2016 йилда аниқлик киритилган маълумотларга асосан ҳисобланган

2011-2019 йилларда мамлакатимизда аҳоли жон бошига реал даромадлар ҳажми қарийб 4,2 марта ортган ҳолда 8 963,7 минг сўмни ташкил этди. 2019 йил якунларига кўра, ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида республика бўйича ўртacha кўрсаткичдан 1,9 марта кўпроқ бўлиб, 17 523,0 минг сўмга tengdir. Навойи (14 337,8 минг сўм), Бухоро (11 122,9 минг сўм) ва Тошкент вилоятлари (9 034,5 минг сўм) кўрсаткичлари ҳам республика бўйича ўртacha кўрсаткичдан юқори хисобланади. (9-илова).

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан таққосланган.




2.2-расм. Давлат бюджети харажатларида ижтимоий харажатларнинг улуши, фоиз ҳисобида¹³¹

2007-2019 йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот дастурларини молиялаштириш учун ажратилаётган харажатлар ортиб боргани билан бир каторда, тадқиқ этилаётган даврда бюджет харажатлари таркибида ижтимоий харажатларнинг улуши 49,9 фоиздан 54,0 фоизга ортган бўлса, ижтимоий харажатларнинг таркибида аҳолини ижтимоий кўллаб кувватлаш мақсадида уларга ижтимоий нафака, моддий ёрдам ва компенсацион тўловлар тўлаш учун ажратиладиган маблағларнинг улуши 13,2 фоиздан 9,1 фоизга камайди (2.2-расмга қаранг). Ушбу ҳолат ҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида фаол дастурлар муҳим аҳамият касб этган ҳолда, жамиятда боқимандаликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини рағбатлантиришга қаратилғанлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурларини амалга ошириш натижасида аҳоли даромадлари базаси мустаҳкамланиб, йилдан-йилга аҳоли истеъмол харажатлари таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, унда ноозик-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатларнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, 2000-2018 йилларда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари 13,4 фоизга камайиб, ноозик овқат маҳсулотлари сотиб олиш харажатлари 6,1 фоизга ва хизматлар харажатлари эса 8,1 фоизга ортди. Ушбу жараён аҳолини турмуш даражаси яхшиланиб, унинг таркибида камбағаллар улушкини қисқарип, ўрта синф вакиллари қисми баркарор суръатларда ортиб бораётганлигини ифодалайди. Аҳоли турмуш даражасини яхшиланиб уни истеъмоли харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 61,4 фоиздан 48,0 фоизга, ёки 13,4 пунктга қисқармоқда, аксинча, ноозик-овқат ва хизматларни сотиб олиш учун сарфланаётган харажатлар кескин ортмоқда (2.3-расмга қаранг).


¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган



Изоҳ: кўрсатилаётган статистик маълумотлар уй хўжаликлари танлама кузатувларига асосан келтирилган, 2010-2018 йиллар учун келтирилган статистик маълумотларга Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан аниқлик киритилган.

2.3-расм. Ўзбекистонда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибининг ўзгариши (жамига нисбатан фоизда)¹³²

Аҳоли турмуш сифатида содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида, аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил этамиз. Узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан аҳолининг таъминланганлиги даражаси аҳолининг моддий ҳолатини яхшиланиши ва сифат ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Ушбу кўрсаткич 2000-2018 йилларда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Жумладан, аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси 2018 йилда ҳар 100 хонадонга 44 дона енгил автомобил, мобил телефонлар – 262 та, кир ювиш машиналари – 81 та, шахсий компьютерлар – 52 та, электр чангютгичлар – 55 та, кондиционерлар – 35 та, совутгич ва музлатгичлар – 103 та ва телевизорлар 155 тадан тўғри келмоқда (10-илова).



2.4-расм. Уй хўжаликларининг даромад даражаси бўйича тақсимланиши¹³³

¹³² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2020 йилнинг 10-15 февраляда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уй хўжаликлари даромадлари ва истеъмол харажатлари таркиби бўйича статистик маълумотларни тўплаш учун “Уй хўжаликлари харажатлари ва даромадлари бўйича сўров (УХДС)” ўтказилди. Ушбу сўрвномада жами 880 та, шу жумладан, ҳар бир вилоят ва Қорақалпогистон Республикасидан 60 тадан (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 80 тадан) респондентлар қатнашди. Бунда респондентларнинг 70 фоизи шаҳар аҳолиси ва 30 фоизи қишлоқ аҳолисини камраб олган бўлиб, тасодифий танлов асосида ўтказилган сўрвнома натижаларига кўра, уй хўжаликлари даромадлари ва харажатлари ўсиши таҳлил килинди. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимизда камбағал уй хўжаликлари улуши пандемия даврида 8 фоиздан 21 фоизга етди (2.4-расмга қаранг). Амалга оширилган сўрвномалар натижаларига кўра, пандемия сабабли 56 фоиз уй хўжаликларининг оиласи дародлари камайган бўлса, 15 фоизи даромадсиз қолган¹³⁴.

Амалга оширилган сўрвнома натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари кам даромадли уй хўжаликлирида юқори даромадли гурӯхларга қараганда кўпроқ, ноозик-овқат товарлари ва хизматлар (яъни транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар) харажатлари эса аксинча, камдир¹³⁵ (11-илова). Таҳлиллар кўрсатишича, даромади 3 млн. сўмгача бўлган уй хўжаликлари озиқ-овқат товарлари истеъмоли учун харажатлари таркибида гўшт маҳсулотларининг улуши катта бўлиб, 33 фоизга тенг бўлса, мева ва сабзавотлар 19,6 фоизни, нон ва нон маҳсулотлари 12,8 фоизни, сут маҳсулотлари 7 фоизни ташкил этади. Ушбу ҳолат уй хўжаликлари жами даромадларининг уларнинг жами харажатларидан юқорилигини кўрсатмоқда ва бу ўз даромадларининг маълум бир қисмини жамғариш имконини беради¹³⁶ (12-илова).

УХДС маълумотлари таҳлили кўрсатишича, яшаш қийматининг ўсиш даражаси ўртacha даромадлар ўсишига мутаносиб бўлади. Айни пайтда алоҳида гурӯхлар бўйича таҳлиллар, яшаш қийматининг ўсишига жуда таъсирчан бўлган аҳоли гурӯхлари мавжудлигини кўрсатди, жумладан:¹³⁷

- харажатлари микдори умумий даромадларидан юқори бўлган уй хўжаликлари;
- кам даромадли ва юқори даражадаги молиявий мажбуриятларга эга уй хўжаликлари;
- қатъий белгиланган даромад олувчи уй хўжаликлари, шу жумладан, нафақа олувчилик.


¹³³ Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиши бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 йил 23 июль. https://cbu.uz/upload/iblock/3cd/Markaziy-bank-asosiy-stavkasini-korib-chiqish-boyicha-Pul_kredit-siyesati-tahlili.pdf

¹³⁴ Аҳоли турмуш даражаси ва инфляция. Ахборот-таҳлилий маълумот. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 й. https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf; Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиши бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 йиль 23 июль. https://cbu.uz/upload/iblock/3cd/Markaziy-bank-asosiy-stavkasini-korib-chiqish-boyicha-Pul_kredit-siyesati-tahlili.pdf маълумотлари асосида

¹³⁵ Аҳоли турмуш даражаси ва инфляция. Ахборот-таҳлилий маълумот. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 й. https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf

¹³⁶ https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf

¹³⁷ https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf



Изоҳ: кўрсатилаётган статистик маълумотлар уй хўжаликлари танлама кузатувларига асосан келтирилган

2.5-расм. Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари табақаланиши кўрсаткичларининг ривожланиш тенденциялари¹³⁸


Амалга оширилган статистик таҳлиллар натижалари мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларининг барқарор суръатларда ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Халқаро ташкилотлар тадқиқотларида аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқланишни баҳолашда кенг қўлланиладиган джини индекси 2001-2018 йилларда Ўзбекистонда 1,5 марта камайган ҳолда 0,262 га тенг бўлди. Мамлакатлараро қиёсий таҳлиллар кўрсатишича, ушбу натижа дунёning кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг турли ижтимоий гурухлари ўртасида даромадларнинг адолатли тақсимланишида ижобий ўзгаришлар вужудга келаётганлиги, аҳоли пул даромадлари ўртасидаги табақаланишини тавсифловчи кўрсаткичларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли қатламлари даромадлари ўртасидаги фарқни ифодаловчи децил коэффициенти кўрсаткичи барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, ушбу рақам 2000 йилдаги 21,1 баробардан 2018 йилда 6,1 баробарга, квинтил коэффициенти эса (20 фоизли аҳоли гурухлари ўртасидаги фарқ) эса 9,9 баробардан 4,1 баробаргача пасайди (2.5-расмга қаранг).

2010-2018 йилларда мамлакатимиз аҳоли даромадлари табақаланиши кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, аҳолининг 10 фоизли гурухлари бўйича аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишидаги фарқлар йилдан йилга қисқариб бориш тенденциясига эга бўлди. Тадқиқ этилаётган даврда аҳолининг энг кам даромадли I дециль гурухи даромадлари 2010 йилда 2,9 фоизга тенг бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 3,9 фоизга ортди. Энг юқори даромадли X дециль гурухida эса ушбу қўрсаткич 24,8 фоиздан 23,7 фоизга камайди (13-илова).

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Юқоридаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича, мамлакатимизда жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ва таркиби йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли даромадлари, истеъмол харажатлари таркиби ва аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлигига ўз аксини топмоқда. Шу ўринда ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини амалга ошириш ва жамиятда ўрта қатлам ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган чоратадбирларининг самарасини кўриш мумкин бўлади. Жумладан, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида кучли ижтимоий сиёsat чора-тадбирлари аниқ, мақсадли равишда йўлга кўйилиб, аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун замин яратди. Бу эса 1990-2018 йилларда мамлакатимизда ўрта даромадга эга бўлган аҳолининг жами аҳоли таркибидаги улуши қарийб 2,9 марта ортиб, 52,1 фоизга етишини таъминлади (14-илова).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари самарадорлиги жамиятда кам таъминланган аҳоли улушкининг қисқариб бораётганлигига ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2001-2018 йилларда Жаҳон банки услубиёти¹³⁹ асосида мамлакатимизда кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи 27,5 фоиздан 11,4 фоизга қисқарди (2.6-расмга қаранг). Халқаро камбағаллик чегараси бўйича қуий ўрта даромадли мамлакатлар учун кам таъминланганлик даражаси кунига 3,2 доллар, юқори ўрта даромадли мамлакатлар учун эса кунига 5,5 долларни кўллаш тавсия этилади. Ушбу ёндашувга асосланиб, 5,5 доллар чегарани олинганда кам таъминланганлик даражаси 36,6 фоиз ва 3,6 доллар деб олганда - 9,6 фоизни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда.¹⁴⁰



Изоҳ: кўрсатилаётган статистик маълумотлар уй хўжаликлари танлама кузатувларига асосан келтирилган

2.6-расм. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улуши, жамига исбатан фоизда¹⁴¹

¹³⁹ Жаҳон банки тавсияларига кўра, кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал.дан келиб чиқиб ҳисобланади.

¹⁴⁰ Ўша манба

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистондаги камбағаллик ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун уларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон бўйича 7 миллион 192 минг хонадон рўйхатга олинган бўлса, улардан 300 мингдан зиёди эҳтиёжманд оилалар қаторига киради.¹⁴² Кам таъминланган оила ўртача 7 кишидан иборат бўлиб, оила бошлигининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11 фоиз кам таъминланган оиланинг бошлиғи ишсиз, 93 фоиз ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва факат 24 фоиз ўрта маҳсус маълумотга эга. Кам таъминланган уй хўжаликларининг 43 фоизи доимий иш жойига эга эмас, 93 фоизи марказий иситиш тизимиға, 96 фоизи марказий канализация тизимиға ва 66 фоизи марказий сув таъминотига уланмаган.¹⁴³

2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемияси мамлакатимизда 450 мингта яқин оилаларнинг даромадига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, бокувчинини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этди.¹⁴⁴

Амалга оширилган тадқиқотларимиз ва статистик таҳлилларга таянган ҳолда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга ошириладиган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли даромадларини шакллантиришга қаратилган фаол ижтимоий ҳимоя дастурларини янада манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш учун минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда минтақавий ижтимоий ҳимоя дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.3-§. Республикада аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг қамров даражаси ва унинг ҳозирги ҳолатини таҳлили

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматларнинг ўрни ва сифати муҳим ҳисобланади. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, аҳолига ижтимоий хизматларнинг кўрсатилиши мамлакат аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодиётни модернизациялаш ва туб таркибий ўзгаришлар шароитида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг кўламини кенгайтириш ва уни сифат жиҳатдан такомиллаштириш устувор вазифалар қаторига киради.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш, мамлакатимизда барча аҳоли қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш имкониятини берувчи соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва уларга сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш мақсадида хуқуматимиз томонидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда аҳолига тез ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида 1991-2018 йилларда амалга

¹⁴² <http://uza.uz/oz/society/tanzila-norboeva-eng-kamba-allik-darazhasida-yashayetgan-300-19-06-2020>

¹⁴³ <https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak>

¹⁴⁴ 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни кисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йигилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

оширилган ислоҳотлар натижасида шифохона муассасалари сони 1 388 тадан 1 165 тага камайтирилиб, амбулатория-поликлиника муассасалари сони қарийб 1,8 марта ортиб, 2019 йил 1 январ ҳолатига 5 631 тани ташкил этди. Бу эса ўз навбатида аҳоли яшаш пунктларига яқин жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш имконини беради. Тадқиқ этилаётган даврда шифохона муассасаларининг сонини қисқариши битта шифохонага тўғри келадиган аҳоли сонини 81 тадан 243 тага етишига сабаб бўлди. Аммо амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати ушбу даврда ҳар 10 000 аҳолига баҳоланганд 1,7 фоизга қисқарди ва 133,7 тани ташкил этди. Оналар ва болалар, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш мақсадида таҳлил этилаётган даврда тиббиёт масканларида акушерлик-гинекология хоналари сони 2,0 марта ортиб, 2019 йил 1 январ ҳолатига 2 186 тага етди (15-илова).

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар аҳолини тиббий хизматлар билан қамрови даражасини кенгайтириш имконини берди. Жумладан, 1991-2018 йилларда стационарларда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси қарийб 1,2 марта ортган бўлса, амбулатория-поликлиника муассасаларига аҳоли қатновлари сони қарийб 3,0 марта кўпайиб, бир сменадаги қатновлар сони 2019 йил 1 январ ҳолатига 440,9 млн. кишини ташкил этди. Таҳлил этилаётган даврда аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган кадрлар тайёрлаш дастурлари натижасида барча мутахассисликлардаги шифокорлар сони 75,0 мингдан 89,8 мингга етди. Бунда аёл шифокорларнинг улуши 2019 йил 1 январ ҳолатига жамига нисбатан 50,8 фоизни ташкил этди. Мазкур даврда ўрта тиббиёт ҳодимлари сони эса 1,5 марта ортиб, 356,7 минг кишига teng бўлди. 2019 йилда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилиб, даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзларнинг жорий этилганлиги сабабли, 2019 йилда 634 та хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди¹⁴⁵.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларида аҳолининг ёлғиз кексалар, қариялар ва ногирон гурухларини ижтимоий ҳимоя қилишга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Бу турдаги аҳолининг ижтимоий гурухларини аниқ ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш мақсадида хукуматимиз томонидан қария ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи стационар муассасалари ташкил этилган. 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, мамлакатимизда қария ва ногиронлар (катта ёшдагилар) учун интернат уйлари сони 33 тани ташкил этиб, унда яшайдиганлар сони 8 261 тага teng бўлди. Интернат уйларида истиқомат қилувчиларнинг сони 1991 йилга нисбатан 545 тага ортган. Ногирон болалар интернатлари уйлари сони эса 2019 йил 1 январ ҳолатига 6 тани ташкил этиб, унда яшайдиганлар сони 1991-2018 йилларда 174 тага ортган ҳолда, 1 788 тага teng бўлди (2.5-жадвалга қаранг).

¹⁴⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.aza.uz

2.5-жадвал.

Ўзбекистонда қария ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи стационар муассасалар (йил охирига қўра)¹⁴⁶

	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2018 й.	1991-2018 йй.даги ўзгариш (+/-)
Қария ва ногиронлар (катта ёшдагилар) учун интернат уйлари сони	28	34	33	33	+5
уларда:					
жойлар	8 160	8 805	8 683	8 705	+545
яшайдиганлар	7 474	6 796	6 759	8 261	+787
Ногирон болалар учун интернат уйлари сони	5	5	6	6	+1
уларда:					
жойлар	1 740	1 760	1 750	1 805	+65
яшайдиганлар	1 614	1 481	1 325	1 788	+174

Таълим тизимидағи ислоҳотларнинг аҳолини кам таъминланганлик даражасини камайтиришдаги тутган ўрни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”¹⁴⁷ деган фикрларида ўз аксини топади. Барчага маълумки, таълим тизими аҳолига қўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ажралмас муҳим қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими шаклланган бўлиб, у мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим каби босқичларни қамраб олади.

1991-2018 йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сони 9 834 тадан 6 381 тага қисқарди. Бунинг сабаби аксарият қишлоқ худудларида бу турдаги муассасалар фаолиятининг тугатилиш билан изоҳланади. Шаҳар жойларда эса аксинча, таҳлил этилаётган даврда болалар боғчалари сони 140 тага ортган ҳолда 3 500 тани ташкил этди. Республика миқёсида мактабгача таълим муассасаларининг сонини қисқартирилиши ўз навбатида бу турдаги муассасаларда фаолият олиб бораётган педагог ҳодимлар сони бўйича кўрсаткич 1995 йилдаги 90,4 мингдан 2019 йил 1 январ ҳолатига 81,1 мингтага камайишига сабаб бўлди (16-илова). Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислоҳотларимиз натижасида 2019 йилда 5 минг 722 та давлат, хусусий, оиласий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.¹⁴⁸


Ўзбекистонда амал қилаётган таълим тизимининг кейинги босқичи умумтаълим ва ўрта маҳсус, касб ҳунар таълим босқичлари бўлиб, мактаб

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁴⁷ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

¹⁴⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

ёшидаги болаларни мактабларда таълим олиш қамрови 98,1 фоизга тенг бўлди. Мактабдан кейинги босқичга касбга йўналтирилган таълимни жорий этилиши ва 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижасида коллеж ва лицейларда умумий таълим олаётган ёшларнинг улуши 98,8 фоизни ташкил этди. Экспертлар томонидан берилган хулосаларга кўра, ёшларни умумий ўрта таълим хизматлари билан қамрови даражасидаги 1,9 фоиз ва ўрта маҳсус хизматлари билан қамровидаги 1,2 фоизлик камчилик болаларнинг айrim сабабларга кўра уйда ёки хориж мамлакатларида таълим хизматларини олаётганлиги билан тавсифланади.



2.7-расм. Айrim мамлакатларда олий таълимнинг иш ҳақига таъсири¹⁴⁹

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар таҳлили мамлакатимизда ёшларнинг таълим хизматлари билан тўлиқ қамраб олинганлиги ва мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлиги даражаси йилдан йилга ортиб бораётганидан далолат беради (17-илова). Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳоли даромадларининг барқарор, изчил ўсиш суръатларига эга бўлаётганлиги билан тавсифланади. Зеро назарий жиҳатдан баҳолангандা таълим хизматларини қўрсатилиши аҳолини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан жамият ҳаётидаги мақомини яхшилаш учун хизмат қиласи.

Мамлакатимизда амал қилаётган таълим тизимида Олий таълим хизматлари мажбурий бўлмаган шаклда ташкил этилган бўлиб, Жаҳон банки гуруҳи экспертлари томонидан берилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда олий маълумотли ҳодимнинг иш ҳақи ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ишчининг маошига нисбатан 55 фоизга юқори ҳисобланади (2.7-расмга қаранг). Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматларнинг аҳамияти катта эканлигидан далолат беради. Ривожланган мамлакатлар амалиётида ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим тизими хизматлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни фаол дастурларининг таркибий қисми ҳисобланади.

2000-2019 йилларда мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 1,6 марта ортиб, олий таълим муассасалари филиалларини инобатга олган ҳолда 98 тани ташкил этди. Таҳлил этилаётган даврда ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган

¹⁴⁹Расчеты авторов для Кыргызской Республики, Таджикистана и Узбекистана на основе данных исследования «Узбекистан: Рабочие места, профессиональные умения и миграция», Всемирный банк / GIZ, 2013 год. С.63

олий таълим олувчилар сони 75 тадан 109 тага етди. Мазкур даврда олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони 2018-2019 ўқув йилида 2,2 марта ортган ҳолда 70,3 минг кишига тенг бўлди (2.6-жадвалга қаранг).

2.6-жадвал.

Ўзбекистонда олий таълим хизматлари бозорининг асосий кўрсаткичлари¹⁵⁰

	2000/ 2001	2010/ 2011	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019
Олий таълим муассасалари сони	61	65	79*	90*	91*	98*
Талабалар сони, минг киши	183,6	274,5	264,3	268,3	297,7	360,2
10000 ахолига тўғри келадиган олий таълим олувчилар сони	75	96	84	84	92	109
18-23 ёшдаги хар 10000 ахолига тўғри келадиган олий таълим олувчилар сони	650	719	693	725	973	1 041
Қабул қилинган талабалар сони, минг киши	44,7	64,1	62,9	61,2	85,7	114,5
Битирган мутахассислар сони, минг киши	31,6	76,4	66,3	64,1	67,5	70,3

Изоҳ: * - филиалларни инобатга олган ҳолда ҳисобланган

2019 йилда мамлакатимиз таълим тизимидағи ислоҳотлар изчили давом эттирилди. Жумладан, мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки, 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишига қабул қилинди.¹⁵¹

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари доирасида ахолига пенсия таъминоти хизматларини кўрсатилиши аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳлари талабини рағбатлантириш ва уларнинг истеъмолини қўллаб-кувватлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторига киради. 2000-2019 йилларда мамлакатимидан пенсия ёшидаги аҳоли сони 2000 йилга нисбатан 590,7 мингтага ортган ҳолда 2020 йил биринчи январ ҳолатига 3677,3 мингтани ташкил этди. Таҳлил тилаётган даврда ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдори 436,1 минг сўмга, ўртача ойлик пенсия миқдори эса 702,4 минг сўмга етди. Ҳисобот даврида ёшга доир минимал пенсияларнинг йиллик ўртача ўсиш кўрсаткичи 131,5 фоизга, ўртача пенсияларда эса 126,6 фоизга тенг бўлди. Таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар пенсия ёшидаги аҳолини муносиб тарзда ижтимоий

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.aza.uz

химоя қилиш учун замин яратмоқда (2.7-жадвалга қаранг). 2019 йилда ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди.¹⁵²

2.7-жадвал.

Ўзбекистон пенсия таъминотининг асосий қўрсаткичлари (йил охирига кўра)¹⁵³

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2018 й.	2019 й.
Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шахслар сони:						
жами, минг киши	3087,0	3229,5	3265,8	3203,9	3484,8	3677,7
ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоизда	101,1	100,1	98,8	102,7	105,8	105,5
Ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори, минг сўм	4,7	18,6	97,3	254,7	296,5	436,1
ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоизда	140,0	144,0	130,3	110,0	117,7	147,1
Тайинланган ўртacha ойлик пенсия, минг сўм	7,4	31,7	171,9	438,2	612,4	702,4
ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоизда	152,0	143,5	125,9	108,4	115,0	114,7

Ўзбекистонда 2019 йилда ЯИМнинг 9,7 фоизи аҳолини ижтимоий химоя тизимиға йўналтирилади, жумладан, ушбу маблағларнинг 72,0 фоизи ёки ЯИМнинг 6,9 фоизи пенсия таъминоти хизматларини молиялаштиришга сарфланади. Мамлакатимиз аҳолисининг 23,0 фоизи у ёки бу турдаги пенсия ва ижтимоий нафақалар билан таъминланган бўлиб, болали уй хўжаликларининг 63,0 фоизи бола парвариши учун нафақа, 88,0 фоизи болали оиласлар учун нафақани олмайди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимининг манзилли йўналтирилганлигига қарамай, ижтимоий жиҳатдан муҳтож оиласларнинг фақат 48,0 фоизи ижтимоий химоя дастурлари билан қамраб олинган. Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар ва ёшлар учун ижтимоий химоя тизимининг самарасизлигининг сабаблари қуидагилардан иборат:¹⁵⁴

- аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш номи асосида 2010 йилларда кам таъминланган оиласларда бола парвариши бўйича бериладиган нафақа 3 ёшдан 2 ёшга қисқартирилди;
- кўп болали оиласларга балоғат ёшига етмаган болалар учун тўланадиган нафақа 16 ёшдан 14 ёшга туширилди;
- кам таъминланганлар учун манзилли ижтимоий ёрдам қўрсатишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги (кам таъминланган оиласларнинг 52 фоизи ижтимоий химоя дастурлари билан қамраб олинмаган);

¹⁵² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.aza.uz

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵⁴ Построение системы социальной защиты, соответствующей интересам детей и молодежи в Узбекистане. ЮНИСЕФ 2019 г. 145 с. www.unicef.org/publications

- мамлакатда норасмий бандлик кўрсаткичи (2019 йилда норасмий секторда банд бўлганлар сони меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда 5 368,3 минг¹⁵⁵ кишини ташкил этди) юқори бўлганлиги сабабли даромад даражасини аниқлашнинг мураккаблиги ва самарасизлиги. Шунингдек, оила даромади қисқа муддат ичидаги ўзгариб туриши натижасида ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳолини аниқлашдаги қийинчиликларни вужудга келиши;

- бола нафақасини олувчилар меҳнат бозорига ишлаш учун чиқса, боласи учун нафақа олиш ҳуқуқидан айрилиши мумкин. Натижада оиланинг ўз даромад манбаларини кенгайтиришга бўлган интилишининг пасайиши.

2.8-жадвал.

Ўзбекистонда Пенсия ва нафақа олувчилар сони (01.01.2020 й. ҳолатига)¹⁵⁶

	Сони, киши	фоизда
Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони	3 677 741	100%
Шундан		
Пенсия олувчилар сони	3 312 723	90,1%
Нафақа олувчилар сони	365 018	9,9%
Пенсия олувчилар		
Ёшга доир	2 749 575	83,0%
Ногиронлик	382 563	11,5%
Боқувчисини йўқотган (оила)	180 585	5,5%
Нафақа олувчилар		
Ёшга доир	32 088	8,8%
1 ва 2 гурӯҳ ногиронлари (иж стажи йўқ)	30 921	8,5%
Боқувчисини йўқотган (оила)	31 006	8,5%
1 ва 2-гуруҳ 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронлар	159 749	43,8%
16 ёшгача бўлган ногирон болалар	111 254	30,5%

2020 йил 1 февралдан болалар учун ижтимоий ёрдамнинг турли шакллари қиймати қуидагича:¹⁵⁷

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа:
 - битта болали оилаларга – 131 000 сўм;
 - иккита болали оилаларга – 217 000 сўм;
- учта ва ундан ортиқ болали оилаларга – 304 000 сўм;
- 2 ёшгача бола парвариши бўйича нафақа – 434 000 сўм;
- кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам – 326 000 сўмдан 653 000 сўмгача.

2020 йил 1 январ ҳолатига мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчилар сони қарийб 3,7 млн. кишини ташкил этди. Пенсия олувчиларнинг 83,0 фоизи ёшга доир пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келган бўлса, нафақа олувчиларнинг сезилар қисми 1 ва 2-гуруҳ 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронларлар (43,8 фоиз)

¹⁵⁵ <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг 2019 йилдаги фаолияти. – Т. 2020 й. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

http://pfru.uz/uploads/content/1592304773_%D0%91%D1%80%D0%B5%D0%BD%D0%B4%20%D0%B1%D1%83%D0%BA_2019_compressed.pdf

¹⁵⁷ Построение системы социальной защиты, соответствующей интересам детей и молодежи в Узбекистане. ЮНИСЕФ 2019 г. 145 с. www.unicef.org/publications

ва 16 ёшгача бўлган ногирон болалар (30,5 фоиз) ҳиссасига тўғри келди¹⁵⁸ (2.8-жадвалга қаранг).



2.8-расм. Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг жами даромад манбалари ва харажатлари таркиби (17.07.2020 йил ҳолатига, фоизда)¹⁵⁹


2020 йилнинг март ойида мамлакатимизда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчиларнинг сони 10 фоизга оширилиши сабабли уларнинг сони 596 мингдан 655 мингтага етди. Кейинчалиқ, аҳолига ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинланиши тартиби узайтирилиши ва тегишли аризаларни янгидан бериш талаб этилмаслиги натижасида, мамлакатимизда ижтимоий нафақа олувчилар сони 719 мингтани ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-5975-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан қўшимча 220 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 14 ёшгача болалари бўлган оиласаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоиза оширилди ва 790 мингтага етди.¹⁶⁰

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги фаолияти. – Т. 2020 й. маълумотлари асосида

http://pfru.uz/uploads/content/1592304773_%D0%91%D1%80%D0%B5%D0%BD%D0%BD%D0%B4%20%D0%B1%D1%83%D0%BA_2019_compressed.pdf

¹⁵⁹ <https://www.gazeta.uz/oz/2020/07/17/crisis-fund/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁶⁰ <https://strategy.uz/index.php?news=1013>



2.9-расм. Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлари таркиби (17.07.2020 йил ҳолатига, фоизда)¹⁶¹


Коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизда ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобига 2020 йил 17 июлгача бўлган даврда жами 7,44 трлн. сўм маблағ келиб тушди. Жумладан, 7,32 трлн. сўми халқаро молия институтлари имтиёзли кредитлари ва 123,5 млрд. сўми давлат бюджети ҳисобидан шаклланди. Таҳлил этилаётган давда жамғарманинг жами харажатлари 6,4 трлн. сўмга teng бўлиб, ушбу харажатларнинг 34 фоизи ёки 2,2 трлн. сўм ижтимоий соҳага йўналтирилди (2.8-расмга қаранг). Шундан, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш учун 80 млрд. сўм, ижтимоий нафакаларни молиялаштириш учун – 311 млрд. сўм, банд бўлмаган фуқароларни вақtingчалик ишларга жалб қилиш учун – 200 млрд. сўм, ишсиз, кам таъминланган, оилаларга шахсий томорқаларини ривожлантириш учун – 50 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди (2.9-расмга қаранг).¹⁶²

“Covid-19” пандемияси шароитида мамлакатимизда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. 2020 йил 16 июнга қадар жамғармага жами 194 млрд. 625 млн. сўмдан зиёд ҳайрия маблағлари келиб тушди. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтоҷ оилаларни қўллаб-кувватлаш учун рўйхатлар шакллантирилди ва 300 383 та ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ оилаларга қарийб 119 млрд. сўмлик кўмак берилди (2.10-расмга қаранг). Жумладан, ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ 97 296 та оилаларга моддий ёрдам беришга 71 млрд. 110 млн. сўм, 205 646 та оиласа кундалик истеъмол товарлари етказиб бериш учун 37 млрд. 860 млн. сўм, 24 619 та оиласа 9 млрд. 626 млн. сўмлик турли хил маҳсулотлар етказиб бериш харажатлари қопланди.¹⁶³

¹⁶¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2020/07/17/crisis-fund/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁶² <https://www.gazeta.uz/oz/2020/07/17/crisis-fund/>

¹⁶³ <https://daryo.uz/k/2020/06/18/inqirozga-qarshi-kurashish-jamgarmasining-xarajatlari-430-mln-dollaridan-oshib-ketdi/>



2.10-расм. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтоҷ оиласарни қўллаб-қувватлаш ҳаражатлари таркиби (16.06.2020 йил ҳолатига, фоизда)¹⁶⁴

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигига кўшимча ажратилган 992 млрд. сўм ва “Саховат ва кўмак” жамғармасидаги 70 млрд. сўм қолдиқ маблағни йил якунига қадар 235 мингдан зиёд оиласа Пандемия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам шаклида ажратилиши режалаштирилган.¹⁶⁵ Жаҳон банки пронозларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 1,5 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткични таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири бу мамлакатда камбағалликни камайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўлиб, 2020 йилда мамлакатимизда 810 мингта, жумладан, 310 мингта доимий ва 500 мингта мавсумий иш ўринларини яратиш режалаштирилган.¹⁶⁶

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя дастурлари мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини барқарор суръатларда ошиб бориши учун замин яратмоқда. Аҳолига қўрсатиладиган ижтимоий хизматларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизда инсон капиталини ривожланиши учун хизмат қилмоқда.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги қўрсаткичлари унинг мамлакатда амал қилиб келаётган хукуқий-институционал асослари, аҳоли даромадлари ва уларнинг табақаланиши, жамиятнинг ижтимоий қиёфаси билан бир қаторда аҳолига қўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг кўлами ва сифатига узвий боғлиқ бўлади. Жумладан, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг

¹⁶⁴ <https://daryo.uz/k/2020/06/18/inqirozga-qarshi-kurashish-jamgarmasining-xarajatlari-430-mln-dollardan-oshib-ketdi/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁶⁵ 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни кисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

¹⁶⁶ <https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/09/economy/>

хуқуқий-институционал асослари йилдан йилга такомиллашиб, бозор иқтисодиёти механизмига тўлиқ мослашиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаларида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш жараёнида қўйидаги илмий хулосалар олинди:

Биринчидан, 1991-2019 йилларда Ўзбекистонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги кучайиб бормоқда. Ушбу ҳолат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштиришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг нофаол дастурларига устуворлик берилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг даромадларини ортиб боришига замин яратмоқда. Жумладан, 2011-2019 йилларда мамлакатимизда аҳоли жон бошига реал даромадлар қарийб 4,2 марта ортган ҳолда 8 963,7 минг сўмни ташкил этди. 2019 йил якунларига кўра, ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 1,9 марта кўпроқ бўлиб, 17 523,0 минг сўмга тенг бўлди. Навоий (14 337,8 минг сўм), Бухоро (11 122,9 минг сўм) ва Тошкент вилоятлари (9 034,5 минг сўм) кўрсаткичлари республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори ҳисобланади.

Учинчидан, Ўзбекистонда аҳоли даромадларини шакллантириш, уларни бандлигини таъминлаш ва ўрта қатлам ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг мунтазам амалга оширилиши натижасида, 1990-2018 йилларда жамиятда аҳоли умумий сонида ўрта қатламнинг улуши қарийб 2,9 марта ошган ҳолда, 18,0 фоиздан 52,1 фоизга етди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда уй хўжаликлари даромадлари тақсимланишида – 38,7 фоизи ойига 2-4 млн. сўм даромадга эга бўлганлар гурухига киради, уй хўжаликлари озиқ-овқат товарлари истеъмоли учун харажатларининг энг катта улуши гўшт маҳсулотларига – 33 фоиз, мева ва сабзавотларга – 19,6 фоиз, нон маҳсулотларига – 12,8 фоиз, сут маҳсулотларига – 7 фоиз ва бошқаларга тўғри келади.

Бешинчидан, Озиқланишга асосланган усулнинг натижалари камбағаллик даражасини 11,4 фоиз эканлигини кўрсатади. Халқаро камбағаллик чегараси бўйича қуий ўрта даромадли мамлакатлар учун кам таъминланганлик даражаси кунига 3,2 долл., юқори ўрта даромадли мамлакатлар учун эса кунига 5,5 долларни кўллаш тавсия этилади. Ушбу ёндашувга асосланаб, 5,5 долл. чегарани олинганда кам таъминланганлик даражаси 36,6 фоиз ва 3,6 долл. деб олганда - 9,6 фоизни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андикон вилоятлари ва Корақалпогистон Республикасида кузатилмоқда.

Олтинчидан, Мамлакатимизда кам таъминланган оила ижтимоий қиёфаси ўрта ҳисобда 7 кишидан иборат бўлиб, оила бошлигининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11 фоиз кам таъминланган

оиланинг бошлиғи ишсиз, 93 фоиз ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва фақат 24 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Кам таъминланган уй хўжаликларининг 43 фоизи доимий иш жойига эга эмас. 93 фоизи марказий иситиш тизимиға, 96 фоизи марказий канализация тизимиға ва 66 фоизи марказий сув таъминотига уланмаган. Кам таъминланган оилалар таркибида бокувчинин йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этди.

Еттинчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий хизматлар кўрсатиш қамрови ва сифат даражасининг барқарор яхшиланиб бормоқда. Жумладан, соғлиқни саклаш соҳасида амалга оширилган туб ва мақсадли ислоҳотларнинг самараси мамлакатимизда аҳолининг кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичини 1990-2019 йилларда 67,2 йилдан 74,6 йилга; 2000-2019 йилларда мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 1,6 марта ортиб, олий таълим муассасалари филиалларини инобатга олган ҳолда 98 тага, таҳлил этилаётган даврда ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган олий таълим олувчилар сони 75 тадан 109 тага; 2020 йил 1 январ ҳолатига мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчилар сони қарийб 3,7 млн. кшини ташкил этди. Пенсия олувчиларнинг 83,0 фоизи ёшга доир пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келган бўлса, нафақа олувчиларнинг сезилар қисми 1 ва 2-гуруҳ 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронларлар (43,8 фоиз) ва 16 ёшгача бўлган ногирон болалар (30,5 фоиз) ҳиссасига тўғри келди.

Саккизинчи, Ўзбекистонда 2019 йилда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, карантин чекловларининг кучайтирилиши натижасида Ўзбекистонда бир қатор корхоналар фаолиятининг тўхтатилганлиги, жумладан, мамлакат чегаралари ёпилгани сабабли 550 мингга яқин меҳнат мигрантлари бошқа давлатларга ишлаш учун кета олмаганлиги ишсизлик даражаси биринчи ярим йиллиқда 15 фоизга етди ва ишсизлар сони 2,3 млн кишига тенг бўлди. Ушбу ҳолат мамлакатимизда 450 мингга яқин оилаларнинг даромадига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада мамлакатимизда камбағал уй хўжаликлари сони пандемия даврида 8 фоиздан 21 фоизга кўпайди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш ва аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш учун узоқ муддатли истиқболда қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

– соғлиқни саклаш соҳасида фаолияти олиб бораётган тиббий хизматлар кўрсатиш муассасаларини халқаро миқёсдаги замонавий илғор техника ва юқори технологиялар билан таъминлаш, тибиёт ҳодимлари малакасини ошириш ва уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича ўрнатилган талабларни қайта кўриб чиқиш;

– таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, онлайн таълим тизимини жорий этиш орқали, масофавий таълим хизматларини йўлга қўйиш, таълим хизматларини кўрсатишда кўпроқ амалиёт билан боғлиқ жиҳатларга эътиборни кучайтириш;

– мамлакатимизда аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичининг ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолатда пенсия ёшини ошириш ва имтиёзли

даврда пенсия чиқиши имкониятига эга бўлган айрим касб эгаларини (оғир меҳнат шароитида ишлайдиганлардан ташқари) имтиёзларини қисқартириш лозим;

– аҳоли даромадлари орта боргани сари ижтимоий суғурта хизматларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ижтимоий суғурта фондларини ташкил этиш ва уларни ривожланишини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш;

– пенсия ёшидаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш амалиётини янада кучайтириш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш ва пенсия ёшидаги аҳоли қатламларини камбағаллик риски ҳолатидан ҳимоялаш мақсадида пенсионерларнинг пенсия тўловларини ҳисоб китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини ошириш;

– аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатини баҳолаш, уни мониторинг қилиш ва назорти бўйича туман, шаҳар бўлимлари фаолиятини қатъий йўлга қўйиш;

– ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда бюджетдан ташқари мақсадли ва хайрия жамғармаларининг ролини ошириб бориш.

Юқорида билдирилган фикрларни амалиётда қўллаш кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини янада ортишига хизмат қиласи.

ІІІ БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1-§. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш дастурларини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш амалиётини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган, долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мамлакатда амал қилаётган ва ижтимоий дастурларга таъсир этувчи куйидаги омилларнинг ўзгаришини баҳолаш имкониятини беради:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури қамраб олган аҳолининг ижтимоий гурухлари ва уларнинг оила аъзолари даромадларининг ортиши (ёки харажатларнинг қисқариши);
- ижтимоий ҳимоя дастурларининг амалга оширилиши жараёнида жамиятнинг манзилли ижтимоий ҳимоя дастурлари қамраб олмайдиган ижтимоий гурухларнинг даромадлари ва харажатларини ўзгариши;
- жамиятнинг айrim тоифадаги ижтимоий гурухларини давлат томонидан кўллаб-қувватланиши оқибатида ижтимоий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги;
- фаол ижтимоий ҳимоя дастурларининг амалга оширилиши жараёнида аҳолига муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши ва аҳоли бандлигининг ортиши натижасида аҳоли даромадларини ортиши.

Таклиф этилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш амалиёти (18-илова) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий натижаси ва уларнинг ижтимоий самарадорлиги тушунчаларига аниқлик киритиб ўтишни тақозо этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий натижаси (outcomes) – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури қамраб олган аҳолининг ижтимоий гурухларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичининг ўзгаришини назарда тутади. Ушбу ўзгаришлар амалга оширилган ижтимоий ҳимоя дастурларининг бевосита таъсири натижасида вужудга келади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий самараси (impacts) – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари қамраб олмайдиган аҳолининг ижтимоий гурухларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичининг ортиши билан тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳимоя дастурларининг айrim аҳоли ижтимоий гурухларига билвосита таъсирини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Бу турдаги баҳолашни амалга ошириш орқали мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми самарадорлигини аниқлаш имконияти вужудга келади. Ушбу ҳолат ўз навбатида

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг иқтисодий самарадорлиги тушунчасига аниқлик киритишни талаб этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг иқтисодий самарадорлиги тушунчаси моҳиятан ижтимоий ресурслардан фойдаланиш тежамлилиги ва ижтимоий дастурнинг самарадорлиги кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда ўзида мужассамлаштиради ва қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I_e = \frac{D_{kn}}{P_d}$$

Бу ерда:

I_e – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи

D_{kn} – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга оширишдан кутилаётган натижа

P_d – амалга оширилган ижтимоий ҳимоя дастурининг қиймати

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга ошириш натижасида ижтимоий ресурслардан фойдаланиш тежамкорлиги кўрсаткичи – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирни амалга оширилиши натижасида ишлатилган ижтимоий ресурсларнинг қийматини ушбу дастурни амалга оширилмаган ҳолатда истеъмол қилиниши кутилаётган ресурсларнинг ўртасидаги нисбат билан аникланади. Бунда аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўзгаришлар иккинчи даражали ҳисобланиб, ижтимоий дастурнинг қийматини белгилаши мумкин бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг самарадорлиги кўрсаткичи – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга оширишда эришилиши кутилган натижа билан амалда эришилган натижа ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Ижтимоий ҳимоя дастурларининг илмий асосланмаган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалиётта нотўғри тадбиқ этилиши оқибатида ижтимоий ресурслар ишлатилган ҳолда жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни кутилган пировард натижага эришилмайди. Бундай дастурлар самарасиз ҳисобланиб, ноль қийматга эга бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими фаолиятини баҳолашнинг жаҳон амалиётiga кўра, ижтимоий ҳимоя дастурларининг самарадорлиги ва уларнинг қамрови даражасини баҳолаш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёsat ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва уни прогнозлаш имкониятини яратади.

Фикримизча, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини комплекс баҳолаш амалиётини такомиллаштириш ва уни стандартларга мослаштириш мақсадида халқаро ташкилотлар эксперталари томонидан кўлланиладиган айrim турдаги услубларни амалиётда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг қамрови ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини берувчи қўйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф қиласиз (19-илова):¹⁶⁷

¹⁶⁷ Babajanian, B.; Hagen-Zanker, J. 2012. Social protection and social exclusion: An analytical framework to assess the links, Background Note (London, Overseas Development Institute). Доступно по адресу:

- аҳоли саломатлиги коэффициенти;
- аҳолини уй-жой билан таъминланганлик коэффициенти;
- аҳолининг реал ўсиш коэффициенти;
- аҳолининг касбий таълим хизматлари билан қамраб олинганлик коэффициенти;
- аҳоли пул даромадлари коэффициенти;
- аҳоли бандлиги коэффициенти;
- пенсионерларнинг турмуш фаровонлиги коэффициенти.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизими мамлакатда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлиги ва уни қамровини баҳолашдаги хатоликларни бир мунча қисқаришига олиб келади. Шу билан бир қаторда, ушбу кўрсаткичлар тизими жамиятнинг ижтимоий қиёфасини қиёсий баҳолашда, ёки мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланганлик даражасини баҳолаш ва ижтимоий ривожланиш йўналишларини прогнозлаш бўйича аниқликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини самарадорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатдаги миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолатда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини ҳар бир туман, шаҳар, вилоятлар бўйича ҳисоблаш ва белгилаш;
- ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида яшаш минимуми қийматини ҳисоблаш ва белгилаш;
- аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланишини назорат қилиш ва уни статистик таҳлилини амалга ошириш мақсадида ижтимоий хизматлардан фойдаланганлик бўйича ягона онлайн тизимдаги дастурлашни амалга ошириш ва бунда замонавий информацион технологиялардан кенг фойдаланиш;
- фуқароларни уй-жойга бўлган талабларини ўрганиш ва уларнинг қай даражада уй-жой билан таъминланганлик ҳолатини баҳолаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари паспортидаги маълумотларни амалдаги ҳолат билан солиштириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондирилганлик даражасини баҳолаш;
- пенсионерларнинг пенсия тўловларининг харажат таркибини ўрганиш. Бунда пенсия тўловларининг қанча қисми бирламчи истемол товарлари учун ва қанчаси дори-дармон воситалари учун сарфланаётганлигини аниқлаш;

<http://www.odi.org.uk/publications/6889-social-protection-social-exclusion-design-analytical-framework>; Bassi, G.; Dolls, M.; Eichhorst, W.; Leoni, T.; Peichl, A. 2012. "The effects of the recent economic crisis on social protection and labour market arrangements across socio-economic groups", in *Intereconomics*, Vol. 47, No. 4, pp. 217–223.; Behrendt, C. 2013. "Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors", in D. Kucera and I. Islam (eds): *Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development* (Basingstoke, Palgrave Macmillan), pp. 228–259.; Доклад о социальной защите в мире 2014/15: Обеспечение экономического восстановления, инклюзивного развития и социальной справедливости / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2015. 436 р. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

– норасмий бандлик ҳолатини баҳолаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хизматларидан кенг фойдаланиш ва расмий бандликни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолатда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва қамрови даражасини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш амалиётда вужудга келаётган муаммолар, камчиликлар ва эришилган ютуқларни тавсифлашда хатоликларни қисқартиради.

3.2-§. Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда камбағалликни камайтиришнинг устувор йўналишлари

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатлар билан биргалиқда ҳудудий, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини (банк, молия-кредит, хизмат кўрсатиши ва сервис) ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш орқали таълим хизматлари қамрови ва сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш каби давлат аҳамиятига молик бўлган дастурлар мамлакатимиз аҳолисининг муносиб турмуш кечириши учун зарурӣ шарт-шароитларни яратилишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллиигини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланиш учун замин яратмоқда. Шу билан бир қаторда бозор ислоҳотлари шароитида демократик давлатнинг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтириш, ўтиш даврининг қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатиш ва аҳолининг янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштиришдан иборат бўлиб, бу борада ҳукуматимиз томонидан қўйидаги кучли ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари тизими амалга ошириб келинмоқда:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат бошқарувини сақлаб қолиш;
- мамлакатда ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллиигини кучайтириб бориш;
- аҳоли турмуш фаровонлигини изчил, барқарор суръатларда ошириб бориш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллиигини оширишда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари (махалла) фаолиятидан кенг фойдаланиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳукуқий базаси ва иқтисодий механизмини такомиллаштириб бориш.

Таҳлиллар кўрсатишича, мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўйидаги йўналишларни қамраб олган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими шаклланган:

- бюджетдан ташқари мақсадли ижтимоий ва хайрия фондларининг ташкил этилиши, уларнинг фаолияти устидан давлат томонидан қатъий назоратнинг

ўрнатилиши ва ушбу фонdlар хизматларидан жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдаланишини кафолатлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондини ташкил этиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш;
- нархларни эркинлаштириш ва давлат томонидан инфляция даражасига мутаносиб равишда иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг минимал микдорини кафолатланиши;
- аҳолининг айrim ижтимоий гурухларига кўrsатилган ижтимоий хизматлар ва самарали меҳнатлари учун тегишли имтиёзларни бериш;
- қўп болали оиласарга ижтимоий нафақаларни тайинланиши;
- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож ҳисобланган гурухларига моддий ёрдам кўrsatiш;
- болалиқдан ногирон ва меҳнат фаолияти натижасида меҳнат қобилиятини қисман ёки бутунлай йўқотганларни ижтимоий қўллаб-куватлаш;
- талабалар учун давлат стипендияларини тўланиши;
- аҳолининг минимал турмуш кечириш учун зарур бўлган истеъмол товар ва хизматлари турларини белгилаш ва уларнинг нархларини давлат томонидан ўрнатилиши;
- ишсизларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини очиш ва уларга иш топгунларига қадар ишсизлик нафақасини бериши;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида, уларнинг баҳоларидағи фарқларни тўлдириш учун бюджет ҳисобидан дотация ва субсидиялар ажратиш;
- ижтимоий хизматлар кўrsatiш соҳасининг етакчи тармоқлари бўлган соғлиқни сақлаш, таълим тизимининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамиятда, айrim ячейкалар ва таркибий бўлинмаларда қулай психологик иқлим яратиши, рухий тазијиқ ўтказишдан муҳофаза қилиш;
- фуқароларнинг қонунга зид келмайдиган фаолият тури билан тирикчилик воситаларини ишлаб топишлари учун имкон берадиган шарт – шароитлар яратиши;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мазиллилигини оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятидан кенг фойдаланиш.

Мамлакатимизда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг қайд этилган устувор йўналишлари аҳоли учун давлат томонидан куйидаги кафолатларни таъминлаш имконини беради:

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қатламларини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш;
- меҳнат лаёқатини вақтинча ёки қисман йўқотганлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гурухларини тегишли ижтимоий нафақалар билан таъминлаш;
- меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки ижтимоий нафақалар асосида аҳолининг нормал турмуш кечиришини таъминлаш (бунда бирламчи истеъмол товарлари ва хизматлари билан бир қаторда аҳолининг узоқ муддатли даврда


фойдаланилайдиган буюмлар билан таъминланганлик даражаси эътиборга олинади);

- аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва аҳолига уй-жой коммунал, соғлиқни сақлаш, таълим, маданий хизматларнинг кўрсатилиши;

- мамлакат меҳнат бозорида кадрлар салоҳиятини ошириш ва ишчи кучи сифатини такомиллаштириш.

Амалдаги қонунчиликка биноан, мамлакатимизда кам таъминланган оила сифатида даромад аниқланаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган улуши базавий ҳисоблаш микдорининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инобатга олинади.¹⁶⁸

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ микдори билан камбағаллик даражасининг ўзгариши ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми билан аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га тенг бўлди, ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита кучли эканлиги аниқланди. Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига мувофиқ мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ бўйича жаҳондаги ўрта юқори даромадли мамлакатлар кириши режалаштирилган. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ билан камбағаллик даражаси ўртасидаги кучли тескари боғлиқлиқдан келиб чиқсан ҳолда, амалга оширган прогнозларимиз натижасига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражаси 7,3 фоизга пасайтириш имконини беради (3.1-расмга каранг).



3.1-расм. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ микдори кўрсаткичига асосланган ҳолда мамлакатимизда камбағаллик даражаси бўйича прогноз¹⁶⁹

2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳоли бандлигини оширишга қаратилган “Хар бир оила – тадбиркор” дастурига устуворлик қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев айтганларидек:

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 44-сонли Карорига 1- илова, 15.02.2013 й.

¹⁶⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлиётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди... камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.¹⁷⁰

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг фаол дастурларига устуворлик қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти талабларига тўла мос келиб, аҳолидаги “боқимандалик” руҳиятини камайишига олиб келади. Президентимиз айтганларидек, баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулинин тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлади. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.”¹⁷¹.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги аниқланди. Шу билан бирга, 2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида 2020 йилда оиласидан тадбиркорлик дастурларига 4 трлн. сўм маблағ йўналтирилди, жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурига қўшимча 1 трлн. сўм ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” дастури доирасида 190 млрд. сўм ажратилди.¹⁷²


2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” каби фаол дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши билан аҳоли камбағаллиги даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,69 га teng бўлди. Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, 2030 йилга бориб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 70 фоизга етказиш орқали камбағаллик даражасини 4,5 фоизга камайтириш мумкин бўлади. Олинган натижалар мамлакатимизда “2030 йилгача бўлган муддатда кам таъминланганликнинг барча

¹⁷⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uz.uz

¹⁷¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uz.uz

¹⁷² 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига камбағалликни кисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йигилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

кўринишларини икки баробар қисқартириш¹⁷³ вазифасини ҳал этиш имкони мавжудлигидан далолат беради (3.2-расмга қаранг).



3.2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ва камбағаллик даражасининг ўзгариши бўйича прогнозлар¹⁷⁴

Тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги бўйича турли гуруҳларга ажратиш ва уларга тегишли ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик бўйича нафақаларни тайинланишида қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, мамлакат бўйича ва ҳудудлар кесимида аҳоли таркибида ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини белгилаш. Бунда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳларини табақалашган ҳолда манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мумкин бўлади. Яъни, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини тегишли гуруҳларга ажратиш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомилаштириш мумкин бўлади. Фикримизча аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг жаҳон амалиётида келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини қўйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларида яшаётган аҳоли; моддий ресурслар танқислиги ва камбағаллик риски мавжуд бўлган ҳолатлардаги кишилар.

Уй хўжаликларида истиқомат қилаётган мамлакатдаги қонунчиликка биноан меҳнат лаёқатига эга бўлган жами оила аъзоларининг умумий меҳнат салоҳиятига нисбатан 20 фоизи ёки ундан кам бўлган улушидан фойдаланаётган, уй хўжалигида топилаётган барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан 60-65 фоизи ўртасида тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликлири ҳисобланади. Ушбу ҳолатда уй хўжалигида истиқомат қилаётган оила аъзоларининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасидан пастлашиб кетиш

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 20 октябрь, 841-сон Карори

¹⁷⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

хавфи юқори ҳисобланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолатда меңнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларини аниқлаш, уларга муносаб иш ўринларини топишда ёрдам бериш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ. Бунда меңнат интенсивлиги паст бўлган оилаларга давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, уларни касбга ўқитиш ёки малакасини ошириш каби фаол ижтимоий ҳимоя дастурларини амалиётга тадбиқ этилиши талаб этилади.

Моддий ресурслар танқислиги ҳолатида яшаётган аҳоли гурухларига мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазиятни инобатга олган ҳолатда бир ой (30 кун) давомида қуйидаги саккиз ҳолатдан камидан учтасидан маҳрум бўлган уй-хўжаликларини киритиш мақсадга мувофиқ:

- етарли даражада уй-жой билан таъминланганлик;
- уй-жой коммунал, табиий газ, электр таъминоти хизматларидан фойдаланганлик учун тўловларни тўлаш;
- тоза ичимлик суви билан таъминланганлик;
- аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти;
- майший техника воситалари (кир ювиш машинаси, чангютгич, рангли телевизор) билан таъминланганлик;
- уяли алоқа ёки телефон;
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари ўрнини босувчи маҳсулотларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган тавсияларга қўра ўрнатилган меъёрда (бир ойда 1 кишига 1 кг (суюксиз) мол гўшти) истеъмол қилиш;
- камидан икки марталик тасодифий харажатларни қоплаш.

Юқорида келтирилган саккиз ҳолатдан камидан учтасидан маҳрум бўлган уй хўжаликлида истиқомат қилувчи аҳоли гурухлари мамлакатдаги ўртacha турмуш фаровонлиги кўрсаткичидан паст даражада истиқомат қилаётган аҳоли гурухлари ҳисобланиб, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўз навбатида жамиятдаги ўрта синфни, мулқдорларни рағбатлантиришда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиқкан ҳолда, камбағаллик риски мавжуд бўлган аҳоли гурухлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртacha иш ҳақининг 40-59 фоизида тўғри келадиган аҳоли гурухлари ҳисобланади. Бунда давлат томонидан ушбу турдаги аҳолининг ижтимоий гурухларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртacha иш ҳақига нисбатан 60 фоиз микдорига тенглаштириш учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиш талаб этилади.

Фикримизча, юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолатда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқилиши, уларни амалиётга тадбиқ этилиши жамият таркибида ўрта даромадли аҳоли гурухларини ривожланишини рағбатлантириш ва ижтимоий жиҳатдан мухтожликка қарши курашишнинг самарали иқтисодий механизмини яратиш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатимизда мутасадди вазирликлар, давлат ташкилотлари ва муассасалари, илмий тадқиқот ва текшириш институтлари вакиллари, соҳа олимлари ва экспертлардан ташкил топган ишчи гуруҳни шакллантириш орқали мамлакатда аҳолининг ўртача ва минимал турмуш фаровонлиги меъёри бўйича кўрсаткичлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбир мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷлигини аниқлаш ва уни баҳолаш мезонларига аниқлик киритади. Шу билан бир қаторда амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя дастурларининг манзиллилигини оширишга замин яратади.

Учинчидан, аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш учун мамлакатимизда ижтимоий суғурта фондлари фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли ўртасида ижтимоий суғурта хизматлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун ОАВ хизматидан кенг фойдаланиш, хусусий суғурта фондлари фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Тўргинчидан, меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳолига таълим хизматлари кўрсатиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш. Бунда касбий таълим, мутахассислик бўйича малака ошириш бўйича ўрнатиладиган талабларни иш берувчи ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, минимал ижтимоий стандартларни минақавий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш амалиётини такомиллаштириш.

Олтинчидан, уй-жой коммунал, табиий газ ва электр таъминоти хизматларидан фойдаланганлик учун тўловлар бўйича кам таъминланган оиласаларга тўлов тарифлари ўсишини инобатга олган ҳолатда ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ оиласалар харажатларини қисман қоплаш мақсадида манзилли субсидиялар ажратиш тизимини босқичма-босқич йўлга кўйиш;

Еттинчидан, имконияти чекланган шахслар ва ногиронларнинг жамоат ташкилотлари томонидан ташкил қилинадиган корхоналарга қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёzlари ва кредит ресурслари бериш йўли билан давлат томонидан кўллаб-куватланиши;

Саккизинчидан, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ва куйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тиббий хизматлар кўрсатиш муассасалари, касалхоналар ва реабилитация марказларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ихтисослашув даражасини ошириш;

- жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тиббий ва меҳнат реабилитацияси усувларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- имкониятлари чекланган шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишни кучайтириш йўли билан реабилитация чора-тадбирлари ва уларнинг комплекслилик даражасини ошириш.

Тўққизинчидан, аҳолининг, жумладан, кам таъминланган аҳоли қатламларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини янада рағбатлантиришда қуйидагиларга эътиборни қаратишлари мақсадга мувофиқ:

- тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва солиқ юкини қисқартириш;

– “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” каби давлатнинг фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари асосида кам таъминланган оилаларга тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун берилаётган имтиёзли кредитлар ҳажмини ошириш;

– тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айrim жиноят элементлари мавжуд бўлган хуқуқбузарлик ҳолатларини жиноат тоифасидан чиқариш;

– кичик ва ўрта бизнесни рафбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

– тадбиркорлик фаолияти хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш.

Ўнинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қуидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

– ижтимоий кафолатларни таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг барча кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламларига аниқ мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш;

– миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда минимал истеъмол саватчасининг хуқуқий-институционал асосларини ишлаб чиқиши;

– мавжуд ижтимоий нафақаларни ҳисоблаш ва тўлашни соддалаштириш мақсадида даромади даражаси паст бўлган оилалар учун бундай нафақаларни ягона мақсадли пул тўловига бирлаштириш;

– миллий қонун хужжатларини оналар ва болаларни ҳимоя қилишга доир халқаро нормалар ва ХМТ конвенцияларига мувофиқлаштириш;

– пенсия таъминотининг жамғариш тизимига ўтиш ва пенсиялар миқдорини изчил оширишга қаратилган пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиши.

Юқорида билдирилган таклифларни мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиши амалиётида қўлланилиши аҳоли даромадларини шакллантириш ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини аниқ-манзилли ижтимоий ҳимоялаш учун хизмат қиласида ва ўрта даромадли аҳоли улушкини ортишига замин яратади. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

3.3-§. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қамров даражасини оптималлаштириш йўллари

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини самарали фаолият кўрсатиши мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш хукуматнинг ўз фуқаролари ижтимоий хуқуқларини кафолатлашни, меҳнат қилиш хуқуқини ҳимоя қилишни англатади. Иккинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ижтимоий зарурият ҳисобланаб, бозор механизми ҳал эта олмайдиган ижтимоий муаммоларни давлатнинг аралашуви асосида ҳал этиш имкониятини беради. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий тизимлари самарадорлиги

кўрсаткичи, ижтимоий ҳимоя дастурларини амал қилиши асосида аҳолининг муносиб даромадга эга бўлишининг кафолатланганлиги, жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланиши ва ижтимоий муҳтожликни қисқартириш билан бир қаторда инклузив жамиятни шакллантириш имконини беради. Учинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш уй хўжаликлари даромадлари ҳажмини ошириш асосида мамлакат ички бозоридаги талаб ва истеъмолни қўллаб-кувватлашга қаратилган ижтимоий дастур сифатида иқтисодий жиҳатдан зарур ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ижтимоий ҳимоя дастурларининг иқтисодий зарурияти миллий инсон капиталини ривожланиши, меҳнат ресурслари салоҳиятини ортиши эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши натижасида объектив ва инклузив шаклдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун замин яратади.

Таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидағи ташкилий, тизимли ва ҳуқуқий кафолатларнинг ўзгаришида намоён бўлади. Пировард натижада мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг йўналишлари, уни амал қилиш механизми, функциялари, жамият институти ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш технологияларини такомиллашиб боришида намоён бўлади (20-илова). Амалиётдаги объектив ўзгаришлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий-институционал асосларнинг ўзгариши қўринишида намоён бўлади. Ушбу турдаги ўзгаришлар бозор муносабатларига ўтаётган ўтиш иқтисодиёти ва бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатларда устун даражада амалга оширилади. Бунинг сабаби мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражаси ортиб боргани сари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг универсалликдан хусусийликка томон харакатланиши жадаллашиб, манзилли равишда амалга оширишга қаратилиши билан тавсифланади.

Жаҳон амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркибидаги объектив ўзгаришларнинг натижалари аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлигини баҳолашнинг 21-иловада келтирилган усуллари орқали баҳоланади. Жадвалда келтириб ўтилган кўрсаткичлардаги ўзгаришларнинг баҳоланиши бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя дастурларининг ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, таҳлил қилиш имконини беради. Шу билан бир қаторда мамлакат фуқароларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларига нисбатан берадиган холисона баҳолари ва фикрларини ўрганиш мумкин бўлади. Ушбу баҳолаш амалиёти эксперtlар иштироқида ижтимоий сўровнома ўтказиш орқали амалга оширилиб, йиғилган маълумотлар маҳсус компьютер дастурлари орқали жамланади, қайта ишланади ва баҳоланади. Ижтимоий сўровнома анкеталари қайси йўналиш ёки усулга асосланган ҳолда тузилганлигига қараб ўзаро фарқланади.


Мамлакатда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари жамиятнинг барча аъзоларини, жумладан, аёллар ва ёшларнинг актив ижтимоий ҳимоя, оиласарни ижтимоий қўллаб-кувватлаш тадбирлари, ижтимоий сугурталаш (тиббий, ишсизлик, пенсия ва бошқалар) хизматлари кўрсатиш орқали уларнинг муносиб даромад келтирувчи иш ўринлари билан таъминлаш ва

даромадларини давлат томонидан кафолатланишини таъминлайди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг инклюзивлигини таъминлаш давлат томонидан ижтимоий ҳимояни инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш эвазига амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимояни инвестициялаш – бу жамият саломатлиги, унинг аъзоларининг тенг хуқуқлиги ва ижтимоий хизматларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилаётган давлат харажатлари ҳисобланади.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимояни инвестициялаш жамият аъзолари учун сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш ва кафолатланган юқори даражадаги даромадга эга бўлиш имкониятини беради. Пировард натижада мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий императивликка эришиш учун замин яратилади. Яъни, ижтимоий императивлик бу ижтимоий ҳимоя дастурларининг иқтисодий самарадорлиги бўлса, иқтисодий императивлик иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ифодалайди (3.3-расмга қаранг).

Амалиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни инвестициялаш дастури кўп босқичли ривожланиш хусусиятига эга бўлиб (22-и洛ва), биринчи босқичда аҳоли даромадлари шакллантирилади ва муносиб турмуш даражасига эга бўлиш давлат томонидан кафолатланади.



Иккинчи босқичда эса миллий инсон капиталини барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаган ҳолатда аҳолининг таркибий ўзгаришларга мослашуви ва ўз даромадларини кескин оширишга қаратилган характеристики юқори рискли қарорларни қабул қилишга мойиллиги кучайиб боради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг инклюзивлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий чора-тадбирлар ривожланишининг учинчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилиги кучайган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламларига муҳтоҷлик даражасига кўра табақалашган манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилади, жамиятнинг ижтимоий бирдамлиги шаклланади, унинг ижтимоий қиёфаси такомиллашади, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги орта боради. Пировард натижада

¹⁷⁵ Муаллиф томонидан тузилган

мамлакатда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя дастурларининг ижтимоий-иқтисодий инклузивлиги таъминланади.

Ўрта истиқболда мамлакатимизда аҳолининг ўрта қатламини ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг инклузивлигини таъминлашда қуидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, иқтисодиётда базавий тармоқлар, жумладан, қўшимча қиймат яратувчи тармоқларнинг маҳсулотлари, хизматлар соҳасини кенгайтириш ва кичик бизнеснинг динамик ривожланиши ҳисобига, иқтисодиётда саноат улушининг ўсишига хизмат қилувчи иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, мавжуд корхона, тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, янги юқори технологияли тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни яратиш, инновациялардан фаол фойдаланиш механизмини жорий қилиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Иккинчидан, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, даромадлар, турмуш даражасини оширишнинг етакчи омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) қуидаги йўналишларда кўллаб-кувватлаш сиёсатини амалга ошириш:

- давлат томонидан КБХТни тартибга солиш жараёнлари, жумладан, фаолият юритиш учун турли рухсатнома, лицензиялар олиш жараёнларини янада соддлаштириш ва енгиллаштриш;

- хусусий мулк хукуқини мустаҳкамлаш, хусусий корхоналар жойлашган ва бизнес амалга оширилаётган ер майдонларини хусусийлаштириш имкониятларини кенгайтириш;

- тадбиркорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ имтиёзлари, енгилликлар бериш тизимини тадқиқ этиш.

Учинчидан, даромадлар бўйича кам таъминланган аҳоли улушкини кескин камайтириш, даромадлар тақсимланишида тафовутларни ривожланган мамлакатлар даражасига тушириш. Ушбу вазифаларни амалга оширишда бандлик соҳасидаги сиёsat чора-тадбирларини кучайтириш ва меҳнат бозори фаолияти самарадорлигини ошириш мухим ўрин тутади. Шунингдек:

- амал қилаётган имтиёзлар ва нафака тўловлари тизимини тартибга солиш, манзилли характерга эга бўлмаган ва айрим касб гурӯхларига бериладиган имтиёзларни камайтириш;

- натурал кўринишида бериладиган имтиёзларни пул тўловлари билан алмаштириш (монетизация) жараёнини тугаллаш;

- норасмий секторда тадбиркорлик фаолиятидан, жумладан, пул ўтказмалари ҳисобига даромад олаётган оилаларни чиқарib ташлаш йўли билан моддий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш услубиётини такомиллаштириш. Тежаб қолинган маблағларни энг муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун қайта йўналтириш;

– ягона асосга кўра белгиланган ижтимоий ёрдамнинг айрим турларини бир шаклга мослаштириш (масалан, даромад бўйича муҳтоҷлик);

– жойларда ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, жумладан, маблағларни ижтимоий ҳимоянинг айрим моддалари ўртасида қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишда давлат органлари мустақиллигини кенгайтириш;

– ўз-ўзини бошқариш органларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари тўлашни ташкил қилиш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб қилиш кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий тўловлар ҳажми ва қамровини оширишга имкон беради;

– айрим нафақа тўловлари ва имтиёзларни тугатиш асосида бўшаган маблағларни муҳтоҷ оилаларга манзилли нафақа тўловларини молиялаштириш ҳажмини оширишга йўналтириш;

– минимал ижтимоий стандартларни минақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш. Узоқ муддатли даврда амалиётга кун кечириш минимуми катталиги ижтимоий стандартини тадбиқ этиш;

– уй-жой, коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича кам таъминланган оилаларга корхоналар томонидан берилаётган бюджет субсидияларининг қисқариши сабабли тарифлар ўсишини қисман қоплашга имконини берувчи мақсадли ва манзилли субсидиялар ажратиши босқичма-босқич тадбиқ этиш;

– оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий заиф гурухлари, талаб қилинмаган меҳнат салоҳиятига эга кам таъминланган оилаларни кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида бошланган ислоҳот дастурларини тугаллаш. Аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича бирламчи тиббий ёрдамлар кўрсатиш муассасалари тармоғини 100 фоизга қамраб олган ҳолда, яхши жиҳозланган замонавий кўп профилли, ихтисослашган касалхона муассасалари ва диагностика комплексларини яратиш учун соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг кейинги босқичида соғлиқни сақлаш тизими сифатини ошириш, профилактик тиббиёт чора-тадбирларини тадбиқ этиш, касалланиш, чақалоқлар, болалар ва оналар ўлими даражасини янада камайтириш.

Бешинчидан, узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– ижтимоий-демографик тенденциялардан келиб чиқиб, пенсия тизимини ислоҳ қилиш, пенсионерлар ва ногиронлар, кекса авлод эҳтиёжларини ҳисобга олиб уларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни қучайтириш;

– ижтимоий инфратузилма обьектларини ривожлантириш ва жойлаштиришда, аҳолига хизматлар кўрсатишда энг замонавий инновацион ва рақамли технологиялардан, ресурс тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш;

– аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим кўрсаткичларини амалиётга мунтазам татбиқ этиш Барқарор тараққиёт мақсадлари турмуш даражасини мониторинг қилиш тизими учун жиддий омил бўлиши мумкин Ушбу ҳолат мақсадли дастурларни ишлаб чиқувчилар учун фойдали бўлади ва маълумотлар манбаларини кенгайтиради, уларнинг сифати ва мақбуллигини яхшилади;

– бизнес соҳалари, истеъмолчилар учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини, интерактив хизматларни жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш.

Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳот дастурларини юқорида билдирилган таклифларни инобатта олган ҳолда янада чуқурлаштирилиши жамиятда ижтимоий-иктисодий императивликнинг таъминланиши, ўрта даромадли аҳоли синфларини рағбатлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтоҗлигини янада камайтириш учун замин яратади.

Учинчи боб бўйича хulosалар

Диссертация ишининг учинчи бобида қўйидаги илмий хulosалар олинди:

Биринчидан, жаҳондаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амал килиши кўрсатишича, ҳар бир мамлакатда ижтимоий ҳимоя дастурларининг самарадорлигини баҳолашнинг миллий стандарт ва меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳолат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мақсадли ва манзилли амалга ошириш учун замин яратади.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра, кам таъминланган оила даромади аниқланяётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган улуши базавий ҳисоблаш микдорининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инобатта олинишини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ микдори билан камбағаллик даражасининг ўзгариши ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми билан аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғликларни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га teng бўлди, ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита кучли эканлиги аниқланди ва ушбу икки омил ўртасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатди ва 2030 йилга бориб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини 7,3 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Учинчидан, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлилар – келажагимиз” ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” каби фаол дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатта олган ҳолда, ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши билан аҳоли камбағаллиги даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил натижаларига кўра, корреляция коэффициенти кучли бўлиб, 0,69 га teng бўлганлиги, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Тўртингидан, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда қўйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- ижтимоий кафолатлар бериш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг барча кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламларига аниқ мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиши қучайтириш;
- миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда минимал истеъмол саватчасини аниқлашнинг ҳукукий-институционал асосларини ишлаб чиқиш;
- мавжуд ижтимоий нафақаларни ҳисоблаш ва тўлашни соддалаштириш мақсадида паст даромадли оиласлар учун ижтимоий нафақаларни ягона мақсадли пул тўловига бирлаштириш;
- оналар ва болаларни ҳимоя қилишга доир миллий қонун хужжатларини халқаро нормалар ва ХМТ конвенцияларига мувофиқлаштириш;
- пенсия таъминотининг жамғариш тизимиға ўтиш ва тўланадиган пенсиялар миқдорини изчил ошириш ва яшаш минимуми билан боғлашга қаратилган пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш.

Бешинчидан, узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий-демографик тенденциялардан келиб чиқиб, пенсия тизимини ислоҳ қилиш, пенсионерлар ва ногиронлар, кекса авлодни улар ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олиб ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш;
- ижтимоий инфратузилма обьектларини ривожлантириш ва жойлаштиришда, ахолига хизматлар кўрсатишида замонавий инновацион, ракамли технологиялардан, ресурс тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш;
- аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим кўрсаткичларини мунтазам равишда Барқарор тараққиёт мақсадлари турмуш даражасини ошириш кўрсаткичлари билан узвий боғлиқлиқда олиб бориш мониторинг қилишнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиши мумкин;
- бизнес соҳалари, истеъмолчилар учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини ва интерактив хизматларни жорий этиш, қўллаб-қувватлаш.

Олтинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, камбағаллик риски юқори бўлган аҳоли гуруҳлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртacha иш ҳақининг 40-59 фоизи тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари ҳисобланади. Бундай ҳолатда давлат томонидан бундай турдаги аҳолининг ушбу ижтимоий гуруҳларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртacha иш ҳақига нисбатан 60 фоиз миқдорига тенглаштириш учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиш талаб этилади.

Фикримизча, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини қучайтириш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги чегарасини ишлаб чиқиш ва амалиётга яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий этиш;
- кам таъминланган аҳоли қатламларининг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва бунда оиласвий тадбиркорлик фаолиятига рафбатлантирувчи омил сифатида қараш лозим. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оиласларга оиласвий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратадиган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини молиялаштириш учун пандемия шароитида бўлгани каби бюджетдан ташқари манбаларни, жумладан, ҳайрия ташкилотлари ва ҳомийлар маблағларини жалб этишни кенгайтириш. Бу кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоя билан қамрови даражасини ошириш билан бир қаторда ижтимоий нафақа ва тўловлар миқдорини сезиларли даражада ўсишига замин яратади;
- кам таъминланган оиласларга уй-жой коммунал тўловларни тўлаш жараёнида давлат бюджети ҳисобидан мақсадли ва манзилли субсидиялашни жорий этиш.

ХУЛОСА

Диссертация ишини ёзиш жарёнида қуйидаги илмий хуросалар олинди:

- ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича, ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш – бу ҳар бир мамлакатнинг ўз фуқаролари олдидағи масъулияти ҳисобланади.

- ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими – иқтисодий категория сифатида ахолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламини обьектив ва субъектив жиҳатдан бозор иқтисодиётининг салбий оқибатлари таъсиридан ҳимоялашни англатади. Ахолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ижтимоий соҳа инратузилмаси, жумладан, тиббий, таълим, ижтимоий суғурта хизматларидан кенг фойдаланади.

- ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими таркибий жиҳатдан мураккаб инфратузилма ҳисобланиб, унга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи кичик ташкилотлардан тортиб то халқаро ижтимоий ташкилотлар киради.

- ижтимоий хизматлар – бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ ахолининг ижтимоий гуруҳлари, шахслар, оиласаларга муносиб турмуш кечириш шарт-шароитларини яратишга қаратилган хизматлар мажмуудир

- ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли қатламлари ҳаёт кечириши даромад нуқтаи назаридан кундалик ҳаёт кечиришнинг энг кам бюджетидан ортиқ моддий ресурсларга эга бўлган ҳолда, уларнинг даромадлари минимал истеъмол бюджетига етмаслиги ҳолатини ифодалайди

- ижтимоий сиёsat таркиби қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

ижтимоий ҳимоя тизими (мехнат қобилиятини йўқотиб ўзи ишлаб топа олмайдиган ёки қарамоғида болалари, бокимандаларга эга бўлган шахсларга нафақа бериш, уларга турмуш кечиришлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар);

ижтимоий суғурта (пенсияга чиқиш ва ишсизлик билан боғлиқ иш ҳақини йўқотишларни вақтинчалик қоплаш ва ҳ.к.);

ижтимоий хизматлар (инсон капиталини инвестициялаш, яъни шахснинг такрор ишлаб чиқариш, маънавий салоҳиятини тиклаш ва кенгайтиришга қаратилган инвестицияларни амалга ошириш);

мехнат бозори ва бандликни таъминлаш (мехнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш, янги иш ўринларини жорий этиш, ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш кабилар).

- 1991-2019 йилларда Ўзбекистонда амал қилаётган ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳукукий-институционал асослари такомиллашиб бормоқда. Жумладан, 1991-1999 йилларда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига хос ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳукукий-институционал базасини шакллантириш босқичи; 2000-2009 йилларда республикамизда ахолини ижтимоий ҳимоя қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш орқали ахолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос механизми яратилганлиги; 2010-2015 йилларда ахолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг

меъёрий асосларини такомиллаштириш босқичи; 2016 йилдан ҳозирга қадар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий-институционал ислоҳотлар аҳолига муносаб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини барқарор ошириб бориш ва жамиятнинг ижтимоий таркибини такомиллаштириш босқичи сифатида ижтимоий хизматларнинг сифати ва кўламини кенгайтиришга қаратилганлиги илмий асосланган.

- аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг озиқланишга асосланган усулининг натижалари мамлакатимизда камбағаллик даражасини 11,4 фоиз эканлигини кўрсатди. Халқаро камбағаллик чегараси бўйича даромади қуий ўрта давлатлар учун кам таъминланганлик даражаси кунига 3,2 доллар, даромади юқори ўрта даромадли мамлакатлар учун эса кунига 5,5 долларни қўллаш тавсия этилади. Ушбу ёндашувга асосланиб, 5,5 доллар чегарани олинганда камтаъминланганлик даражаси 36,6 фоиз ва 3,6 доллар деб олганда - 9,6 фоизни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андикон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда.

- мамлакатимизда 7 млн. 192 минг ўй хўжалиги рўйхатга олинган бўлиб, улардан 300 мингдан зиёди эҳтиёжманд оила ҳисобланади. Кам таъминланган оила ҳажми ўрта ҳисобда 7 кишидан иборат бўлиб, оила бошлигининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11 фоиз кам таъминланган оиланинг бошлиғи ишсиз, 93 фоиз ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва факат 24 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Кам таъминланган ўй хўжаликларининг 43 фоизи доимий иш жойига эга эмас. 93 фоизи марказий иситиш тизимиға, 96 фоизи марказий канализация тизимиға ва 66 фоизи марказий сув таъминотига уланмаган. Кам таъминланган оилалар таркибида бокувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этди.

- мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра, кам таъминланган оила сифатида даромад аниқлананаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган улуши базавий ҳисоблаш микдорининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инобатга олинишини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ХҚП бўйича) ва мамлакатимизда камбағаллик даражаси ўртасидаги корреляцион корреляцион ва регрессион таҳлилни амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (ХҚП бўйича) ва аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғликларни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га teng бўлди ва ушбу икки омил ўртасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатди ва 2030 йилга бориб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини 7,3 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

- мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” ва “Хунармандчилликни ривожлантириш” каби фаол дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатга олган

ҳолда, амалга оширилган ЯИМда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши билан камбағаллик даражаси ўртасидаги корреляцион ва регрессион таҳлили натижаларига кўра, тадбиркорлик фаолияти билан камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқкни ифодаловчи корреляция коэффициенти кучли бўлиб, 0,69 га тенг бўлганлиги, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

- мамлакатимизда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида мавжуд муаммолар қуидагилардан иборат: қамров даражасининг пастлиги; нафақалар миқдорининг камлиги; аксарият кам таъминланган оиласарнинг нафака олмаслиги; нафақаларни тайинлаш жараёнининг мураккаблиги; молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги.

Тадқиқот ишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

пенсионерларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш ва уларни камбағаллик риски ҳолатига тушиб қолишларини олдини олиш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини ошириш;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида аҳолига қўрсатилаётган ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида қўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш. Бунинг учун, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, онлайн таълим тизимини жорий этиш орқали, масофавий таълим хизматларини йўлга қўйиш, таълим хизматларини қўрсатишда кўпроқ амалиёт билан боғлиқ жиҳатларга эътиборни кучайтириш билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолияти олиб бораётган тиббий хизматлар қўрсатиш муассасаларини халқаро миқёсдаги замонавий илғор техника ва юқори технологиялар билан таъминлаш, тиббиёт ҳодимлари малакасини ошириш ва уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича ўрнатилган талабларни қайта кўриб чиқиши;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги чегарасини ишлаб чиқиши ва амалиётга яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий этиши;

кам таъминланган аҳоли қатламларининг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган бандлик дастурларини ишлаб чиқиши ва бунда оиласавий тадбиркорлик фаолиятига рағбатлантирувчи омил сифатида қараш лозим. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оиласарга оиласавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратсаётган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш;

бозор муносабатлари ривожланган сари, жумладан пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбалар, жумладан, ҳайрия ташкилотлари ва ҳомийлар маблағларини жалб этишини кенгайтириш. Бу кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоя

билан қамрови даражасини ошириш билан бир қаторда ижтимоий нафақа ва тўловлар миқдорини сезиларли даражада ўсишига замин яратади;

кам таъминланган аҳоли қатламларининг тадбиркорлик фаолиятларини кўллаб қувватлаш ва уларга мақсадли кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштириш;

кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиши орқали мамлакатимизда аҳоли даромадларини мунтазам ортиб бориши ва камбағаллик даражасини камайтириш;

кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал тўловларни тўлаш жараёнида давлат бюджети ҳисобидан мақсадли ва манзилли субсидиялашни жорий этиш.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг қамров даражасини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбаларни, ҳайрия жамғармаларини жалб этиш;

- ижтимоий жиҳатдан муҳтож оилаларни молиялаштиришда айрим нафақа турлари ва имтиёзларни қисқартириш эвазига бўшаган маблағларни йўналтириш;

- минимал ижтимоий стандартларни (жумладан, миңтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда) ҳисобга олиш услубиятини такомиллаштириш;

- кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал тўловларни мақсадли ва манзилли субсидиялашни жорий этиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож, жумладан, кам таъминланган оилаларга кредитлар ажратадиган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Юқорида билдирилган фикрларни амалиётда қўллаш кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва қамров даражасини янада ортишига хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон 2014. 45 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 1991 йил 18 ноябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сонли Қонуни. 03.09.1993 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси. – Т.: Адолат, 1996. 263 б.
5. “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 1-илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 17 август, 32-сон, 432 модда; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2015 йил, 8-сон, 71-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги № ЎРҚ-415-сонли Қонуни, 26.12.2016 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги 23.01.2007 й. ПҚ-573-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги 19.03.2007 й. ПФ-3864 сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3268-сон Қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 07.06.2018 йилдаги ПҚ-3777-сонли Қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11.06.2018 йилдаги ПҚ-3782-сонли Қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 12.12.2018 йилдаги ПФ-5597-сонли Фармони

15. Мирзиёев Ш.М., Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маъросимдаги маъруза. 2017 йил 7 декабрь. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2018.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сон Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11.02.2019 йилдаги ПҚ-4185-сон Қарори

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 20.02.2019 йилдаги № ПҚ-4201-сон Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 23.08.2019 йилдаги ПҚ-4423-сон Қарори

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.10.2019 йилдаги ПҚ-4498-сон Қарори

22. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. 64 б.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 26.03.2020 йилдаги ПФ-5975-сонли Фармони

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармони

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда коронавирус Covid-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 02.07.2020 йилдаги № ПҚ-4772-сон Қарори.

26. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.aza.uz

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин нархлар жорий этилиши муносабати билан талабалар, ўкувчи ёшлар, ўзгаларнинг қарамоғига мухтож бўлган ёлғиз пенсионерлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 21.01.1992 й.даги №-22-сонли Қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Уй хўжаликларини тадқиқ этиш методологиясининг низоми тўғрисида”ги № 18 сонли Қарори, 24.12.2010 й.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 350-сонли Қарори, 12.12.2012 й.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарори, 15.02.2013 й.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 09.07.2015 йилдаги 185-сонли Қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.08.2015 йилдаги 237-сон Қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 10.06.2015 йилдаги 153-сон Қарори.

